E17 K 498 1922
7-12/2 2

ГУЛИСТОН

72



Қуёш бешаёв олов пуркайди. Тизгинсиз хаёл каби ҳудудсиз саҳро зўриққан полвондек харсиллайди. Уфққа ўт туташган. Ҳовур жимирлайди. Бирор қаққайган ниҳол кўринмайди. Ер қақшаб, қуруқшаб ётибди. Кечагина кўкракдан ажратилган боладай ёлбораси. Сув сўрайди.

Инсоннинг саховатли қўли илк ўрта асрлардаёқ ҳозирги Мирзачўл ўрнида Усрушан номи билан етти иқлимга машҳур мамлакат барпо этган. Араб сайёҳларининг хотираларида баён қилинишича, бу мамлакатнинг хушманзара боғлари, ширин-шарбат мевалари, тунж ва олтиндан ишланган зеб-зийнатлари қўшни давлатларнинг эътиборини тортган. Кейин Усрушанга турли мамлакатлар истило бошлашган. Юрт вайрон бўлган. Одамлар жон сақлаш умидида Яксарт соҳилларидан олис-олисларга бош олиб қочганлар. Усрушан босқинчилар дастидан мозористонга айланган. Қанчадан-қанча тафаккур обидалари тупроққа қорилиб, йўқ бўлиб кетган.

Бу неча минг йиллар илгариги ҳақиқат. Унинг бугунги кунга, келажакка дахли бор.

УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

... Ривоят қилишларича, бир куни Мирзо Улуғбек навкарлари билан шикорга чиқибди. Ов қизиғида иттифоқо Сирдарё бўйига келиб қолибди. Султон дарёга тикилганича, узоқ ўйга чўмибди. Сўнг навкарларига юзланиб: «Биз Сирдарё билан Зарафшонни бир-бирига туташтирмоғимиз лозим. Шундагина кийик овлаб юрган ерларимиз ҳам боғ-роғларга айланди», дебди.

Шу кундан эътиборан Сирдарёни чўлга бериш учун ҳаракат бошланибди. Афсуски, одамларнинг узоқ вақт сарф қилган меҳнатлари зое кетибди. «Мирзонинг чўли» деган ибора шундан қолган дейишади.

Мирзачўл ўзбекнинг юрак тубига чўккан оғир дард эди. Бу дашти-биёбонни обод қилишга уринмаган одам йўқ ҳисоб. Гўё юртимизда шундай чўли маликнинг борлиги бизнинг урфимиз, меҳфон Кауфманнинг бу ишини қоралаб: «Улар ерга ваҳшийларча муносабатда бўлишди», деб ёзган эди.

Мана шу тариқа гоҳ Мирзачўл инсонларга, гоҳ инсонлар Мирзачўлга нисбатан ваҳшийлик қилдилар. Пировардида, на унисининг ва на бунисининг орзуси ушалди. Чўл чўллигича, орзу орзулигича қолиб келди.

ИЛК ҚАДАМ

Ҳаётда қаҳрамонликка ҳамиша ўрин бор. Ҳар бир давр ўз баҳодирларини яратади. Бизнинг ҳар кунимиз жасорат, мардликнинг янги саҳифасидир. 1918 йилнинг 17 май куни доҳийимиз В. И. Ленин шундай саҳифалардан бирини очди. У Мирзачўл саҳросини ўзлаштириш ҳақидаги Декретни имзолади. Ленин совет кишиларини буюк жасорат, қаҳрамонлик сари йўллади.

Совет кишилари Мирзачўлга илк қадам қўйганларига роппа-роса эллик икки йил бўлди. 1920 йилларда чўл қандай шароитларда ўзлаштирилганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Шунга қарамай, қисқа муддатда чўлнинг бир қисми саркаш табиат ҳукмидан юлиб олинди. Йўл қурилиши, суғориш шахобчаларини барпо этиш ишлари жадаллашди. 1922 йилнинг сентябрида Владимир Ильич Ленин РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси Я. Э. Рудзутак билан телефон орқали гаплашиб, Мирзачўлда суғориш иншоотларининг қурилиши қай йўсинда бораётгани билан қизиқди.

Одатда биринчи қадам қийин бўлади. Биринчи қадам қўйилса бас, йўл топиб кетади, киши. Ҳар бир ишда шундай. Мирзачўлга илк қадам босилгандан буён қилинган ишларнинг кўлами инсон тасаввури қадар кенг. Чўлга дастлабки кетмон урилган, илк томчи сув келган кундан бошлаб, то шу чоққача амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси янгилик. Ҳаммаси жаҳон қишлоқ хўжалиги учун кашфиёт, етти иқлимга ибрат бўлгулик жасорат намунаси. Бу саҳрои азимда пўлат иродали, чўлдан ҳам ўжар биринчи қаҳрамонлар етишиб чиқди. Тўхтамиш Боймиров — шундай замондошларимиздан бири.

Тўхтамишнинг ҳаёт йўли қизиқарли, ибрат бўлди. Унинг қошлари чимирилган, кўзларида шиддат балқирди. У олис уфқни мўлжаллаётган лочинга ўхшаб кетарди.— Мирзачўлнинг эртаси гўзал...

Тўхтамиш Усмон ота орзу қилган ишга меҳр қўйди. 1957 йили «Голодностепстрой» бош бошқармаси қошида Янгиер йўл қурилиши бошқармаси ташкил этилди. Тўхтамиш шу ташкилотга инженер бўлиб ўтди. Йўл қурувчи разведкачига ўхшайди. У ҳамиша энг олдинги сафда — йўл бошловчи. Кимсасиз саҳрога илк бор йўл қурувчи ҳаёт олиб келади. У чўл ичкарисига қараб биринчи асфальт ётқизганларга бош бўлди. Беш минг километрдан ортиқ йўл қурилишига ҳисса қўшди.

Йўллар худди азамат чинор илдизларига ўхшайди. Бу илдизлар Мирзачўлнинг юрагига бориб туташади.

БИРИНЧИ СИНОВ

КПСС XX съезди Директивалари да 1956-60 йиллар мобайнида Мирзачўлда йирик пахтачилик райони ташкил этиш мўлжалланган эди. 1956 йили КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Мирзачўл ерларидан 300 минг гектарида деҳқончилик қилиш ҳақида қарор чиқарди. Бу тарихий қарордан кейин чўлдаги ишларнинг кўлами ортди. Бироқ Мирзачўлдаги ишларга турли ташкилотлар бошчилик қиларди. Йўл қурилиши, ер текислаш, турар жой қуриш, суғориш шахобчалари, пахтачилик, электр, алоқа — буларнинг ҳар бири бошқа-бошқа ташкилотлар ихтиёрида эди. Бир ташкилот йўл қўйган камчиликни тузатиш учун қанча ёзишмалар, изоҳлар, узоқ тушунтиришлар олиб боришларди. Бу ташкилотларни бирлаштириб, ягона бошқармага айлантириш лозим эди. 1958 йилга келиб узоқ йиллик тортишув, мунозарадан сўнг чўлни ўзлаштиришнинг комплекс усули ишлаб чиқилди. Мирзачўлни ўзлаштириш

ЯНГИ ПАРВОЗЛАР САРИ

наткашлигимизга ярашмайдиган доғдай туюларди. Шу важдан ҳам буюк мутаффаккир Алишер Навоий «Ҳаёт қонуни» рисоласида чўлга сув чиқариш режаларини хомчўт қилиб чиққан. Лекин бу хайрли ишга жазм этишга у пайтларда на етарлича маблағ, на асбоб-ускуна бор эди. Навоийнинг орзуси ҳам ушалмади.

XVI асрга келиб, Бухоро амири Абдуллахон Зарафшон дарёсининг сувини Бекобод чўлларига буриш ниятида Туятортар ариғини қаздирди. Жиззах—Туркистон йўллари устида сардобалар барпо этди. Саркаш табиат инсон ҳукмига бўйин эгмади. Ариқ кўмилиб, сардобалар ер билан яксон бўлди. Абдуллахоннинг хайрли нияти қум уюмлари остига кўмилиб кетди. Замон замон бўлганидан буён табиатнинг бунчалар ўжарлигини кўрмагандир.

XIX асрда мустамлакачилик сиёсатини авж олдирган чор Россияси капиталистлари маҳаллий аҳолини иложи борича кўпроқ талаш, хонавайрон қилиш эвазига бойишни ўйларди. Шу мақсадда улар Мирзачўлни ўзлаштириб, пахта етиштиришга жазм этдилар. Бу даврга келиб Мирзачўл билан Америка, инглиз мутахассислари қизиқа бошлаган эди. Бундан хавотирланган чор ҳукумати зудлик билан генерал-губернатор фон Кауфманни чўлни ўзлаштиришга сафарбар этди. Сирдарё атрофида яшовчи маҳаллий аҳоли зўрлик билан канал қурилишига ҳайдалди. Одамлар ҳаддан ташқари оғир шароитда меҳнат қилишарди. Лекин бу машаққатли ишнинг замири пуч эди. Аввало канал қуриш ва суғориш лойиҳасида маҳаллий шароит ҳисобга олинмаган эди. Мирзачўл ерларининг устки қатламлари ҳаддан ташқари шўрхок эканлигини Кауфман эътиборга олмаган эди. Оқибатда, сал ўтмай сув каналнинг шўрхок қирғоқларини ювиб кетди. Мирзачўлни сув босиб ботқоққа айланди. Безгак эпидемияси тарқалди. Сирдарё атрофидаги одамлар безгакдан қирила бошлади. Уша пайтларда жаҳон матбуоти ларни. Бу оддий, меҳнаткаш, изланувчан кишининг ёркин йўли.

Инженер бўлишни орзу қилган Тўхтамиш ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Транспорт инженерлари институтининг қурилиш факультетига кирди. Уқишни битириб, институт йўлланмаси билан Мирзачўлга, Боёвут районидаги совхозга ишга келди.

У Боёвутга келганида дастлаб учратган кишиси Усмон Юсупов бўлди. Оддий кийинган бу киши, унинг қаердан, нима иш билан келганини билиб олгач, яйраб кетди. Тўхтамишнинг кифтига қоқиб завқ билан гапирди:

— Мен ҳам чўлда янгиман. Боғ қилмоқчиман. Сен уй қур. Шаҳар тикла, ўғлим!— у кўзларини юмганича бир нафас ўйланиб қолди:— Лекин чўлдан чўчима. Чўл мард одамларни ёқтиради: Асли чўлга юрагида ўти бор довюрак одамлар келади.

Усмон отанинг гаплари Тўхтамишнинг юрагидаги пинҳона хавотирни аритиб юборди. Уз кучига ишончини оширди: Усмон ота деярли ҳар куни қурилиш участкасига келар, қурувчилар билан суҳбатлашиб кетар эди. Ота ҳар учрашганида Тўхтамишга бирор янги гап айтар, унинг қалбида шу яйдоқ чўлга нисбатан меҳр уйғотар эди.

— Сенга қойилман. Мана бизнинг совхозда қанча уй қурдинг, ҳадемай бошқа совхозга ўтасан. Чўлнинг ичкарисига кириб бораверасан. Босиб ўтган йўлингда ўзингга оддийгина, лекин мангуликка туташган ҳайкал тиклайсан.— Усмон ота олис-олисларга тикилганича чуқур ўйга бот-

Ленин мукофоти лауреати Тўхтамиш Боймиров «Янгиер» совхозининг директори Эсон Ботиров ва Мирзачўл қурилиши сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Медведев билан янги режалар хусусида маслаҳатлашмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

R 496
1972/7
Экз №2
ГБ УзССР

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

А. САРКИСОВ

Е. ОЗЕРСКИЙ

А. ҚОСИМОВ

Т. БОЙМИРОВ



Д. ТЕРСИЦКИЙ

Э. БЕНЬЯМИНОВИЧ

билан шуғулланувчи ягона ташкилот «Голодностепстрой» ташкил этилди. Бу тадбир чўлни ўзлаштиришни тезлаштирди. Техника ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиликлардан фойдаланишга имкон яратди. Йўл қурилишидан тортиб то пахта экишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини эндиликда биргина «Голодностепстрой» бошқармаси бажарарди. Илгариги сарсонгарчиликлар кескин камайган, ягона раҳбарлик ҳамма нуқталарда ишнинг бир маромда боришини таъминларди. Бу ҳол одамларнинг маданий ҳаётини яхшилаш, меҳнат суръатини ошириш омили бўлди. «Голодностепстрой» бошқармаси чўлни ўзлаштирар, уй-жой қурар, канал қазиб, сув келтирар, пахта экар, янги совхозлар ташкил этар эди. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 20 центнердан ошиб, унинг 85 проценти машиналарда териладиган бўлгач, совхозлар министрлик ихтиёрига ўтказиларди. Унгача бошқарма турли янгиликлар синовини амалга оширарди. Чунончи, туксиз чигит экиш Мирзачўлда синаб кўрилган. Ўзбекистонда кенг қўлланиладиган усулга биноан ҳар гектар ерга 160 килограммдан чигит қадалади. Мирзачўлда эса туки тозаланган чигит қатор ораси 90×90 қилиб, аниқ уруғ ташлайдиган, энг янги сеялкалар билан экилади. Ҳар гектарига 22 килограмм уруғлик сарфланади. Ҳар гектарда уруғликнинг ўзидан 138 килограмм тежалади. Демак, биргина чигитнинг ўзидан қанчадан-қанча тонна иқтисод қилиш мумкин. Бундан ташқари илмий кузатишларга кўра, туксиз чигит тез униб чиқади. Бу парваришни эрта бошлаш имкониятини беради.

1958 йили Тўхтамиш Боймиров мана шу катта синов лабораториясига айланган янги бошқарма ихтиёрига ўтди. Дастлаб ишлаб чиқариш бўлимида инженерлик қилди, сўнг бош прорабликка кўтарилди. Орадан бир йилча ўтгач, участка бошлиғи этиб тайинланди. 1964 йилдан «Голодностепстрой» йўл қурилиши бошқармасига бошчилик қила бошлади. Кўп ўтмай «Обручевсовхозстрой» трестининг бошлиғи лавозимига кўтарилди. Трестда юриб, янгиликлар билан танишди. Уз таклифлари билан мунозараларда қатнашди. Катта ижодий лабораториянинг фаол аъзосига айланди. У марҳум устози Акоп Абрамович Саркисов билан кўп текширишлар ўтказгач, мирзачўлликлар «Средазгипроводхлопок» лойиҳалаш институти ходимларига эътирозларини билдира бошладилар. Жумладан, шўр сувларнинг ер юзасига сизиб чиқмаслиги учун ер остига сопол қувурлар кўмиш, яъни дренаж усулининг нотўғри тадбиқ этилиши ишга путур етказарди. Аслида ҳар 200—250 метр ерга қувурлар ётқизиш керак эди. Шўр сув қувур шинакларидан ўтиб тўпланар ва махсус зовурларга оқиб тушарди. Лекин лойиҳачилар бу масофани 700—750 метрга чўзиб юборишди. Натижада шўр ер юзасига тепиб, экинларни қовжирата бошлади. Дренаж усули бундан минг йил муқаддам Хоразмда қўлланган. Қадим ота-боболаримиз бизга деҳқончиликнинг мана шу мураккаб илмидан сабоқ бериб кетганлар. Археологик тадқиқотлар ва илмий текширишларга асосланган «Голодностепстрой» инженерлари ота-боболар кўрсатмасига амал қилдилар. 1960 йилларда дренаж илмий талабга жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

«Голодностепстрой» чин маънодаги ижодий лабораториядир: Бошқарма инженерлари яна бир янги кашфиёт очдилар. «Дреноукладчик» деб номланган, ҳам ҳандақ қазувчи, ҳам қувур ётқизувчи машина яратдилар. Бу машина ҳозир бутун чўл зонасида кенг қўлланилмоқда. Ваҳоланки, қирқинчи, эллигинчи йилларда дренаж усули хусусида турлича фикрлар мавжуд эди. Кўпчилик олимлар, инженерлар дренажни шўр ювишда нафи кам, қолоқ усул, деб ҳисоблар эдилар.

То олтмишинчи йилларгача яна бир камчиликка йўл қўйилган эди. Пахта экиладиган карталар оралиғидан чуқурлиги тўрт ярим метрли зовурлар ўтади. Бундай зовурлар аслида ҳар 800 метрда ковланиши керак. Ер остидаги шўр сув шу зовурларга сизиб чиқади. Лекин эски мутахассислар бундай зовурлар оралиғини бир ярим километрдан ҳам ошириб юборганлар. Натижада шўр яхши ювилмаган. Бу камчиликни тузатиш ишларига бевосита Саркисов бошчилик қилди. Боймиров эса унинг яқин кўмакчиси бўлди. 1970 йили Саркисов бошқа ишга ўтгач, унинг ўрнига Тўхтамиш Боймиров тайинланди. Шундан буён СССР Сув ва мелиорация хўжалиги министрлигига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Голодностепстрой» территориал бошқармасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва бирламчи комплекс ўзлаштириш борасидаги прогрессив методларни ишлаб чиққанликлари ҳамда жорий этганлари учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан мутахассисларимиз ва олимларимиздан бир гуруҳига 1972 йилги Ленин мукофоти берилди. Иш раҳбари Акоп Абрамович Саркисов, Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Евгений Иванович Озерский, «Таджикцелинстрой» трестининг собиқ бош бошқарувчиси Абдукарим Қосимович Қосимов, «Голодностепстрой» бошқармасининг бошлиғи Тўхтамиш Боймиров, «Среднеазгипроводхлопок» институтининг директори Дмитрий Константинович Терсицкий, шу институтнинг бош мутахассиси Эммануил Маисеевич Беньяминович Ленин мукофоти лауреати деган олий унвонга сазовор бўлдилар.

Дарҳақиқат, Мирзачўлда амалга оширилган барча ишлар жаҳон илми, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация, техника соҳасида улкан кашфиётдир. Жаҳон аҳли қойил қолаётган, зўр қизиқиш билан ўрганаётган комплекс усул шу қум уюмлари орасида туғилган. Шўр ювиш йўллари, пахта ўстириш сирлари ҳам неча минг йиллик тарихга, ҳам замонавий такомилга эга.

ХАЛҚЛАР ИРОДАСИ

Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принципга доимо амал қилиб келмоқда. Биз ҳар қандай низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдоримиз. Бу позиция КПСС XXIV съезди белгилаган тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашнинг умумий программасида аниқ-равшан ифодасини топган.

СССР ва АҚШ ўртасидаги музокаралар жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишига, халқаро кескинликни юмшатиш ишига хизмат қилади, деб ер юзидаги барча тараққийпарвар кишилар аввалданоқ ишонган эдилар. Икки мамлакат ўртасида моҳият эътибори билан принципиал фарқлар ва қарама-қаршиликлар бўлса ҳам, жаҳон уруши хавфига, «совуқ уруш» сиёсатига барҳам бериш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. «Биз СССР билан АҚШ ўртасида муносабатларда — деган эди Л. И. Брежнев Совет Касаба Союзларининг XV съездида,— ўзимизнинг сиёсатимиз принципларидан чекинмай туриб, ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларини ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлайдиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга имкон берувчи соҳаларни кенгайтиришни фойдали, деб ҳисоблаймиз.

Биз илгари ҳам айтиб келганмиз, ҳозир ҳам такрорлаб айтамизки, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мумкин. Ҳаттоки, шундай қилиниши матлубдир, лекин ўз-ўзидан маълумки, бу нарса учинчи мамлакатлар ёки халқлар ҳисобидан, уларнинг қонуний ҳуқуқларига ва манфаатларига зарар етказиш йўли билан қилинмаслиги керак. Бизнинг ўзгармас позициямиз мана шу». Совет — Америка музокаралари натижаси Совет давлатининг позицияси нақадар тўғрилигини яна бир маротаба исботлади.

Музокараларда Совет — Америка муносабатларини янада ривожлантириш ва халқаро ҳаётнинг актуал проблемаларини ҳал қилиш учун амалий аҳамиятга эга бўлган принципиал масалалар муҳокама этилди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари» номли ҳужжатда иккала мамлакатни қизиқтирадиган барча масалалар муҳокамаси, бошқа бир мамлакат манфаатларига зиён етказмасликни ҳамда иккала мамлакатнинг манфаатларини, халқаро ҳуқуқ нормаларини кўзда тутган ҳолда олиб борилиши лозим, деб таъкидлаб ўтилади.

Партиямизнинг XXIV съездида ядро ва оддий қуролларни ишлаб чиқариш пойгасини тўхтатиш, ёппасига ва бутунлай қуролсизланиш учун кураш бундан буён ҳам, КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади, деб кўрсатиб ўтилган ҳамда шу масала юзасидан халқаро ҳаётда юз берган ўзгаришлар чуқур анализ қилинган эди. Шу сабабдан, СССР билан АҚШ ўртасида ракетадан мудофаа қилиш системаси тўғрисидаги Шартноманинг, шунингдек, стратегик, ҳужум қуролларини чеклашга доир баъзи тадбирлар тўғрисидаги муваққат битимнинг имзоланиши қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва қуролсизланиш томон ташланган муҳим қадам бўлди. Шунинг учун, бу дадил қадамни жаҳон жамоатчилиги сидқидиллик билан табриклади. «СССР ва АҚШ ўртасида тузилган Шартнома» фақат икки малакат учун эмас, балки, бутун инсониятнинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ядро қуролларини чеклаш томон қўйилган реал қадамдир»,— деган фикр изҳор этилмоқда Франция матбуотида.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, космосни ўзлаштириш, фан ва техника соҳаларидаги битимларнинг ҳаммаси ҳам кишиларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжига мос бўлиб, дунёда тинчлик ишига хизмат қилади. Томонлар Европа хавфсизлигини таъминлаш ва умум Европа кенгашининг чақирилишидан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Томонлар Яқин Шарқ ва Вьетнам масаласида ўз позицияларини баён қилдилар.

Совет—Америка музокараларида давримизнинг муҳим масалаларини зўравонлик методлари билан эмас, балки тинч йўл билан ҳал этиш мумкинлиги яна бир маротаба очиқ-равшан исботланди. Ҳар қандай низоли масалаларни музокара олиб борувчи томонларнинг тенглиги ва ўзаро хавфсизлиги, ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари асосида, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида ҳал этиш мумкинлиги ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Совет — Америка музокаралари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турди. Кўпгина давлат ва жамоат арбоблари музокаралар якунига жуда юксак баҳо бердилар. Американинг воқеликка оқилона кўз билан қарайдиган расмий доиралари, аввало Америка халқи президент Р. Никсон позициясини маъқулладилар. Аммо, баъзи бир сиёсатдонларга бу яқинлашув, тинч-тотув яшаш, халқаро кескинликни юмшатиш ишидаги бу улкан қадам ёқмади. Бундай тоифадаги кишилар имзоланган шартнома ва битимлар фақат Совет Иттифоқи манфаатларига тўғри келади, десалар, бошқалари эса Москва янги «Мюнхен» бўлди, Никсон «коммунистларни ядро қуроли бўйича бир неча йил олдинга ўтиб кетишларига имкон берадиган» йўл тутди, деб иғво, туҳмат гапларни айтмоқдалар. Хўш, бу бадхоҳлар кимлар! Аввало ашаддий антикоммунист Голдуотер, сенатор Жексон, «водород бомбасининг отаси»— Теллер ва бошқалардир. Ит ҳуради, карвон ўтаверади, деганларидек, уларнинг акиллаши ҳам тинчликсевар кучларнинг қудратли садоси орасида йўқ бўлиб кетаверади.

Совет кишилари бу музокаралар якунини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Совет — Америка музокараларида Совет делегацияси изчил ва қатъий позицияда турди. Музокаралар доно Коммунистик партиямиз олиб бораётган ленинча тинч-тотув яшаш принципининг ҳаётбахш кучини яна бир бор намойиш қилди.

Фозилжон ИСМОИЛОВ

Бу ернинг одамлари эса худди чўлнинг ўзига ўхшайди. Буларнинг таржимаи ҳоли бой. Унинг сўз чекилмаган оқ саҳифалари кўп.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

Мирзачўлнинг умумий сатҳи 1 миллион гектар. Шундан 800 минг гектари ўзлаштирилади. Қолган қисми йўл, зовур ва каналларга чиқиб кетади. Ҳозиргача жами 420 минг гектар ер ўзлаштирилган. Шундан 220 минг гектари Ўзбекистон ихтиёрида. Қолгани қўшни Қозоғистон территориясида. 20 минг гектарини қўшни Тожикистон ўзлаштирган.

Ўзбекистондаги янги ўзлаштирилган ерларда 140 минг киши меҳнат қилади. Республикамиз картасида 33 минг аҳолиси бўлган саноат шаҳри— Янгиер пайдо бўлди. Мирзачўлда жами 42 пахтачилик ва 3 сабзавот, боғдорчилик совхози ташкил этиш мўлжалланган эди. Ҳозиргача ҳар бири 6—7 минг гектар экинзорга эга 30 совхоз ташкил этилди. 1961 йили Мирзачўл пахтаси 14 ярим минг тонна тош босган бўлса, 1971 йилга келиб 128 минг гектар ердан 253 минг тонна хирмон кўтарилди. Бу йил 150 минг гектар ерга чигит экилган. Чўлқуварлар 300 минг тонна ҳосил олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Чигит қатор ораси 90×90 усулида экилган. Бу усул ғўзани механизация воситасида парвариш қилишга йўл очади. Ниҳоллар қуёш нурига тўяди. Ҳосилнинг 80 проценти машиналарда териб олинади.

Мирзачўл шўрпешана одамга ўхшарди. Ҳозир унинг бағридан беш минг километр узунликдаги Киров ва Саркисов номидаги каналлар ўтган. Бу икки каналдан соатига 300 кубометр сув оқади. Ҳозирча сув танқислиги сезилмаяпти. Ваҳоланки, бир пайтлари Мирзачўлдан ўтган одам бир томчи сувга зор эди. Сирдарёнинг суви янги ўзлаштирилажак 219 минг гектарли Жиззах массивига ҳам етади. Мирзачўлликлар сувнинг ҳар қатрасини қадрлайдилар. Канал ўзанига парда қопланади. Унинг устига бетон плиталари ётқизилади. Бу усул сувнинг исроф бўлишига барҳам берибгина қолмай, айни вақтда каналнинг сув ялаб ўпирилишига йўл қўймайди. Шу билан ҳар йили каналлар ремонти учун сарф қилинадиган маблағ ҳам тежалади.

Мирзачўлнинг шўрини ювиш учун махсус «Дренажстрой» тресті ташкил этилган. Бу трест йилига 2 минг километр узунлигидаги сопол қувурлар ётқизади. Шу билан бирга вертикал дренаж ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу усулга кўра қувурлардан оқиб келган шўр сув бир жойга тўпланиб, насос воситасида сўриб олинади. (Ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан йилига эллик тонна шўр ҳайдалмоқда.)

Мирзачўл механизация ватанидир. 1970 йили бу ерда пахтанинг 73 проценти машиналарда терилган эди. Бу йил 83 проценти йиғиб-териб олинади. Қўл меҳнати тобора камаймоқда. Республикамизнинг бошқа рэйонларида ҳар бир деҳқон 6,3 тонна оқ олтин етиштирса, Мирзачўлда бу рақам 17,8 тоннага тўғри келади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси деҳқон меҳнати билан бирга техника шарофатидир. Шу кунгача Мирзачўлдан жами 1 миллион 200 минг тонна ҳосил олинди. Яқин келажакда бу рақам янада ортади. Тез орада Жиззах массивига ҳам ҳужум бошланади. Ана унда Мирзачўлдаги ишларнинг ҳисоб-китобини олиб бориш учун энг замонавий машиналар ҳам шошиб қолса ажаб эмас.

ХОТИМА ЎРНИДА

Мирзачўлда амалга оширилган, олий мукофотга сазовор бўлган ишлар бир ёки бир неча кишининг меҳнати эмас. Бу бутун бир халқнинг, даврнинг меҳнат маҳсули. Мирзачўлни бўстонга айлантиришга ўзбекнинг етти пушти ҳисса қўшиб келмоқда. Бу эзгу ишга СССРдаги кўплаб миллат фарзандлари ўз улушларини қўшмоқдалар. Улуғ Алишер Навоийнинг халқлар дўстлиги ҳақидаги орзуси ушалмоқда. Мирзачўлда ўзбек фарҳодлари ҳам, арман ширинлари ҳам, рус ўғлонлари ҳам тер тўкмоқдалар.

Бугунги Мирзачўл даста-даста китоб ёзса арзигудек муҳим воқеаларга бой. Унинг ўз шоирлари, ўз олиму фозиллари, кўксини қўша-қўша орденлар безаган ўз қаҳрамонлари бор.

Бир пайтлари Мирзачўлдан туя карвонлари ҳам юрак ҳовучлаб ўтишарди. Эндиликда бу саҳрои-азимнинг инсон қадами етмаган бурчи қолмади. Машиналар карвони, темир йўл минглаб чақирим масофани бир қадам қилиб қўйди.

XV асрда улуғ Навоий қаҳрамони Фарҳод тоғ кесиб, чўлга сув келтиришни орзу қилган эди. Эндиликда замон фарҳодлари чўлларга сув чиқармоқдалар. Яқин келажакда мамлакатимизнинг шимолидаги дарёларнинг суви ҳам Мирзачўлга йўналтирилади. Ўрта Осиё сув танқислигидан абадий қутулади.

Бундан ўн беш йил муқаддам Тўхтамиш чўлга келганида инженерлик дипломи бўлишига қарамай, уни оддий техник лавозимига тайинлаган эдилар. Бугунги кунда у ёш инженерларнинг қобилияти, иқтидорига қараб, масъулиятли вазифаларни топширмоқда.

Тўхтамиш Боймиров тасаввури кенг одам.

— Чўлнинг энг сўнгги нуқтаси ўзлаштирилган кунни кўз олдимга келтираман. Шу энг сўнгги нуқтани ўзлаштиришда қатнашган одам дунёдан беармон ўтса керак,— дейди у.

— Энг сўнгги чўлқувар бўлиш гаштли-я? — қизиқсиниб сўрадим.

— Дунёда ё бошловчи, ё якунловчи бўлиб яшаш керак.

Мирзачўлнинг бағри кенг. Унинг саховатли бағрида ҳали қанчадан-қанча пахтазор бўстонлар чирой очади. Чўл бағрида ҳали кўп лочинлар шарафлар уфқига парвоз этишади.

Эмин УСМОНОВ

В. И. Ленин даҳоси Литва халқининг ҳаёт йўлига нур бахш этди.

А. Ю. СНЕЧКУС,
Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

ФАРОВОНЛИК ЎЛКАСИ

Босиб ўтилган йўлни кўздан кечирар эканмиз, литва халқига социалистик тузум нималар берганлигини яққол кўришимиз мумкин. Ҳокимият тепасида буржуазия турган даврда Литва иқтисодий жиҳатдан қолоқ, тараққиёт истиқболидан маҳрум ўлка эди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тушкунликка учраган, ишсизлик авж олган эди... Эндиликда булардан асар ҳам қолмади. Бугунги Литва — СССР халқларининг улуғ оиласида яшнаётган тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикасидир. Республикада мураккаб ижтимоий вазифалар — индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш, маданий революция амалга оширилди.

Омманинг куч-ғайрати ва истеъдодига кенг истиқболлар очиб берган социализм, партиянинг ленинча миллий сиёсати, совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами, айниқса, улуғ рус халқининг кўмаги, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий диққат-эътибори туфайлигина республикамиз халқ хўжалиги, фан ва маданияти тез суръатлар билан ривожланди.

Болалар ҳамма ерда қувноқ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

№ 7 (67) 1972
Июль

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

ЛИТВА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ



Республика Фанлар академиясининг электрон-ҳисоблаш марказида.

Биз ўтган беш йилликда мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилганлигидан қувонамиз. Бу давр ичида Литва ССРнинг ҳам экономикаси юксалди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 74 процент ошди. Янгиб саноат корхоналари ва цехлар ишга туширилди. Асосий саноат-ишлаб чиқариш фондлари қарийб икки баравар кўпайди: янги саноат районлари қад кўтарди. Эндиликда саноат маҳсулотлари буржуазия ҳокимияти давридагига нисбатан 31 баравар зиёд ишлаб чиқарилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва рентабеллигини оширишда барча колхоз, совхозларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, беш йилликда қишлоқ хўжалигининг йиллик ўртача ялпи ҳосилдорлиги ўтган беш йилликдагига нисбатан 36 процент ошди. Колхоз ва совхозларда дон етиштириш беш йиллик давомида қарийб 69, сут тайёрлаш — 64, гўшт етиштириш — 87 процент, тухум тайёрлаш 2,6 баравар кўпайди. 1970 йилда республика бўйича ҳар гектар майдондан ўрта ҳисоб билан 24,5 центнер ғалла олинди. Ваҳоланки, 1965 йилда бу рақам 16,2 центнерни ташкил этган эди. Колхоз ва совхозларда ҳар бир бош сигирдан 3036 килограммдан сут соғиб олинди... Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш бўйича барча асосий план топшириқлари оширибб бажарилди. Колхоз ва совхозларнинг даромадлари анча кўпайди, меҳнат учун тўланадиган ҳақ миқдори кескин ошди.

Кейинги йиллар мобайнида литва халқи ғоявий жиҳатдан янада чиниқди. Марксизм-ленинизм халқимизнинг порлоқ йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

КПСС ва унинг барча отрядлари, шу жумладан, Литва Компартиясининг идеология соҳасида амалга ошираётган сиёсати меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга қаратилган.

Литва халқи совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги, ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдамини барча ютуқларимизнинг гарови деб билади.

Барча қардош совет халқлари билан бир сафда меҳнат қилаётган литва халқи улуғ социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, коммунизм ишига бутун куч-ғайратини сарфлайди!

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)

Пойтахт устида республика байроғи мағрур ҳилпирайди.

Л. РУЙКАС фотолари

Республика энергетика саноати йил сайин юксалмоқда. Суратда: Электронай шаҳридаги Литва ГРЭСи қурилиши.

Кўҳна ва янги Вильнюс.

Литва студентларининг анъанавий байрамида.

Совет ҳокимияти йилларида Литва қишлоқларида ҳаёт фаровонлашди. Суратда: Шяуляй районидаги колхозчилар Зигмас ва Бронислава Шлятерлар оиласи.

Беш йиллик одимлари

САНОАТ

1975 йилда республика миллий даромади 5,8 миллиард сўмга етади. Бу рақам 1970 йилда 4,2 миллиардни ташкил этган эди.

Беш йилликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 49 процент ўсади.

Республикада электр қуввати ҳосил қилиш, кимё, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 32,2 процентини ташкил этади.

1975 йилда республикадаги электрстанциялар 11050 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қиладиган бўлади. Литва ГРЭСи қурилишини тугаллаш ва унинг қувватини 600 минг киловаттга етказиш кўзда тутилган.

Литвада саноатнинг янги тармоғи — нефтни қайта ишлаш саноати вужудга келади. Бу йил Матейняй шаҳрида нефтни қайта ишлайдиган завод барпо этила бошланади. Корхонанинг биринчи навбати шу беш йилликда ишга туширилади.

Тўққизинчи беш йилликда ҳисоблаш воситалари қарийб 2 баравар, телевизорлар 2,1 баравар, холодильниклар — 3,5 баравар кўп ишлаб чиқарилади. Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 40 процент ошади. 1975 йилга келиб 171,3 миллион квадрат метр газлама ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Беш йилликда озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг умумий миқдори 30 процент кўпаяди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Беш йилликда республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини 16 процент, жумладан, жамоатчилик секторн бўйича 32,2 процент ошириш кўзда тутилади.

1975 йилда ялпи ғалла ҳосили 1970 йилдагига нисбатан 21 процент, картошка 8 процент, маккажўхори кўкпояси 30 процент кўпайтирилади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Янги беш йилликда капитал маблағлар умумий ҳажмининг 25 процентга яқини саноатга ажратилади. Турар жой қурилишларига ажратиладиган маблағлар, колхозлар ва аҳоли маблағларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 31 процент кўпаяди. Маориф ва маданият, фан ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига эса 234,5 миллион сўм ажратилади.

Шу беш йилликда болалар боғчалари ва яслиларга бўлган эҳтиёж тўлароқ қондирилади. 1975 йилга бориб шаҳарлардаги болаларнинг тахминан 55 проценти, қишлоқ жойлардаги болаларнинг 41 проценти мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилади. Соғлиқни сақлаш соҳаси янада ривожланади. Беш йилликда жами 4600 ўринга эга бўлган касалхоналар қуриш мўлжалланган.

Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС,
Ленин мукофоти лауреати

Икки дарё

Шарқда кенг, муаззам Волга дарёси,
Ғарбда эса Неман жўш урар, тинмас.
Улар дўстлигининг йўқ интиҳоси,
Бу дўстлик ҳеч қачон чегара билмас.

Дўстларим билан мен ўтдим Волгадан —
Қор босган рус ери ҳануз ёдда бор...
Бугун Неман узра ҳаёт қувноқ, шан,
Чунки дўстларимиз бўлди мададкор.

Кездим Волга бўйлаб, эслайман хушҳол —
Россияда кечган кеча-кундузим.
Мен ғолиб қайтдиму кириштим дарҳол:
Неманни жиловлаш эди ўй-орзум.

— Волгада қурилиш ёзди кенг қулоч! —
Бир кун эшитдим хушхабар шундоқ.

Сталинградга мен оқиздим ёғоч —
Немандан олис-у, тўғри йўл, бироқ.

Неман — режаларда. Неман — бош эгар
Қаҳрамон инсонга эртанги кунда.
Неман бўйидаги яшил адирлар
Эртага улкан ГЭС, нур оқар унда.

— Неман, сенга ёрман! — сас берар йироқ;
Волга бел боғлайди ёрдамга шу он.
Бу — Совет халқининг иродаси, боқ,
Совет кишилари — энг қодир инсон!

Шарқда кенг, муаззам Волга дарёси,
Ғарбда эса Неман жўш урар, тинмас.
Дўстлигимиз мангу — йўқ интиҳоси,
Бизнинг дўстлигимиз чегара билмас.

Раққоса.

Беш йиллик режалари амалда

ТУЯМЎЙИНДАН МАКТУБЛАР

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Амударё бўйида замонамизнинг энг улкан иншоотларидан бири Туямўйин гидроузели компленси қад кўтармоқда. КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик план юзасидан белгиланган Директивларида «Тўямўйин гидроузелини қуриш тезлаштирилсин» дейилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1969 йил 30 сентябрда Туямўйин гидроузелини қуриш ҳақида қабул қилган қарорида кўрсатилганидек, гидроузелнинг умумий ҳажми 7,8 миллиард кубметр, фойдали ҳажми 5,3 миллиард кубметр бўлиши керак. Туямўйин суғориш системаси битказилгач, Тахиатош гидроузели билан бирга салкам 50 минг гектар суғорилаётган майдонни оби ҳаёт билан таъминлаш ва келгусида қўшимча равишда 1 миллион гектар ерни суғориш имконияти туғилади, ерларнинг шўрини ювиш, қишки мавсумда муз тўпланиб қолиши туфайли рўй берадиган тошқинларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Гидроузел Амударёнинг икки қирғоғини автомобиль ва темир йўл орқали боғлайди. Бу ерда 100 минг киловатт қувватга эга гидроэлектр-станция барпо этилади.

Гидроузел қурилишининг биринчи навбати шу беш йиллик охирида ишга тушади.

Туямўйиндан келаётирман. У ерда бир неча кунгина бўлдим. Бироқ хотираларнинг зўрлигидан ҳамон ҳаяжонимни босолмайман. Блокнот варақлаб янги таништиримни, кўрган-кечирганларимни эслайман, уларнинг таърифини қандай келтирсам экан, деб сўз ахтараман.

Шу пайт купега ёшгина бир йигит кирди. У ҳам Туямўйиндан келаётган экан. Менинг қаҳрамон излаб юрганимни эшитиб, қўйнидан бир даста конверт олди. Баъзиларнинг танлаб ўзатди.

— Мана буларни бир ўқиб кўринг-чи, ака, зора, бирон фойдаси тегиб қолса.

Йигит нариги вагонда бир таништим учраб қолди, бориб келай, деб чиқиб кетди. Мен хатларни ўқишга тушдим.

БИРИНЧИ МАКТУБ

Дўстим Шавкат, салом! Тошкентлар қалай, баҳор унинг ҳуснига ҳусн қўшаётгандир? Келганимга икки ҳафта ҳам бўлмай соғинибман. Билмаман, сен «Тошкентдан ҳам кўра, Тошкентдаги бир одамни соғингандирсан», деб ичингда куляпсан. Майли, кулсанг кулавер. Шоир айтмоқчи: «Дўст менинг кўнглимдадир, жонимдадир жонона ҳам».

Ўзинг нима қиляпсан? Ишга кирдингми? Ҳали ҳам ўша лойиҳа институтини кўзлаб турибсанми? Омадинг келсин.

Мендан аҳвол сўрасанг, чакки эмас. Омон-эсон Питнакка етиб келдим. Шундоқ поезддан тушсам, рўпарамда қулоқчин кийган новча бир йигит пайдо бўлди.

— Жўра, Туямўйин қурилишига кетяпсизми? — деди юкларимга қараб.

— Ҳа, — дедим, — қаёқдан билдингиз?

Қулоқчинли йигит кулимсиради:

— Биламиз-да! Биз, шунақа, фолбинмиз.

У қўярда-қўймай чамадонимни кўтаришди. Йўл-йўлакай танишиб олдик. Туямўйин зарбдор қурилиши штабининг бошлиғи Темур Ўтаров экан.

— Овора бўлибсиз-да, — дедим. — Ўзим ҳам етиб олардим.

— Э, оворагарчилиги борми, жўра,— деди Темур,— бари бир кунда поездга чиқамиз. Албатта тўртта-бешта одам келади. Бизга инженерлар жуда ҳам зарур. Ажаб қилибсиз келиб. Қочиб кетмайсиз-а? — деб ҳазиллашди у.

— Йўғ-э!.. — дедим.

Ўн минутча юргандан кейин темир йўлни кесиб ўтиб, бир қаватли уйга кирдик. Меҳмонхона экан.

— Сиз дам олиб туринг, мен ҳозир келаман, — дедию Темур шошиб чиқиб кетди. Умуман, бу йигитнинг ҳаракатлари кескин, шиддатли. Тез гапиради, ишнинг ҳам жонини киритса керак.

Ювиниб-қиринib, кийимларимни алмаштирдим-да, ташқарига чиқдим. Кун ботган. Августнинг боши бўлса ҳам, изғирин елиб турибди. Ҳовлидаги заранг дарахтлар учи тилла чивиқдай у ёқдан-бу ёққа чайқалади, ёқимсиз гувуллайди. Хаёл сураман. Сизларни, уйни, курсдош болаларни ўйлайман. Ҳувиллаб ётган чўлу биёбонга келиб тўғри қилдимми? — Туғилиб ўсган азим шаҳримда, сизларнинг қаторларингда юраверсам бўлмасмиди? Ундай десам... Ахир, мени зўрлаб юборишмади-ку, Малика айтмоқчи, ўзим «отилиб» келдим.

Меҳмонхонага кириб, жойимга чўзилдим. Шу пайт эшик зарб билан очилди-да, Темур кириб келди.

— Чарчамаган бўлсангиз дарёга бориб келамиз. Ҳозир Юсуф ака Шержонов келади. Трест бошлиғининг ўринбосари. Карьерни кўрмоқчи экан. Баҳонада сиз ҳам айланиб кўриб қайтасиз. Кетдикми?

Ташқарига чиқдик. Йўл бўйлари оппоқ шўр, қиров босгандай оқариб ётибди. Яқин атрофда мотовоз дудутлайди, ҳув нарида уюм-уюм панельтахталар, ундан нарида осмонга тумшуқ чўзган кўтарма кранлар сукутда. Оқшом қўняпти. Изғирин кучайди. Аксига олиб, ёзлик кийимда келаверибман. Оймн тайинлаган эди-я, «Керакли юкнинг оғирлиги йўқ, болам, ҳеч бўлмаса жемпирингни ола кет», деб. Аттанг.

Ёнгинамизга яп-янги «газик» келиб тўхтади. Юсуф ака деганлари ўрта ёшлардаги девқомат, ҳаракатчан киши экан. Мен билан эски таништардек очилиб кўришди, «Чўлимизда битта одам кўпайди» деб табрикланган бўлди.

Йўлга тушдик. Питнак билан Туямўйин ораси ўн километрча экан. Темур: «Бу ерда янги шаҳар бўлади. Мана бу — Урганч-Тошкент магистрали, бу — Ленин колхози, бу ерда — Туямўйин темир йўл станцияси қурилади», деб изоҳ бериб кетяпти. Унинг гаплари қулоғимга чала киради. Суқланиб тевараккa боқаман. Ғира-ширада дўппайиб турган қумтепалар, саҳро шамолида ҳазин чайқалаётган юлғунлар билан шўралардан жозиба ахтараман, кўнглимни бегона ерларга ўргатмоқчи бўламан.

Қир ортидан чилдирмадай ой кўтарилди. Ёввойи дашт бирдан сеҳрли тусга кирди. Чигиртка чириллар, аллақаерда чўлбақа қурилларди.

— Эҳ, — деди Юсуф ака ойдин саҳрога тикилиб, — йигитлик вақтим бўлганда шеър ёзиб юборардим! Шундай ерларнинг қадрига етмайдиган одамлар ҳам бор-а дунёда? Нима дединг из, инженер?

«Ана шундай одамлардан бири ёнингизда кетяпти», деворгим келдию тилимни тишладим. Юсуф ака бармоқларини қарсиллатиб хоразмча бир куйни хиргойи қила бошлади. Умуман, бу киши менга ёқиб қолди. Шўх, гаплашадиган одам экан. Бизга ўхшаб адабиётни яхши кўрармиш, ёшлигида ҳатто шеър ёзган экан.

Шавкат, сен кечаси дарёда ойнинг чўмилганини кўрганмисан? Кўрмагансан. Мен кўриб ҳайратдан нафасим ичимга тушиб кетди. Беқиёс манзара!... Ўша Жайхун, кекса Амударё тўлқин уриб оқади. Унинг қоқ белида дум-думалоқ тилла ранг шуъла чайқалиб турибди. Шу пайт шуълаларнинг ёнгинасидан катта бир балиқ сузиб чиқади-да, қуйруғи билан чўлп этиб «ой»ни уради. «Ой» қалқиб кетади. Майда тўлқинлар пайдо бўлиб, жимжима шуълани олис-олисларга олиб кетади. Буни «ойдин йўлакча» дейишаркан.

Ана шунақа гаплар, дўстим. Ҳозир сен бошингни кўрпага тиқиб олча тагида ухлаб ётгандирсан? Бизда соат энди ўн икки бўляпти. Шерикларим донг қотиб ётишибди. Мен ҳам хатимни тугатаман, эртага вақтли туриш керак.

Хайр. Сени ғойибона қучиб, дўстинг Бахтиёр.

ИККИНЧИ МАКТУБ

Кечирасан, Шавкат, икки ойчадан бери хатингга жавоб беролмадим. Аввало, вақт йўқ, иш бошдан ошиб ётибди. Ундан кейин, икки ой ўзимни-ўзим синовдан ўтказдим. Эсингдами, сен лекцияда ҳам, трамвайда ҳам Навоийнинг бир мисра шеърини минғирлаб юрардинг: «Эл нетиб топкай меникин, мен ўзимни топмасам...» Ажойиб! Шу сатр миямга ўрнашиб қолди. Икки ой мен ҳам «ўзимни топиш» билан овора бўлдим. Ниҳоят, топдим шекилли. Энди мен Туямўйинда қоламан. Сўзим — сўз. Мени бу ердан ҳеч қандай куч олиб кетолмаса керак. Бу ерда шунақанги ишлар бўляптики, бир келиб

Тонгги вахтага.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ фотоси

Бурғиловчилар тупроқ намуналарини олмоқдалар.

Расмларни Б. ШТИН чизган

Питнак станциясидаги янги мактабда қурувчиларнинг фарзандлари ўқийдилар.

кўрсанг, ёқангни ушлайсан. Ҳамма елган, югурган... Бир ёқда 400 машина сиғадиган катта автобаза қурилмоқда, бир ёқда ясли, ётоқхоналар. Канал ўтадиган ердаги хонадонлар кўчириляпти, бир томонда портлатувчилар гумбирлатиб тепаларни теп-текис қиляпти. Кечаси чиқиб қарасанг, Туямўйиндаги машъаллар чарақлаб кўринади, машиналарнинг шовқини Питнаккача келади. Одам энтикади, юрагига ғурур ва қатъият, ёлқинли ҳислар қуйилади. Ахир, Иттифоқдагина эмас, жаҳондаги энг улкан сунъий ҳавза бизнинг Туямўйинда бўлади. Агар унинг қанақалигини тасаввур қилмоқчи бўлсанг, Ўзбекистон харитасини олиб, Урганчни топ. Кейин дарё бўйлаб Шарққа юр. Туямўйин деган нуқтани кўрдингми? Яна кун чиқишга қараб боравер. «Султон Санжар туз кони» деган ерга борганда тўхта. Сув омборининг бўйи шунча, яъни 170, эни 45 километр бўлади.

Ҳозир Питнакдаги бетон заводида мастер бўлиб ишлаяпман. Ишим ўзимга ёқади. Посёлкадаги турар жой биноларини, дарё бўйидаги баъзи объектларни қоришма, шағал билан таъминлаймиз. Бошлиғимиз Искандар Юсупов. Аломат йигит. (Ҳозир вақтим зиқ, Искандар ака ҳақида кейинроқ ёзарман).

Ётоқхонада турибман. Хонада тўрт кишимиз: Тўлепберган — қозоқ, Антс — эстон, Жуманазар — хоразмлик. Бари тилло йигитлар. Кечқурунлари ўйин-кулгини авжига чиқарамиз. Жуманазар столни чертиб ашула бошлайди:

«Зей ёпинан ўт», дедилар, ўтмадим,
«Зей сувинан ич», дедилар, ичмадим,
Бошима солдилар ўткир қилични
«Шу ёрингнан кеч», дедилар, кечмадим...

Тўлепберган икковимиз чапак чаламиз, Антс ирғиб туради-ю, эстонча «Бақа ўйин»га тушиб кетади.

Дўстим, ҳозир мени кўрсанг танимай қолардинг. Маликанг ёқтирадиган жингалак сочлар йўқ, устарада қиртишлатиб ташлаганман. Ўзим қорайдим, қўлларим ҳам дағаллашиб кетмончининг қўлига ўхшаб қолди. Иштаҳа зўр. Меҳнат, тоза ҳаво...

Ўзингнинг ишларинг яхшими? Бари бир ўша лойиҳа институтига кирибсан-да? Майли-ю, лекин кабинетда қоғозга кўмилиб, «ғилоф бандаси» бўлиб қолмасанг деб қўрқаман. Тўғри, лойиҳачилар ҳам керак, аммо биз ёшмиз, бир-икки йил дала-тузда айланиб келинса, чакки бўлмас эди.

Кечирасан, Шавкат, битта тегирмон тўхтаб қолди, борай-чи нима бўлди экан.

Хўп, ҳозирча хайр! Янги йилга борсам керак. Маликани кўрсанг, секин гапга сол-чи. Хат ёзсам жавоб бермайди. Ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган шекилли. Биласан-ку, у менинг Туямўйинга келишимга қарши эди.

Салом билан, Бахтиёр.

УЧИНЧИ МАКТУБ

...Шавкат, хатинг мени ажаблантирди. Сен илгаридан ҳам бепарвороқ эдинг, кўп яхши нарсаларга қўл силтаб, бурнингни жийириб қарар эдинг. Энди дафъатан пулдан гап очибсан. Қачондан бери пулнинг ҳиди димоғингни қитиқлайдиган бўлиб қолди? Баъзи бировлар одамнинг кўнглидаги йилт этган қувончни, умидни, армонни, ҳатто бахтни сўмлаб ўлчашади. Нега шунақа-а? Тўғри мен яхши топяпман. Шофёрлар, экскаваторчилар 300—400 сўмга етказиб олишади. Лекин гап фақат пулдами? Одам бирор хайрли ишга қўл уришдан олдин, албатта, ундан келадиган фойдани кўзламайди-ку? Менингча, эси бор одам ҳар кетмон урганида олқиш кутиб атрофига аланглamайди. Мен бу ерга, сен айтгандай, «қаҳрамонлик кўрсатиб газеталарга тушгани» ё бошқа мақсадларда эмас, халқимизнинг буюк қурилишига қурбим етганча ёрдам бергани келдим. Шунисига хурсандманки, Туямўйинда томир отиб қолдим. Энди мени кўчирмоқчи бўлсанг, илдизларим билан мана шу қадим саҳронинг бир ботмон тупроғини қўпориб чиқаман.

Қўй, бу гапларни кейин, дийдор кўришганда давом эттирамиз. Бу сафар мен сенга икки йигит, икки Искандар ҳақида ёзмоқчи эдим. Бири Искандар Оллоёров, экскаваторчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Иккинчиси Искандар Юсупов, мен ишлаётган Қурилиш-монтаж бошқармасининг раҳбари. Бошлиғини ёзибди, деб кулма. Ёзса арзийдиган йигит.

Иккала Искандар деярли тенгдош. Иккови ҳам Питнакнинг боласи, дарё бўйида катта бўлишган. Бири новча, забардаст, серҳаракат. Иккинчиси норғул, сипо, вазмин. Иккаласи ҳам жонкуяр, фидоий, тинниб-тинчимас. Юсупов ҳали ёшу аммо Туямўйин қурилишининг ветерани. 1965 йили бизнинг институтни битирган экан, аспирантурага қолдиришса, кўнмай, тўппа-тўғри шу ерга келибди. Аввал Туямўйин каналида ишлабди. Ҳозир битта бошқармага раҳбар. Искандар ака ишнинг кўзини билади, одамларнинг бошини қовуштира олади, тадбиркор. Энг мушкул вазиятлардан ҳам йўл топиб чиқиб кетади.

Искандар Оллоёров бўлса худди тракторчиликка туғилганга ўхшайди. Армияда ҳам танкчи бўлган экан. Ҳар чўмичи олти тоннали, икки қаватли уйдай келадиган экскаваторда ишлайди. Бир куни карьерга бориб, ишини томоша қилдим. Ҳар 45—50 секундда битта МАЗни жўнатиб турибди. Бу бир соатда 70—80 машина деган гап!

... Бизникига бориб турибсанми? Ойимнинг тоби йўқроқ эмиш, тузукмикан? Шавкат, сендан илтимос, дадамга айт, мени кўргани келмоқчи экан (Янги йилда боролмадим-ку), ҳозирча келмай турсин. Бу ёқнинг совуғи ёмон, шамоллаб қолмасин. Қор йўғу қора совуқ, баданингни тешиб юбораман дейди. Хоразмлик чолларнинг айтишларига қараганда, эллик-олтмиш йилдан буён бунақа қиш бўлмаган экан.

Менинг таклифимга нима дейсан? Агар хўп десанг ўзим карнай-сурнай

билан бориб сени олиб келаман. Бирга турамиз. Бахтингга битта каравот бўшади. Жуманазар квартира оляпти, оиласини кўчириб келаркан.

Хўп, хайр, дўстим. Хат бошидаги гапларимга хафа бўлма. Биласан-ку, мен шартакиман.

Дўстинг Бахтиёр.

ТЎРТИНЧИ МАКТУБ

... Якшанба куни болалар: «Дарёга борамиз, муз кўчган бўлса оқ балиқ келади, шўрва қиламиз», дейишди. Тушга яқин бир амаллаб дарёга етдик. Оқ балиқ ҳали келмабдими, ё қармоққа илинмадими, ишқилиб, борини тутдик. Шўрвани қайнатиб, кечгача қирғоқда думалаб ётдик. Антс каттакон бир муз парчага осилиб бир-икки шўнғиб ҳам олди. Денгиз ўғли-да, совуқдан қўрқмайди.

Қоронғи тушди. Ойдин йўлакчани кўрамиз, деб болаларнинг кетгиси келмасди. Қармоқларни елкага ташлаб, дарё ёқалаб кетишди. Мен челакдаги балиқларни чавақлай бошладим. Тайёр бўлганларини чайиб кострюлкага солдим-да, олов ёқдим. Кейин дарёга қараб ўтирдим. Битта япасқи тош олиб сувга отдим, тош ирғишлаб «қаймоқ» ҳосил қилди. Бирдан секин дарё жимирлаб, шўх, ўйноқи қиёфага кирди. Назаримда у туркман деҳқонининг ҳовлисидаги атиргул кўчатларини оҳиста тебратиб майин жилдирар, қорақалпоқ гўзали Ойгулнинг пайваста қошларидаги ўсмани астагина ювиб тушар, хоразм отизларида жавлон уриб чопар, Тошовуз боғларидаги дуркун ниҳоллар бўйига бўй қўшиб шовуллар эди...

Кеча бизда катта тантана бўлди: Шарловуқ деган ерда бўлажак шаҳар ўрнига биринчи қозиқ қоқилди. Қизиқ-а? Бу ерда шаҳар бўлади деб яйдоқ чўлнинг қоқ ўртасига бир метрли бетон қозиқ қоқилди. Ўн-ўн беш йил ўтади. Қарабсанки, Навоийдай, Чирчиқдай ё Оҳангарондай ям-яшил, чароғон шаҳар қаддини чўзиб турибди!

Ҳозир янги шаҳарга қандай от қўйишни ўйлаяпмиз. Ҳуснободми, Дилоромми, Иқбол ё Яшнар... Менга қолса, Ойдинкўл қўярдим. Ҳарқалай, Ўзбекистон табиатига мос тушадиган чиройли от топиш керак.

Маросимдан қайтиб келсак, ётоқхонада қий-чув. Сергей деган ишчимиз фарзанд кўрибди. Бу Тўямўйинда туғилган биринчи бола эди. Қаёқдан эшитган, билмайман, болалар: «Сен шоир экансан, шеър тўқийсан», деб туриб олишди. «Мен инженерман, шоирлик қайда бизга!» десам қўймашмади. Икки соатда ҳижжалаб бир нарса ёздим.

Навқирон шаҳарнинг илк граждани—
Марҳабо, эй, қорақош гўдак!—

деб икки мисра ўқисам, «Гўдагинг сап-сариқ-ку», деб роса кулишди.

Маликадан хат олдим. «Майда келадиган бўлсангиз сочингизни олдирманг, ёмон кўраман», дебди. Шу ярашгани бўлса керак-а, нима дединг?

Айтганча, мени табриклашинг мумкин. Мукофотга тилла соат беришди. Биринчи Майда борганда «ювамиз».

Сени соғиниб, дўстинг Бахтиёр.

БЕШИНЧИ МАКТУБ

Шавкат! Хатингни олиб жуда қувондим. Раҳмат! Айниқса Туямўйинга қизиқиб қолганинг учун.

Ҳозир тушлик. Ишчилар чой ичиб, чекиб ўтиришибди. Мен наридан-бери овқатландим-да, тепаликка чиқдим. Ҳув, олисда, туя бўйнидай чўрт бурилган ўзанда Амударё ҳайқириб оқмоқда. Мен рўпарамга, чексиз-чегарасиз

Бу ерда шаҳар қад кўтаради.



Илғор экскаватор машинисти Рўзимат Матёқубов.

Қарши канали қурилишидан Туямўйин сув омборига келганлардан монтажчи Николай Шчегалов.



Челябинскдан Туямўйин қурилишига ёрдамга келганлардан илғор сувоқчи Расима Қўнғурова.

Иттифоқ портлатиш ишлари саноати Тошкент махсус бошқармасининг 11-участка бошлиғи Саид Алимхўжаев.

қирларга термуламан. Шу ерда ҳавза бўлиши керак. Кўзимни юмиб очаман. Қаршимда гўзал манзара жонланади.

... Узунлиги 500 метр келадиган кенг, оппоқ тўғон. Тўғоннинг икки четидан шувиллаб енгил машиналар ўтмоқда. Ўртада темир йўл. Деразаларига шойи дарпарда тутилган вагонлардан йўловчилар Туямўйин денгизини ҳавас билан томоша қилади, кимларгадир мамнун қўл силкийди. Мен тўғоннинг қоқ белидаги майдончада турибман. Ёнимда беш яшар қизалоқ. У менинг қизим — Дилшод. Дилшоднинг ёнгинасида чимирилиб бир аёл турибди. У Дилшоднинг онаси, акангнинг Маликаси! Ипак шамол Дилшоднинг сочидаги лентани эркалаб ўйнайди. Денгизда оқ кемалар, оққушлар, оппоқ нилуфарлар сузади. Қизим қўл чўзиб қийқиради. «Юринг, ада, анави қушларни кўрамиз!» деб қўлимдан тортқилайди. Мен: «Ҳозир, қизим, ҳозир», дейман ва Маликабонуни бошлаб тўғон четидаги боғлар ичига кўмилган бежирим станцияга қараб юраман.

Бу, албатта хаёл. Лекин ҳақиқатга айланадиган хаёл. Яна икки йилдан кейин ярим миллиард кубметр сув тўплашимиз керак. 1979 йилнинг охирига бориб тўғон ҳам, гидроузел ҳам, электростанция ҳам, сув ҳавзаси ҳам битади. Туямўйинда бир йўла 8 миллиард кубметр сув тўпланади!

Туямўйинга баҳор келяпти. Юлғунларнинг учи кўкариб қолди. Шамолнинг заҳри қайтди. Осмонда арғумчоқ ташлаб турналар, ўрдаклар учмоқда. Менинг юрагимни ҳам баҳор севинчлари чертиб ўтяпти. Бу севинч ўзлигимни, ойдин йўлакчамни топаётганимдан бўлса керак. Ахир бу ерда ишлаётган 1872 азаматнинг биттаси менман. Ўн йил, ўн беш йил, йигирма йил ўтар, саҳрода Хоразм гўзаллари тимсоли Санамдай бир шаҳар бунёд бўлар. Шуни қурадиганларнинг биттаси менман. Янги нарсанинг туғилишига гувоҳ бўлиш одамга доим роҳат бағишлар эмиш. Мен улуғвор бир янгиликка шоҳид бўлаётирман. Севинчларим бонси шундан.

Ана, тегирмон вағиллади. Иш бошланди. Борай. Энди хат ёзмайман. Қолган гапни Тошкентда гаплашамиз.

Бахтиёр.

Хат берган йигит қайтиб келди.

— Укидингизми, ака! — деди ёнимга ўтириб. — Қалай!

— Дўстингизга ҳавасим келади. Шавкат сизми!

— Ҳа,— деди у кулиб,— Бахтиёрнинг олдидан келяпман. Туямўйин менга ҳам ёқиб қолди. Ишлаб ҳумордан чиқадиган ер экан.

— Хатларни кўчириб олсам майлими! — деб сўрадим. У розм бўлди. Сўнг дўстини таништирди:

— Эргашев, деб ёзинг, ака. Бахтиёр Эргашев!

Саъдулла СИЁЕВ

З. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари

ТОШКЕНТ ТЎЁНАСИ

Областимиз қишлоқ хўжалик харитасини кўз олдингизга келтирсангиз, у беқасамдек ранг-баранг товланиб турган ҳолда намоён бўлади. Поёнсиз пахтазорлар мовий денгиздек чайқалади, адрларда буғдойзорлар олтиндек жилоланади, боғлар, яйловлар тўкин ноз-неъматини намойиш қилади.

Тошкент область дала ва боғларини қадим Сирдарё, шиддатли Чирчиқ, жиловланган Оҳангарон дарёларининг ҳаётбахш суви гуллатиб-яшнатмоқда. Қишлоқ ва адрларни туташтириб турган кумуш каналлар, сертармоқ ариқлар ўз оқимларида куч-қудрат, маъмурчилик, бойлик олиб келади. Буларнинг ҳаммаси она-Ватанга, фидокор совет халқига кафтда тутилган муносиб ҳадядир.

Сўзимизнинг аввали пахтадан бошланади. Чунки пахта — халқимизнинг фахру ифтихори. Пахта — халқлар ўртасидаги дўстлигимиз рамзи, шаҳарларимиз, қишлоқларимиз кўрки. Пахта туфайли хонадонларимиз обод ва тўкин-сочин. Областимиз республикамиз «оқ олтин» карвонининг олдинги сафларида дадил, қудратли одим ташлаб, 400 минг тоннали қут-барака юкини кўтариб келмоқда. Ижодкор пахтакорлар касбларини улуғлаб, шу касбга муносиб меҳнат қилмоқдалар, меҳнатларининг роҳатини кўрмоқдалар. Тошкент области пахтакорлари яна шунинг учун ҳам фахрланадиларки, бугун Ўзбекистондагина эмас, қардош республикаларда ҳам деҳқонлар томонидан ғоят мамнуният билан қабул қилинаётган янги пахта нави Тошкент номи билан аталади. Ана шу нав туфайли пахтанинг ашаддий душмани вилт далаларимиздан чекинаётир. Лекин эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолишга ўрганмаган деҳқонлару олимларимиз янги тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шундай кун келадики, ҳосилнинг заволи бўлиб келган вилт томири далаларимиздан мутлақо қуритилади.

Илғор тажриба, агрономия фани ютуқлари вилтни батамом йўқотиш учун яна бир қанча қўшимча тадбирлар ҳам амалга ошириш кераклигини кўрсатди.

Бу борадаги муҳим омиллардан яна бири алмашлаб экишдир. Деҳқончиликнинг ривожи учун энг зарур бўлган бу тадбир ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозда тўла амалга оширилсагина, юқорида айтганимиздек, меҳнатимиз натижаси кўнгилдагидек бўлади. Ерга ҳамма вақт бир хил экин экилавермай, алмаштириб турилса, унинг тупроғи ўзгаради, бошқа экин учун зарур бўлган ўғитлар тўпланади. Унча-мунча қишлоқ хўжалик касалликлари энди уя қўйиб, ўша экинни ўзиники қилиб олаётганида нотаниш экин экилганлиги учун заарқунанда емидан айрилиб, қирилади ёки қулай шароитда яшаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Шунинг учун ҳам барча колхоз ва совхозларда пахта-беда ва бошқа экинлар алмашлаб экишни кенг жорий этиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Алмашлаб экишга чинакам амал қилаётган хўжаликларда пахта ҳосили юксалмоқда, чорва озуқаси кўпаймоқда, оз меҳнат сарфлаб кўп даромад олинмоқда, энг муҳими, маҳсулот таннархи камаймоқда.

Ўтган йил Тошкент деҳқонлари учун қувончли йил бўлди. Пахта тайёрлаш плани бажарилди. Ҳосилдорлик юқори бўлди, пахтанинг кўп қисми машиналарда териб олинганлиги сабабли сарф-харажат анча камайди. Деҳқонларга бериладиган пул кўпайди. Демак, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг турмуши яна ҳам фаровонлашди.

Коммунистик партия бизни ҳамиша эришилган муваффақиятни мустаҳкамлашга ва доим олға интилишга даъват этади. Бугунги ютуқ эртаги муваффақиятларимиз учун замин бўлиш зарур. Шунинг учун ҳам, Тошкент область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этиш режасини тузиб, ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Ҳосилдорликни область бўйича 28 центнерга етказиш мўлжалланмоқда. Ҳаракат ҳам, меҳнат ҳам шунга яраша бўлаётир. Пахтачиликда бундай катта ютуққа эришиш учун эрта кўкламда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ўн беш минг гектар ерга чигит туксизлантириб экилди. Агротехника соҳасида кейинги йилларда амалга оширилаётган бу тадбир шуниси билан аҳамиятга моликки, туксиз чигит ердан тез ва бехато униб чиқади. Туксиз чигит экилган далаларда ишни тўла механизациялаштириш имконияти туғилади.

Яна шундай тадбирлардан бири — пахтачилик ишларини кенг механизациялаштиришдир. Ғўзани чилпиш кўп вақтни талаб этади. Лекин ҳосилни оширишда чилпишни қисқа муддатда ўтказишнинг аҳамияти жуда катта. Кўп йиллардан буён чилпиш муддатлари чўзиб юборилаётган эди. Чунки чилпиш кўп қўл кучи талаб этади. Механизатор ва олимлар пахтакорлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳозирги пайтда ғўза чилпийдиган мукаммал машиналар ишлаб чиқдилар. Бу йил областимиз бўйича 78 минг гектар ердаги ғўзани механизмлар ёрдамида чилпиймиз.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини турли деҳқончилик машиналари билан таъминлаш ва минерал ўғитлар, зарур кимёвий дорилар етказиб беришда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу ёрдам туфайли Тошкент области пахтачиликни, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини, чорвачиликни кейинги йилларда сезиларли даражада юксалтиришга эришди.

Областимиз «оқ олтин» хирмонида оққўрғонликларнинг улуши катта бўлади. Улар бу йил 90 минг тонна пахта беришга аҳд қилдилар. Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Пискент, Юқори Чирчиқ районларининг пахтакорлари ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар.

Республикамиз пойтахти Тошкент ва областимиздаги саноат шаҳарларининг меҳнаткашларини сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш, уларга йил бўйи етарли миқдорда гўшт, сут, тухум етказиб бериш область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг шарафли иши. Биз бу йил 260 минг тонна сабзавот, 54 минг тонна картошка, минглаб тонна қовун-тарвуз, ҳўл мева ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш ниятидамиз.

Яхши ният ҳамма вақт кишини фидокорона меҳнатга ундайди. Тошкент шаҳри атрофидаги Калинин, Орджоникидзе районлари, Бўстонлиқ, Оҳангарон районларининг сабзаватворкорлари, боғбонлари ва чорвадорлари эл дастурхони ҳамиша тўкин бўлиши учун зўр ғайрат кўрсатмоқдалар.

Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари КПСС XXIV съездидан сўнг, беш йилликни тўрт йилда бажарамиз, деб ташаббус бошладилар. Улар бу қарорга келишдан аввал ички имкониятларини, куч-қувватларини ҳисоблаб-чамалаб чиқдилар. Бу колхоз меҳнаткашлари сўзлари билан ишлари бир эканлигини намойиш қилаётирлар. 1971 йил якунлари колхоз ҳақиқатан ҳам беш йилликни тўрт йилда эмас, ундан ҳам олдинроқ бажариши мумкин эканлигини кўрсатди.

Область партия ташкилоти ва барча район партия ташкилотлари, колхоз-совхозларнинг коммунистлари бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Ҳозирги пайтда областимизда беш йилликни тўрт йилда бажаришга сўз берган ва бу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, қувончли натижаларга эришаётган хўжаликлар кўп.

1972 йил — тарихий йил. Барча совет кишилари сингари қўш орденли областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам СССР 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оладилар. Республикамиз улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қиламиз. 400 минг тонна «оқ олтин» хирмони илҳомбахш меҳнатимиз размни бўлиб қад кўтаради. Йил бўйи дастурхонимиздан дала ва боғларимиз неъмати аримайди. Чорвачилик маҳсулотлари янада кўпаяди. Хуллас, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлиги учун нимаики зарур бўлса, шуларнинг ҳаммасини муҳайё этишга куч-ғайратимизни аямаймиз.

Қадрдон ўлка бўйлаб саёҳатга.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

«Гулистон» гурунги

САЁҲАТ—РОҲАТ

Туризм ва экскурсиялар бўйича республика советининг раиси **Элмар АМИНОВ** ҳамда Тошкент шаҳар туристлар базасининг бошлиғи **Жавлон УЛМАСБОЕВ** билан мухбиримиз **Т. БАҲРОМОВ** суҳбати

— Кейинги йилларда меҳнаткашлар дам олиш вақтларида кўпроқ туристик саёҳатларга чиқишни маъқул кўрмоқдалар. Элмар Алимович, бунинг сабабларини изоҳлаб берсангиз.

— Бажонудил. Табиат қучоғида дам олиш, дилкушо жойлар билан танишиш қандай завқли! Тарихий обидаларни, навқирон шаҳарларни, улкан қурилиш жабҳаларини кимнинг кўргиси келмайди дейсиз! Тўғри, мамлакатимизда дам олиш уйлари, курортлар, шифохоналар анчагина. Лекин бундай даргоҳларда ҳордиқ чиқарувчилар кунларини бир жойда, маълум вақтларда овқатланиш, ухлаш, нари борса, шахмат-шашка, бильярд ўйнаш билан ўтказадилар. Қалби жўшқин, саргузаштга иштиёқманд кишиларимизни бу хил дам олиш қаноатлантирмаслиги та-

ҒАЙРАТИЙ

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Набирамга

Мен билан кезасан қўл бериб хушхол,
Ҳар нарса кўринар ажиб ва янги.
Билмак учун берасан ранг-баранг савол,
Тинглайсан, ўзгача ҳаёт оҳанги.
Бошлашиб борамиз, текис йўлимиз,
Авайлаб ташлайсан жажжи қадаминг.
Гулларга бурканган ўнгу сўлимиз,
Нақадар гўзалдир шу олтин даминг.
Вақт келар текис йўл орқада қолар,
Паст-баланд йўллардан кетасан узоқ.
Бу умр йўлидир, юрганлар толар,
Олисда қаршилар сени кўп сўқмоқ.
Ҳозирча бобонгнинг қўлин тутмасанг,
Йиқилиб кетасан ҳар ён адашиб.
Катталар изини босиб ўтмасанг,
Улгайгач қоласан бошингни қашиб.
Ўшанда қўлингдан ҳеч ким мен каби,
Ушламас, ўзингча ташлайсан қадам.
Эҳтиёт бўл доим, ҳаёт талаби,
Орқага қайтма ҳеч, оқ йўл, набирам!

Зарбдор кечалар

Кундуз каби цех қалби уйғоқ,
Маъданларнинг қизғин жаранги.
Тонг нурига уланар чироқ,
Шодлик тўла ҳаёт оҳанги.
Ҳар бир бўлак мосланур жадал,
Зўр тараддуд эртанинг иши.
Ҳал қилажак эҳтиёт деталь,
Чунки будир элнинг ташвиши.
Пўлат қуйма, ҳар бир парчада
Одам зеҳнин тўла акси бор.
Ильич ёққан чироқ, кечада
Коммунанинг ўт нафаси бор.
Кундуз каби кечалар бедор,
Дақиқалар зарбдор ва сергак.
Кўз-кўз қилар қуёшга наҳор.
Тунги ишнинг маҳсулин бешак.
Электрик шуъласи ўчмас,
Ҳаёт қайноқ, кеча мунаввар.
Элу юртнинг иши ҳар нафас
Бахш этади нашъа ва зафар.

Соғиниш

Илтифот шуми, эй, севган оллоҳим,
Мунчалар кўзингдан ташладинг узоқ!
Найлайин, етмади нолаю оҳим,
Бағримни эзади токай ғам-фироқ!
Шу ўтли оҳ сенга етмаса агар,
Телеграф стунга қўяман бошим.
Нолаларим сенга етар муқаррар,
Салқи симдан сизиб борар кўз ёшим.
Эҳтимол, шу онда келади раҳминг,
Дардимдан титраган симларни кўриб.
Юрагим эзди, оҳ, ишқ ғами — заҳминг,
Ачингин ҳолимга узоқдан туриб.

Илҳомим менинг

Васли ёр тун-кун хаёлим бўлди, илҳомим менинг
Ёр жамолин кўрсатур майга тўла жомим менинг,
Ёр хаёли бирла ўтди фикри-ёдим, дўстлар,
Бўлмади бу интизорлик бирла ёр ромим менинг,
Келса кўнглимни сўраб, кўнглига ҳеч келмас малол,
Бахт қушин қўнган каби хуш ўтгай айёммим менинг.
Сен умидим шамъидурсан, кел, менинг кулбам ёрит,
Ой жамолингдан мунаввар тунларим, шомим менинг,
Кўп оғир савдо экан дардинг, нечун махфий тутай,
Ишқ йўлида ошкор ўлди, нетай, номим менинг.

Кўзинг

Соҳир кўзингнинг битмади асло ҳикояси,
Сузгун боқиш-ла қийнама, йўқми ниҳояси!

Ҳар кўйга сол мени, бу чорасиз кўнгил,
Кўзимга ҳеч писанд эмас, ғам тоғи, қояси.

Тақдир экан кўзингнинг асири бўлиб мудом,
Йўргакламишми, билмадим, ҳажрингнинг дояси!

Қил илтифотки, Ғайратийга сен назора эт,
Кўрганлар айтмасин: «фақат қолганми сояси!»

* * *

Ҳижрон, ғамдан бегона кўнгил
Изларингни ўпар кўйингда.
Сени дейди парвона кўнгил,
Фикри-зикри тун-кун ўйингда.
Висолингга етишган чоғда,
Ҳузурингдан асло кетолмас.
Изтиробга тушар, титроқда
Билганини ҳатто айтолмас.
Давра олиб минг бор ўргилиб
Кўнгил узмай кўз қарашингдан,
Паркор каби бир ерда туриб,
Айланаман ёниб қошингдан.

* * *

— Узун сочларингга боғланай десам,
«Ишқ дардн қиссасин қилма, дер, узун»
Чиройни кўрсатар кўкда ой, десам,
Сочингдай қоп-қора қамраганда тун.

Бир тутам сочинг деб ўзим тутолмай,
Висол орзусида бўлдим саргардон.
Ипак сочларингга кўзим суртолмай,
Ўтаймн сочингдай мудом паришон!

— Сочимга илашма, савдоси бошқа,
Қўрқаман: бўлма, деб, тағин занжирбанд.
Парвона каби сен қўнма оташга,
Бошингга ғам солма, қилмасдан писанд.

бий. Кавказ тоғлари, Болтиқбўйи ёки Ленин қадамжойларига саёҳат қилишга, қардош халқлар днёри билан танишиб, янги дўстлар орттириб келишга нима етсин! Халқимиз айтганидай: юрган — дарё...

— Саёҳатчиларга қандай қулайликлар яратилган?

— Саёҳат иштиёқмандларининг хизматига махсус маршрутлар бўйича қатновчи поезд, теплоход ва самолётлар шай. Бу транспорт воситаларидан туристлар ўттиз фойиз имтиёз билан фойдаланадилар.

Бу йил Енисей дарёси орқали Красноярскдан Дудинка шаҳригача сузувчи теплоход, Самарқанд ва Бухорога қатновчи «Дилором» поезди, Москва, Ленинград, Рига, Киев, Одесса, Симферополь шаҳарларига учадиган махсус самолётлар республикамиз меҳнаткашларига хизмат кўрсатади. Турган гап, меҳнаткашларнинг саёҳатлари асосан ёз пайтига тўғри келади. Биз қишлоқ аҳолиси учун ҳам қулайлик яратиб, қиш палласида туристик саёҳатлар уюштирамиз. «Дилором» поезднда эса йил бўйи фойдаланиш мумкин. Масалан, жума куни хизматдан чиққан киши икки кун давомида кўҳна шаҳарлар билан танишиб, душанба куни эрталаб яна ишига етиб кела олади. Қиш келди дегунча чанғи спорти ҳаваскорлари қорли тоғларни соғиниб қоладилар. Чанғичилар учун автобусларда Чимён тоғига сайр уюштирилади. Чанғиси йўқларга ижара билан чанғи ҳам берамиз.

Хуллас, туризм — энг яхши ва қулай дам олиш усулидир. Қардош республикаларда туризм тараққий этган. Афсуски, Узбекистонда бу иш унчалик қизғин тус олмаётир.

— Ҳақ гап. Қардош республикалардан Ўзбекистонга келаётган сайёҳларнинг кети узилмайди. Уларни қандай кутиб олиб, республикамиз билан қай йўсинда таништирасизлар?

— Бу саволга туристларга аталган «Саёҳат» меҳмонхонасининг директори, шаҳар туристлар базасининг бошлиғи Жавлон Салоҳовичдан жавоб эшитсак.

— Дарҳақиқат, ўлкамиз саёҳатлар қадами аримайдиган республика бўлиб қолмоқда. Ўзбек диёрига бир йилда тахминан 12 минг сайёҳ йўлланма билан келади, бундан ташқари, 10 мингга яқин ёлғиз саёҳатчини кутиб оламиз. 300 ўринли меҳмонхонамиз ҳамиша хизматда. 250 ўринли кино залимиз бор. Бу ерда республикамиз қиёфасини кўрсатадиган фильмлар намойиш қилинади. Дам олиш хонаси, бильярдхона меҳмонлар учун доимо очиқ. Ҳар бир сайёҳ сафар учун зарур анжомларни ижара пунктидан олиши мумкин. Ҳозир Шоҳмардон, Урганч ва Самарқандда ҳудди шундай базаларимиз бор. Чимёндаги базамиз эса икки-уч ўринли хоналари бўлган коттежлардан иборат. Унда бир йўлабеш юз саёҳатчи дам олиши мумкин.

Саёҳатчиларни республикамиз билан қай йўсинда таништириш масаласига келганда шуни айтиш керакки, биз ҳар бир сайёҳлар гуруҳи учун айрим-айрим тузилган режалар асосида иш олиб борамиз. Масалан, Тошкентга тушган сайёҳлар биринчи кун шаҳар билан таништирилади. Улар эллик километр масофани автобусда айланиб, тўрт соатли сайр давомида пойтахтнинг диққатга сазовор манзилларида тўхтаб ўтадилар. Куз чоғида узоқ ўлкалардан келган сайёҳлар далаларга чиқиб, пахтазорларни, термини ўз кўзлари билан кўришни илтимос қиладилар. Сафар режасини тузишда буни ҳисобга олмай бўлмайди, албатта.

— Элмар Алимович, келажак режалари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

— Режаларимиз талай. Аввало, йўлланма билан саёҳатга чиққан капиталистик мамлакат ишчиларини ҳам қабул қилмоқчимиз. Улар совет ишчиларининг фаровон ҳаёти, гўзал турмуши, касаба союзларимиз фаолияти билан таништадилар. Яна бир янгилик шуки, Бухорода янги туристлар базаси ташкил этилади.

Хуллас, саёҳатчи меҳмонларни хурсанд қилиш ҳамда меҳнаткашларимизнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма зарур чораларни амалга оширамиз.

Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивали
Тошкент-72

ТИНЧЛИК, ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

Осиё ва Африка мамлакатлари II кинофестивалининг очилиш пайти. Суратда. СССР Кинематография давлат комитети раиси А. Романов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилот комитети раиси Р. Абдуллаева, СССР халқ артисти К. Ёрматов, Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети раиси А. Қаюмов.

Совет киносанъатининг атоқли вакиллари, Ленин мукофоти лауреатлари Ч. Айтматов, Г. Чухрай, совет экрани юлдузлари Л. Гурченко, Н. Фатеева, украин адиби В. Большак фестиваль таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

Ливанлик кино юлдузи Сильвана Бадирхон кўпгина араб фильмларида қатнашган.



Гвинеялик режиссёр Муса Кемото Диаките «Халқ бедор» фильми учун «Гулистон» журналининг дипломи ва совғаси билан тақдирланди.

Фестивалда иккинчи бор қатнашаётган сенегаллик актриса Тереза Диоп учун Тошкент қадрдон шаҳар бўлиб қолди.

Шу йил 24 май ва 2 июнь кунлари орасида Тошкентда ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари II кинофестивали ер юзидаги яхши ниятли кишиларнинг тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашнинг ёрқин рамзи бўлди. Фестивалда намойиш қилинган бадиий ва ҳужжатли фильмларда ана шу гоя ўз аксини топган эди.

Ҳиндистон киносининг атоқли арбоби Наргиз хонимни санъат мухлисларимиз яхши танийдилар.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

Осиё ва Африка киносанъаткорлари Самарқанднинг қадимий маданий ёдгорликлари билан танишмоқдалар.

Бангладеш кино юлдузи Шуҳунда Райҳон.

Ленин мукофоти билан тақдирланган «Халоскорлик» фильмининг режиссёри Ю. Озеров, озарбайжонлик кинорежиссёр А. Иброҳимов, ўзбек кинематографчиси М. Алимов янги фильмлар ҳақида фикрлашмоқдалар.

Покистонлик киноактриса Зебихоним мухлисларга хотира учун дастхат ёзиб бермоқда.

БОЛ ТОТИ

Боланинг тотини ҳеч бир жонивор, ҳатто одамзод ҳам асаларининг ўзичалик билмаса керак. Табиат мўъжизалари ичида энг диди баланд бу заҳматкаш жонивор гулларнинг сарасидан шарбат йиғади, ҳиди нохуш гуллардан четлаб ўтади. У заҳматкашликда инсонни ҳам пол қолдиради. Асалари кунига юзлаб чақирим йўл босади. Ҳар куни ўз жуссасидан бир неча қисса зиёд шарбат ташийди. Асаларилариинг ажойиб қонун-қоидалари бор. Бу тинмагурларнинг иш куни тонг-саҳардан бошланади. Уя оғзида фақат бир неча посбонларгина қолади. Бу посбонлар энг одил, қаттиққўл ва ўз тартиб-қоидаларига содиқ бўлишади. Бордию уяга бегона асалари келиб қолгудек бўлса, унинг қоринчасида асали бор-йўқлигини текшириб кўрадилар. Агар бегона асалари шарбат олиб келган бўлса, уни посбонлар ичкарига олиб кириб, асални уяга тўкдиришади, сўнг ташқаригача кузатиб чиқадилар. Шундан кейингина барча посбонлар биргаликда бегона асаларини ўртага олиб ўз таомилларига кўра «танбеҳ» берадилар ва кузатиб қўядилар. Бордию бегона асалари уяга қуруқ келган бўлса, ўғри гумон қилиб уни дарҳол ўлдирадилар. Посбонлар шу қадар қаттиққўл бўладиларки, ўз ҳамхоналарини ҳам ичкарига бир-бирлаб текшириб ўтказадилар. Бордию, бирорта асалари ёмон шарбат олиб келган бўлса, ёки қуруқ қайтса шу заҳотиёқ ўлимга маҳкум этиладилар. Ишёқмаслик ва бефаросатликка ҳеч омон йўқ.

Асалари ҳали тўла-тўкис илмий тадқиқ қилинмаган. Кўпчилик унинг фақат бол беришию, довдарахтларни чанглатишини билади, холос. Биз асаларининг Ўзбекистон шароитида қандай ҳаёт кечиришини, қайси гулларни кўпроқ хуш кўришини, йилнинг қайси фаслида шарбат йиғишини, жумладан, пахтачиликка таъсирини ва шу билан бирга асаларичиликка доир айрим нуқсонларни айтиб ўтмоқчимиз.

Республикамизда, аниқ ҳисобларга кўра, 104000 қути асалари бор. Шундан 54000 колхоз ва совхоз хўжаликларига қарашли, қолгани ҳаваскор асаларичилар қўлида боқилади. Ўзбекистон иқлими асаларилар учун жуда мос. Улар қишда инларидаги асал жамғармасини ортиқча сарф қилмайдилар. Бизнинг шароитимизда қиш тез ўтиб, дарров иссиқ кунлар бошланади. Довдарахтлар гулга киради. Асаларилар яна тинимсиз меҳнат билан машғул бўладилар. Лекин довдарахтларнинг гуллаш даври бир-биридан кескин фарқ қилади. Республикамизнинг бир жойида мевалар айни гулга кирган пайтда, иккинчи қисмида энди куртак очаётган бўлади. Шунинг учун ҳам асаларларни шароитга қараб турли жойларга кўчириб, айни шарбат йиғишга лаёқатли пайтида озуқа билан таъминлаб туриш зарур. Бу давр икки ойдан сал ошиқроқ. Ана шу даврда асаларилар озуқа билан тўла таъминланмаса, улар шарбат йиғиш қобилиятини йўқотадилар. Масалан, шафтоли, ўрик, олча гулга кирган пайтлар асаларилар учун айни шарбат тўпланш даври ҳисобланади. Июнь ойининг охирларига келиб пахта гуллагач, асаларилар учун янада озуқа кўпаяди. Шаҳар шароитида мевали дарахтлар билан бир қаторда акация, каштан дарахтлари ҳам яхши шарбатга бой бўлади. Масалан, бир туп улкан акация дарахти 8—10 килограмм асал беради. Лекин энг яхши асал тоғли жойлардан олинади. Сабаби — тоғ гуллари энг тоза ва хуштаъм шарбатга бой. Узбекистоннинг тоғ асали фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам бениҳоя қадрланади. Бу олий сифатли асалдир.

Асалари заҳри ва асал қадимдан табобат ва тиббиётда кенг қўлланиб келади. Асалари заҳридан тайёрланган «Випротокс» деган дори бод касалини даволашда қўлланилади. Халқ табобатида ҳар бир соғлом кишига ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир чой қошиқ асал истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунда кишининг асаблари мустаҳкамланади, тиниқиб ухлайди, ошқозон фаолияти яхшиланади, нафас олиш аъзолари, ўпка шамоллашидан сақланади. Жигари касалланган, совуғи ошган кишиларга ҳам вақти-вақти билан асал еб туриш тавсия этилади. Умуман, асал турли дармон-дориларга бой бўлиб, уни меъёри билан истеъмол қилиб туриш фойдалидир. Асал фақатгина дори сифатида истеъмол қилиниб қолмай, балки авиация ва тўқимачилик саноатида ҳам ишлатилади.

Асаларилар май, июнь ойларида кўп асал тўплайди. Бу даврда уларни шарбатга бой жойларга кўчириш мақсадга мувофиқ. Айниқса тоғли райлонлар ниҳоятда сершарбатдир. Афсуски, республика асаларичилик жамияти ўз транспортига эга бўлмаганлиги сабабли бу ишни кўнгилдагидай амалга оширолмаётир.

Асаларининг пахтачиликка таъсири ҳақида қисман тўхталиб ўтамиз. Республикамизда тахминан 2 миллион гектар пахта экиладиган майдон бор. Ҳар бир гектар ердан олинадиган пахта ҳосили ўртача 30 центнер. Агар шу пахта далаларида асалари боқилса, чангланиш натижасида ҳосилдорлик гектар бошига тахминан **уч-тўрт** центнерга кўпаяди. Умумий ҳисобда жами майдонлардан етиштириладиган ҳосилга қўшимча равишда яна 600 минг тоннадан зиёдроқ пахта ҳосили олиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир чаноқнинг вазни 8—12 процент ортади, пахта толасининг сифати яхшиланади, чигит тўқ бўлади. Бунинг учун энг оддий тадбирларга амал қилинса бас, яъни ҳар гектар пахта майдонида икки қути асалари боқиш керак. Республикамиз далаларида ўстириладиган жами ғўза гулида 50 миллион килограммдан зиёд асал ҳосил қилувчи шарбат бўлиши тахмин қилинади. Агарда шу шарбатнинг атиги 30 процентини асаларилар учун емиш бўлса, 5 минг тонна асал жамғарилади. Бордию, тўлалигича фойданилса-чи?.. Бу рақам салкам 20 минг тоннани ташкил этади. Демак, фақат биргина пахта далаларидан олинган асал билан бутун республика аҳолисининг болга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мумкин. У ҳолда тоғли райлардан олинган асал тўлалигича медицинада — даволаш учун қўлланилади. Ҳозирча бу борада айтарлик иш қилинаётгани йўқ. Асалари уяларини кўпайтириш тадбирлари кўрилмаётир. Афсуски, шу сабабли пахта далаларида гектар бошига 0,006 асалари оиласи тўғри келмоқда. Устига-устак, пахтакор хўжаликларда баъзан асалариларнинг заҳарланиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Кўпгина хўжаликларда пахтазорлар атрофида асалари уялари ўрнатилган. Аммо пахта ширасига қарши заҳарли дори сепиладиган пайтда асаларичилар огоҳлантириб қўйилмайди. Натижада пахта зараркунандаларига қарши қўлланиладиган бир талай дорилар асалариларга ҳам қирон келтиради. Ваҳоланки, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъсис этган асаларичиликни муҳофаза қилиш

Эргаш МУҲАМЕДОВ

САҲРО ЕЛЛАРИ

Шу номли туркумдан

Бағишлов ўрнида

Тилсиз саҳро бўйлаб кезардим яёв,
Ўйим чулғаб олди тубсиз сукунат.
Қўшиғимга суриб турли ранг, бўёв,
Мени боғлаб олди ипсиз сукунат,
Ўйим чулғаб олди тубсиз сукунат.

Борардим саҳрога ҳисларим тўкиб,
Аниқ қолар эди изимнинг ўрни.
Гоҳида ногаҳон ўтмишга мункиб,
Мурғак хаёлимнинг қонарди бурни,
Аниқ қолар эди изимнинг ўрни.

Саҳро оғушида қолар изларим,
Сукунат бағрида қўшиғим кезар.
Чўл сўнгин кўролмай толар кўзларим,
Сукунат оҳиста қалбимга сизар,
Сукунат бағрида қўшиғим кезар.

Саҳро сукунати очди эшигин,
Боқсам, унда экан қўшиқнинг бари.
Дарёдай тебратиб қўшиқ бешигин,
Ҳайқириб ётибди сукунат бағри,
Боқсам, унда экан қўшиқнинг бари.

Дўстларим, сизга деб, сизга деб атай,
Мен ундан келтирдим бир юрак қўшиқ.
Куй билан дилингиз ғуборин артай,
Қалбимни ҳам берай қўшиққа қўшиб,
Мен ундан келтирдим бир юрак қўшиқ.

Ташналик

Кўзини қум босиб инграган йўлда
Бир далдага ташна, ташлайман қадам.
Далда бўлгулик бир зот ҳам йўқ чўлда,
Шундай бир мададга интизор йўл ҳам.

Кўзимга ташланар ариқлар изи,
Билинар-билинмас ўчоқнинг ўрни.
Ўйимда жонланиб қўшнимнинг қизи,
Гўёки титкилаб ўлтирар қўрни.

Ҳазин қўмсаш билан ёдимга тушар
Бугун бурқсиб турган бир пиёла чой.
Чўл бағри гурлаган гулханга ўхшар,
На бунда бир чашма кўрсатар чирой.

Лаблар ҳам ёрилди хивчин изидай,
Чанқоқлик аямай савалар гўё.
Дўстин кўмиб қайтган чолнинг тизидай,
Титраган майсалар — маъюс бир дунё.

Узоқдан кўринди одам қораси,
Мадад шабадаси кўксимга тегди.
Келган каби гўё жаннатнинг саси,
Майсалар таъзимга бошини эгди.

Йўлнинг ҳам чиройи очилди бир оз,
Ташна чўл ютиниб, жилмайди аста.
Йўқ, сувсизлик эмас, саҳрони,— бу рост!—
Одамга ташналик айлабди хаста.

Ҳозир ўчоқда ўт, арикда йўқ сув,
Ахир одам келса — бари муҳайё.
Одамсиз саҳронинг ҳопи бўлса шу,
Одам ташналигин кўрмасин дунё!

низомига биноан, пахтакор хўжаликлар ғўзага дори сепишдан бир ҳафта илгари асаларичиларни огоҳлантириб қўйишлари керак. Бундай низом Иттифоқимиз бўйича фақат бизнинг республикамизда таъсис этилган. Лекин айрим ҳолларда бу низомга амал қилинмаётир.

Республикамизда асаларичилик жамияти бору, бироқ асал билан савдо қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Бундан икки йил аввал Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида ўнга яқин дўкон очилган эди. Бу дўконларда асаларичилик жамияти белгиланган нарх билан аъло сифатли асал сотарди. Бироқ, 1971 йил ноябридан буён Республика нархлар комитетидаги баъзи ходимларнинг фаолиятсизлиги туфайли бу хайрли иш тўхтаб қолди. Асаларичилик жамиятининг раис ўринбосари Н. Бучинскийнинг бу дўконларни қайта очиш ниятида то шу кунгача қилган уринишлари бирор фойда бермаётир. Республика Давлат план комитети асални «Ўзбекбирлашув» сотиши мумкин, деган фикр билдирди. Бироқ «Ўзбекбирлашув»даги ўртоқлар асаларичилик жамиятининг таклифига ҳануз аниқ жавоб беришмади. Агар шу икки ташкилот ўзаро бир битимга келса, махсус дўконларда аъло сифатли асал сотиш йўлга қўйилган бўларди. Харидорлар бозордан шакар, крахмал қўшилган сифатсиз асални чакана нархда сотиб олишдан қутулардилар.

— Яқин келажакда бу иш йўлга қўйилади деб ўйлайман,— дейди ўртоқ Бучинский,— чунки кишиларимизнинг асалга бўлган эҳтиёжини қондириш биз билан биргаликда барча савдо ташкилотларининг ҳам бурчидир.

Николай Иванович Бучинский асаларичиликни жон-дилидан севадиган одам. У билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар бир киши албатта асаларичиликка меҳр қўяди. У асаларичиларнинг келгуси йили бўладиган республика иккинчи съездида жамиятга аъзо бўлмаган кишиларнинг асалари боқишини тақиқлаб қўйиш ҳақида Уставга янги модда киритмоқчи эканлигини айтди. Бу жуда ўринли фикр. Ахир, овчилар жамияти ўз жамиятига аъзо бўлмаган кишиларга милтиқ сотмайди, ов қилишни тақиқлайди. Дарҳақиқат, шу талабни асаларичиликда ҳам жорий этиш мумкин-ку.

Москвада Измайлов номли асаларичилик музейи бор. Революциядан илгари ташкил этилган бу музейда қизиқарли суҳбатлар ўтказилади, кўргазмалар уюштирилади, ҳужжатли фильмлар кўрсатилади. Асаларини илмий нуқтаи назардан ўрганишда ҳам музей яқиндан кўмаклашади. Бизнинг республикамизда ҳам худди шундай музей ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Асаларичилик ҳали тўла шаклланмаган, кам эътибор берилаётган соҳалигича қолиб келмоқда. Шунинг оқибатида бу фойдали ҳашаротнинг «ич-сирини» биладиган мутахассислар тайёрловчи

Лаззат хазиналари.

Э. МАҲКАМОВ фотоси

ўқув юртлари йўқ ҳисоб. Бир неча йил муқаддам Андижонда ташкил этилган ягона техникум ҳам сал вақтдан кейин ёпилиб қолган. Пойтахтимиздаги 21-ҳунар-техника билим юртидагина бир йиллик асаларичилик курслари бор. Лекин бу курс халқ хўжалигини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашдан ожиз. Фикримизча, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида асаларичилик факультети очиш, техникумларда ҳам шундай бўлимлар ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон пахтаси билан оламга машҳур. Ваҳоланки, асаларининг пахта ҳосилдорлигини оширишда, унинг сифатини яхшилашда хизмати бениҳоя катта экан, бу соҳанинг билимдон мутахассисларини тайёрламоқ зарур.

Олимларимиз имкони борича тезроқ, асаларичилар учун махсус қўлланма чиқарсалар кўнгилдагидек иш бўларди. Бу қўлланмада асалариларни йилнинг қайси фаслларида республикамизнинг қайси жойида боқиш маъқул, шароит ўзгаришига қараб уни қайси жойларга кўчириш керак, асалариларни турли касаллик ва офатлардан қандай муҳофаза этиш лозим, шарбатга бой гуллар қачон ва қаерларда гуллайди — шу каби масалалар ҳақида тўла маълумот берилса хайрли иш бўлар эди.

Умид қиламизки, асаларичиликдаги бу нуқсонлар тез орада бартараф этилади.

Э. УМАРОВ

Деҳқон изи

Деҳқон борар, елкада кетмон,
Товонидан отилар тупроқ.
Изларидан анқийди бўстон,
Чўл қалбига чўкади титроқ.

Изин ўпиб, маст бўлган каби,
Дайди шамол югурар қувноқ.
Майсаларнинг қовжироқ лаби
Шамолларга тутади дудоқ.

Шамол кезиб, чанқоқ далага
Улашади излар тотини.
Ўхшаб кетар жарчи болага,
Чопар, айтиб ҳаёт отини.

Ҳаёт номин эшитган гулнинг
Чеҳрасига югуради қон.
Ногоҳ келиб қолган булбулнинг
Кўз олдида тикланар бўстон...

Деҳқон борар. Мағрур қиёқлар
Қўрқиб тўси айланар бўзга.
Тавоф айлаб мажруҳ гиёҳлар
Оёқ чангин суртади кўзга.

Мўътабару шу қадар азиз,
Чўлда деҳқон изнинг чанги,
Қаршисида беҳол чўкар тиз,
Сахронинг ҳам, қув ўчиб ранги.

Деҳқон борар елкада кетмон
Юзларида эзгу бир қувонч.
Изларидан анқийди бўстон,
Кетмонида ярақлар ишонч...

Ариқдаги ўт ўлан

Мен ариқман, ариқман,
Қумлар кўмди кўзимни.
Мендек сувга зориқманг,
Танимайман ўзимни.

Қандай таний мен сизни,
Йўлдан ўтган йўловчи!
Олиб берай юлдузни,
Бўлса менга қўлловчи!

Чанқадим, деб айтманг ҳеч,
Қултум сувга ўзим зор,
Йўлга боқиб эрта-кеч,
Сўқир бўлган кўзим бор.

Қўлласангиз, мададчим,
Бағримдадир тўлиқ ой,
Бу саҳромас, жаннат чин,
Мен ҳам шўхман мисли той.

Улан айтмай мен ўлай,
Олов пуркар ҳар сасим.
Саҳром деди кул бўлай,
Ёндирмоқда нафасим».

Юрагимга сепинг сув,
Мен ҳам яйраб тўлгонай.
Бўлиб порлоқ минг кулгу,
Чаноқларда уйғонай.

Қандай таний мен сизни,
Йўлдан ўтган йўловчи!
Олиб берай юлдузни,
Бўлса менга қўлловчи!

* * *

Учоқда ўт қалар саҳройи аёл,
Сурма бўлиб қўнган кўзига фироқ,
Оловнинг тилини бурайди шамол,
Чайқалар чайлага осилган чироқ.

Сурма бўлиб қўнган кўзига фироқ.
Йигирма ёшида қолган, шўрлик, тул.
Қўлтиқтуморида бир сиқим тупроқ —
Уруш... қабр... — барин эслатади ул.

Оловнинг тилини бурайди шамол,
Томчи ҳижрон қалқар аёл кўзида.
Чанқоқ саҳро унга термулар беҳол,
Ўз аксин кўргандай гўё кўзгуда.

Чайқалар чайлага осилган чироқ.
«Чироғи ўчмайди... Ўчоғи чўғли...»
Аёл вужудида тотли бир титроқ:
«Ота юртим обод қилмоқда ўғли...»

Учоққа ўт қалар саҳройи аёл,
Хаёлин бурдалар бир сиқим тупроқ.
Оловнинг тилини бурайди шамол,
Умридай безовта ёнади чироқ....

* * *

Уфққа тикилиб турибди бир қиз,
Ҳарир рўмолини юлқийди шамол.
Атроф қум совурган бепоён денгиз
Ва лекин қиз турар тош қотган мисол.

Ҳарир рўмолини юлқийди шамол,
Тим қаро кўзлари боқади илҳақ.
Висол қушиғини тебратар хаёл,
Қиз кўнглин аллалар қирмизи шафақ.

Атроф қум совурган бепоён денгиз,
Узоқда кўринди бир қора нуқта.
Қиз кўзи чақнади мисоли юлдуз —
Тўлин ой кўргандек мовий уфқда.

Қиз ҳамон турарди тош қотган мисол,
Ҳолбуки хаёли юлқиннар эди.
Шамолга лаб тутар қўмсаб у висол,
Шамолга юққандай баҳорнинг ҳиди.

Уфққа тикилиб турибди бир қиз,
Ҳарир рўмолини юлқийди шамол.
Қиз қалби, чўл қалби чайқалган денгиз,
Ҳув, ўша нуқтадир уларга иқбол...

КАНДАКОР

— Бирор янгилиқ ўйлаб топмасанг, чала устасан, ўғлим,— деб Салимжонга панду насиҳат қилади Абдусалом бобо.— Ахир, гавҳар қидирган киши дарёдан қўрқмайди-ку!

Балки, бу оқил гапларни уста Абдусалом бир маҳаллар ўз отаси уста Ҳамиддан ҳам такрор-такрор эшитгандир. Ҳар нечук Салимжонни ана шу ҳикмат узоқ ўйга толдириб қўярди. Саккиз яшар бола тенгқурлари тўпидан эрта ажралиб чиқди, шўхчан ўйинларни тарк этди. Бу сеҳрли санъат уни ўз домига барвақт илинтирди...

Бола ҳамиша отасининг мўъжаз устахонасида уймалашиб, кунни кеч қилади. Уста Абдусаломнинг довруғини эшитиб йироқ-ёвуқдан келган меҳмонларнинг гурунгига қулоқ тутади. Аллақачон халфалик номини олган отасининг шогирдларига берган таълимини синчковлик билан кузатади. Ўша шогирдлар пинжига кириб, кандакорлик сир-асрорини илғаб олишга уринади. Халфа қайси шогирдининг ишини маъқуллади-ю, қайси шогирдининг нуқсонини юзига солди—ҳаммасини фаҳми етгунча англашга чоғланади.

Халфа энди Салимжонга юмуш буюрадиган бўлди. Салимжон пўлат қаламу исканаларни дадил ишлата бошлади. Болғачалар зарбини, унинг вазнини ўрганди. Меҳнатнинг якунида халфа ҳамма қатори Салимжоннинг ҳам ишини кўрар ва маъқул дегандек бош ирғаб қўяр эди. Бир куни кутилмаганда халфа Салимжоннинг тепасида узоқроқ туриб қолди. У ҳаяжонини зўрға босиб, ёш кандакорларни ўзига яқин чорлади. Ниҳоясига етган ишни шогирдларга кўрсатди.

Салимжонга бир жаҳон шодлик бағишлаган ўша воқеа унинг ўн уч яшарлигида содир бўлган эди. Илк дафъа «Юлдуз» деб аталган бу мустақил асари чинакам ижод намунаси эди. Ўша дамлардаёқ Салимжон нозик санъатнинг «патент»ини қўлга киритиб қўйган эди.

Шундан сўнг қанча сувлар оқиб ўтди. Салимжон ўсмирликдан йигитлик фаслига қадам қўйганда, отасидан ажради. Бунинг устига уруш бошланиб кетди. Устахона ҳувиллаб қолди. Тоштарош ва мисгар акалари Аҳмаджон ва Сулаймонни фронтга кузатди. Кўп ўтмай оғалари жанг майдонида ҳалок бўлдилар. Салимжоннинг фиғони фалакка ўрласа ҳам қаддини букмади. «Янгийўл» артелида жон куйдириб меҳнат қилди. Ўзбеклардан чиққан дастлабки Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг суратларини, урушнинг қизғин лавҳаларини нақш қилди.

Салимжон урушдан сўнг ўз касбига яна астойдил меҳр қўйди-ю, лекин бир хаёл унга сира тинчлик бермасди. Ахир, токайгача ёлғиз ўзи ишлайди? Бу ноёб ҳунарни ўзи билан олиб кетишга қасд қилганми? Тўғри, «Касбим — ота мерос, мендан уни тортиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деб туриб оладиганлар ҳам топилади. Лекин Салимжон кўнглининг қаърида бошқа бир нарса, ҳунарини зукко шогирдларга қолдириш истаги ётарди. Бунинг устига, олтин, кумуш у ёқда турсин, ҳатто оддий мис ёки бириж топиш ҳам маҳол эди. Унинг арз-додини ким эшитади! Шаҳардаги маҳаллий саноат комбинати раҳбарлари кандакорликни эскирган, унутилган соҳа деб қарардилар. Начора, оқибат азиз ҳунаридан қўл силтади. Ахир, ташланган уруғи униб чиқмаса, не қилсин! Қолаверса, шогирдсиз устоз, мевасиз дарахт.

Уста бошқа ишнинг бошини тутди-ю маломатга қолди. Самарқанду Хоразмдан усталар марҳум отасини дараклаб келиб, уста Салимга дашном бериб, ярасига туз сепишди.

— Ота ҳунарини хор қилибсан, аттанг! Шу умид билан отанг сенга ҳунар ўргатганмиди?

Ҳамшаҳарларининг гина-кудрати бундан ҳам ошиб тушарди. Айниқса, Салимжоннинг остонасига буюртма учун келиб, қуруқ қайтганларнинг фиғони фалакка чиқарди.

— Уста, ўзингиз биласиз-ку, Бухорода тўёна лаълисиз тўй ўтганми?— дейишарди улар.— Келинг, тўйимиз кам-кўстсиз ўтсин, хайрли ишдан бош товламанг.

Бундай дилисиёҳликлар Салимжоннинг қалбини тирнаса ҳам аҳдидан қайтмади.

Лекин 1967 йилнинг кузагимиди, «Правда»да санъатшунос Ольга Яковлевна Соколованинг «Халқ санъати барҳаёт» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдию, алами тағин ошди. Олима бу қадим санъатни тиклаш ҳақида жон куйдириб: «Афсуски, қўли гул усталар вафот топиб кетдилар» деб ёзган эди. Бу сатрлар устанинг сўнаёзган иштиёқини жунбушга келтирди. «Йўқ, йўқ,— дерди ўзича у,— санъат асло ўлмайди, санъаткорлар тирик».

Нима қилиш керак? У кўҳна Бухоронинг тор кўчаларида кўп ўй суриб юрди, музейларни кезди. Усталарнинг сеҳрли бармоқлари жило берган нақшлардан ҳикмат ўқиди. Падари бузрукворидан мерос қолган лаълилар билан сўзлашди. У йўқотган хазинасини топиб олмоқчи эди. Кимсасиз хонада тонг оттириб, болғача тутган қўлига изтироб билан тикилади. Ажабо, ўша сеҳргар қўллари энди титрайди, унга бўйсунмайди. «Менинг эмас, отагинамнинг қўли», деган гапни кўнглига тугиб, яна енг шимаради. Устанинг асли гўзаллик учун яралган қўллари ўз ройишига тушади. Жажжи болғача тун сукунатини тонгга қадар бузиб туради. Сарғиш мис сатҳида турфа-туман нақшлар жилоланади.

Ўзида йўқ шод уста Салимжон шундай тунлардан бирида қайсидир донишманд айтган ҳикматни эслайди: «Кандакорга икки умр ато этилган». Ҳа, донишманд жуда топиб айтган. Кандакорнинг иккинчи умри — нафис, гўзал, нозик санъати.

Уммон тубидан жавоҳир топган ғаввосдай, уста Салимжоннинг қувончи чексиз эди. У ташландиқ дўконни унча-мунча эпга келтириб, устахонага айлантирди. Ёш-ялангни атрофига тўплаб, шогирд туширди. Санъатшунослар, маҳаллий ташкилотлар ёрдамида кандакорликнинг эски шуҳратини тиклади.

Яқинда республикамиз ҳукумати СССР Рассомлар союзининг аъзоси Салимжон Ҳамидовнинг меҳнатини тақдирлаб, унга Ўзбекистон халқ рассоми деган юксак унвон берди. Мана, уста ҳаётининг энг қувончли дақиқаларида унинг умр дафтарини яна бир варақламоқдамиз. Унинг камтарона жиҳозланган уйидаги мароқли гурунг ҳеч поёнига етмас эди.

— Шу йилнинг бошида,— деб ҳикоя қилади уста,— «Правда» газетасида босилган «Афсонада тасвирланган нақшлар» сарлавҳали мақоласига кўзим тушдию, дарҳол ўқиб чиқдим. Гап бошдан-оёқ менинг тўғримда борарди. Юрагимга даставвал чўғ ташлаган ўша Ольга Яковлевна Соколова. Лекин бу сафар олима ишларимиздан хурсанд бўлганини ёзган эди. Кўп ўтмай Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан хатлар ола бошладим. Бу мактублардан бир чеккаси қувонсам, бир чеккаси, ташвишга тушаман. Мана, бир нечасини ўзингиз ўқиб кўринг.

Хатлар, даста-даста хатлар! «Муҳтарам уста Салимжон!— деб ёзади таганроглик техника фанлари доктори: профессор Александр Иванович Соловьев.— Мен Шарқ санъати ва бу санъат ижодкорларининг мухлисиман. «Правда»да Сизнинг ажойиб кандакорлик маҳоратингиз ҳақида ўқиб, Сизнинг устахонангизда яратилган бирон-та лаълини харид қилишга ёрдам берсангиз, деб сўрашга журъат этдим...

Ўтган йил ёзида сизнинг шаҳрингиз Бухорода бўлдим. Қадим донишмандлик шаҳри ва унинг кишиларига бош эгиб таъзим қиламан...»

Москвалик илмий ходим М. Тонкожий, уста Салимжонга ўтган йили Бухорога борганда кандакорлик санъатига қизиқиб қолганлиги, саёҳатдан қайтгач эса ўзи ҳам ўрганишга бир лаълн ясагани ҳақида ёзади ҳамда устадан маслаҳатлар сўрайди.

Москва областининг Ногин районидан келган мана бу мактуб жуда ўтинч билан ёзилган:

«...Менинг тўнғич ўғлим қизиқувчан, қўли гул йигит. Унинг тасвирий санъатга майли зўр. Дурустгина суратлар чизади. Энди эса кандакорликка жуда берилган...

Сиздан ўтинаман, комбинат раҳбарлари ёрдамида Сизнинг таълимингизда улуғ ҳунарни ўрганиш имконияти бор-йўқлигини аниқлаб берсангиз... Зўр ҳурмат билан Сергей Иванович Кубриков».

Бошқа кўпчилик мактубларда ҳам устадан ҳар хил йўл-йўриқ ва кўмак сўраб мурожаат этишган. Дарҳақиқат, устанинг гапларида жон бор экан. Бу мактубларга қониқарли жавоб ёзиш анча мушкул. Ахир, уста Салимжон эгаллаган бу санъат сирларини бир неча жилдли китобга ҳам сиғдириб бўлармикан!

Уста оғир хўрсиниб, яна Ольга Яковлевнани эслади:

— Хабарингиз бўлса, раҳматлик шу йил вафот этди. Кандакорлик санъати тўғрисида бақувват бир китоб битмоқчи эди. Мен ўйлаб топган гул-нақшларни йиға бошлаган эди. Ахир, бу санъат икки ярим минг йил, балки ундан ҳам кўп умр кўрган.

Ҳақ гап! Кандакорлик эрамизгача ҳам тараққий этган эди. Не-не кўшку саройлар, не-не жанговар аскару афсонавий қушлар тасвирланган осори атиқалар замин қаъридан топиляпти. Аҳнабий тажовузкорлар истилолари даврида талай ноёб санъат дурдоналари йўқ бўлиб кетган. Темурийлар замонида бу санъат анча ўсди-ю хонликлар ҳукм сурганда яна инқирозга юз тутди.

Кандакорлик мактаби ўтган асрларда ҳам бир мунча жонланган. Профессор Галина Анатольевна Пугаченкованинг илмий хулосасига кўра, Бухоронинг ўзига хос кандакорлик мактаби бор. Қа-

Баркаш. В. И. Ленин «Правда» ўқимоқда.

УСТА САЛИМЖОН ҲАМИДОВ ТЎЁНАЛАРИ

Ўзбекистон халқ рассоми Салимжон Ҳамидов бу асарларини СССРнинг 50 йиллигига атаб яратган.

Баркаш. В. И. Ленин портрети.

Баркаш. Туркистон комиссарлари ҳайкали.

Баркаш. Тошкент — дўстлик шаҳри.

Баркаш. Тошкентдаги В. И. Ленин музейи.

Патнис. Қадим Бухоро.

Нақшинкор баркаш.

Барельеф. Гул ва булбуллар.

Барельеф. Минорали калон.



Зебигардон.

Г. ГРАФКИН фотолари

димда энг зўр усталар афсонавий гуллар чизганлар. Уста Салимжоннинг айтишича, бобоси уста Ҳамид шу санъатда донг қозонган. Отаси Абдусалом халфа бўлиб танилган. Инқилобдан кейин уста Абдусаломнинг ижоди янада камол топди. 1935 йили Парижда ўтказилган жаҳон кўргазмасида унинг нодир асарлари юксак баҳоланди. Қадим санъатнинг муносиб вориси уста Салимжон эса ота-боболарнинг ўзига хос услубини сақлабгина қолмай, уни яна ҳам бойитди.

Мен устадан фақат уни ўзи яратган гулнақшларнинг хиллари ҳақида сўрайман.

— Кўп. Қайси бирини айтсам экан,— деб ўйланиб қолади у.— Майли, бир нечтасини билиб олинг.

— Уста Бухоро кандакорлик мактаби анъанасига хос гул-нақш номларини бирма-бир санаб кетди,— зеб, зебти, гандуми, занжири, чашми булбул, зебиш мужго, шоҳбарг, ислими, ислими бодом, ислими мажнуни бодом, ислими бодоми барг, ислими гул, ислими чамангул, бадоҳил, бадоҳили чаман, бадоҳили мажнуни, кундал бадоҳил, амири, мадоҳили гули жаннат... Хуллас, тўрт юздан зиёд. Гули самонинг ўзи эллиқдан ошади. Ўйлаган, излаган сайин янги гулнақшлар худди тушда кўргандек, ўз-ўзидан туғилаверади.

Кандакор замонлар ва бобокалонлари қолдирган мероси эъзозлаб, тобора бойитиб боради. Мен гул нақшларнинг бу қадар хилма-хил аталишига ажабланганимда, уста уларни яна таърифлаб кетди.

— Сизга айтган нақшларнинг кўпчилиги ҳақида ривоятлар тўқилган,— дейди у.— Нақл қилишларича, занжири чашми булбулнинг яратилиши мана бундай бўлган. Ўтган замонда бир подшонинг хушрўй қизи бор экан. У устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу элга овоза бўлиб, подшо дарғазаб бўлибди-да, йигитнинг отасини зиндонга ташлабди. Йигит куну тун изтиробда кумуш баркашга янги нақш излабди. Баркаш теварагига отасини банди этган занжирнинг тасвирини нақшлабди. Устанинг ўғли шаҳаншоҳ иродасига шак келтирди, деб подшо йигитнинг бошини танидан жудо этишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста йигит ясаган баркашни саройга келтирибди. «Шаҳаншоҳим,— дебди донишманд,— ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан ўтинг. У занжир халқаси ичида булбулнинг кўзини тасвирламоқчи экан. Лекин жаллодлар уни устахонадан судраб чиқишган. Шу сабабдан бола-чақир бунга улгуролмай қолган». У шундай дебдию занжирлар халқаси орасига нуқталар қўйиб чиқибди. Нақшнинг худди булбулнинг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшо йигитни қутқазибди. Шу-шу бу нақшни «занжири чашми булбул» дейдиган бўлишибди.

Уста мадоҳили гули жаннат хусусида ҳам гапириб берди. Алишер Навоий боғ сайрида юрганда, муссаввир унинг буюртмасини келтиради. Навоий дарҳол мусаввир шаънига бир байт боғишлайди. Мусаввирнинг яратган манзараси ва турфа-туман гулларнинг силсиласи шоирнинг боғида ҳам учрамас эди. «Ер юзининг ҳеч бир чаманидан, бутун дунёнинг гулларини жамлаган чорбоғимдан ҳам сиз яратган гулларнинг монандини топиб бўлмайди-ку», деб Навоий ҳайратга тушади, офаринлар айтади. Шоирнинг бениҳоя ажабланганини пайқаган ва ўз қадрини билган мусаввир: «Биз инсонмиз, ерда истиқомат қиламиз. Бу эса жаннат гуллари» деб жавоб қайтаради.

Ана шу ривоятни эслаб, уста яқинда Тошкентда бўлганини гапириб берди:

— Тошкентни гуллар шаҳри деб атаганларича бор, дунёнинг ҳамма чеккасидан келтирилган гулларни кўрдим. Боғбонлардан уларнинг номини сўрадим... Ўзимча ўйлаб қоламан. Навоийни лол қолдирган рассом худди ана шу гулларни чизганга ўхшайди. Мен Тошкентнинг рангоранг гулларидан илҳомланиб қайтдим. Энди уларни мисга кўчираман. Лекин улар сиз кўрган гулларга ўхшамайди. Ана ўшанда бу — жаннат, гули деб туриб олсам, менинг ҳам ҳаққим бор. Ҳамма гап — хаёл кучида, ука,—завқ билан кулиб қўяди уста.— Ҳозир «Жаҳон халқлари дўстлиги» панносини яратишга киришдим. Унда мадоҳили гули жаннатдан фойдаланаман. Ахир, дўстлик тинчликда камол топса, гуллар ҳам тинчликда барқ урмайдими!

...Мана, санъаткорнинг устахонаси. Бу даргоҳга мамлакатимизнинг турли чеккаларидан, чет эллардан сайёҳлар келиб туришар экан. Устанинг ўнлаб шогирдлари деярли ўсмир ёшида. Кўпчилиги ҳали мактабда ўқийди. Салимжон ака йигит-қиз орисларига биттадан буюртма топшириб қўяди. Улар топшириқни ҳар хил муддатда бажаришади. Уста ишларни баҳолашга ўтганда, уларнинг қанча вақтда бажарилганини ҳисоблаб ўтирмайди. «Суръат — бу санъатнинг душмани,— дейди уста гап орасида,— ижодий ишнинг тарозисига вақтнинг тошини бостириб қўймаслик керак».

Мураббийликнинг барча сиридан воқиф уста Салимжон сайқал топган ҳар бир лаълини кўздан кечириб, ундан шогирдларининг кайфиятини уқиб олади. Бир неча чизиқ беўхшов тушган бўлса, демак, ўша шогирднинг асаби жойида эмас. Бундай пайтда у койиб бермайди, эҳтиёткорлик билан шогирдининг кўнглини кўтариб қўяди.

Уста уларнинг ҳар бири тўғрисида тўлиб-тошиб гапиради. Баъри кенг, меҳрибон мураббийга ҳавас қиласиз.

— Шогирдларимнинг ҳаммасида ҳам ўзига яраша фазилат бор. Агар уларни бирма-бир тилга олсангиз, эллик нафарини ҳам санаб ўтишингиз керак. Шунинг учун иккитаси ҳақида сўзлаб бера қолай,— деди уста.— Чунки бу — менинг сирим. Бири секин, аммо-лекин пухта ишлайди. Нуқсон қидириб тополмайсиз. Мисёки жезнинг ҳар бир квадрат сантиметр сатҳига олти юз маротаба болға уради. Чизиқларнинг сонини эринмай санаб чиқаман. Тўкис, расо. Бордию мисми, биримми, айтайлик, икки сантиметр қалинликда бўлса, бир миллиметргача чуқурликда ўйилади. Акс ҳолда ишланаётган буюмнинг орқа томонига гул-нақшларнинг изи ўтмай қолади. Бу усулни заминбардори деймиз. Гул-нақшларнинг бир-биридан нафис, жило бериб товланиши учун жуда зарур. Шуни ҳамиша имтиҳон қиламан. Униси эса тўкис, расо. Насиб бўлса, яна уч йиллар ичида унинг мендан ўзиб кетишига аминман.

— Шогирд устоздан ўтади, лекин ўзи устоз бўлолмайди, дейишади,— деб луқма ташлайман.

— Мен шогирднинг устоздан ўтишига тарафдорман,— дея уста эътироз билдиради. — Шогирд ғайрат қилса, устозни ҳайратга солади. Айтмоқчи, яна бир шогирдим тез, ҳатто мендан ҳам жадал ишлайди. Бу ҳол мени ташвишга солади. Айниқса, таниш гулларни ҳаш-паш дегунча уддалайди, аммо нотаниш гулларга келганда анча кеч бажаради. Жиндек хато бутун ишни барбод қилиши мумкин. Пухталикка вақт вобаста бўлиши керак. Бир куни Алишер Навоийнинг портрети устида ишлаётган эдим. Шогирдимни чақириб, чарчаганимни айтдим. Суратнинг соқол қисмини заминбардори усулида ишлаб кўришни тайинладим. Шогирднинг болға тутган қўли қалтирай бошлади. Нозик ишнинг бир деталини шу қадар ишониб топширишим, унга далда бўлар деб ўйлаган эдим. Ҳамма усулларнинг ройишини ўзлаштириб, ишни жадал уддалашга зўр бермаганда, бундай ҳолга тушиб қолмасди. Ҳарқалай, ҳамма шогирдларимда ҳам ирода, қунт ва чидам бор. Шунисига қувонаман. Доҳиймиз Ленинниинг юз йиллигига бағишланган кўргазмада қатнашиб, шогирдларим ўн еттита диплом олишди. Партия ва ҳукуматимизнинг бизга кўрсатган ғамхўрлигидан жуда хурсандмиз. Менга шарафли унвоннинг берилиши янада катта масъулият юклади. Энди устахонамиз Гавкушон мадрасаси биносида бўлади.

Айни шу кунларда халфа ва шогирдларнинг ғайрати жўш уриб турибди. Бир ёқда мамлакатимизнинг эллик йиллик тўйи ва республикамизнинг ярим асрлик тантанасига, бир ёқда Беруний, Форобий ва Рудакий туғилган кунларни нишонлашга тўёнлар тайёрлаш, бир ёқда эса муомалага чиқариладиган совғалар ҳозирлаш ишлари...

Уста бу санъатнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлаган. Лаъли, патнис ва баркашларга Бухоро, Самарқанд, Хева меъморчилигининг дурдоналари — тарихий обидаларнинг тасвирини туширмоқда. Кўплаб ёдгорлик буюмларини тайёрлашни тажриба қилиб кўрмоқда. Қадимий обдаста, чойдиш, дашшу учун қолиплар буюрмоқда. Устахонада монументал асарлар яратилади. Чунончи «Жаҳон халқлари дўстлиги» панноси. Унинг узунлиги уч метр, эни бир ярим метр бўлади. В. И. Ленин марказий музейи филиали учун тайёрланаётган «Тинчлик қўёши» асари ҳам улуғвор. Бундай улкан, яхлит асарларни кандакорлик тарихи кам кўрган.

Устахона янги бинога кўчгач, уста Салим Ҳамидов қўл остида юзга яқин шогирд таълим олади. Келгуси йилдан тошкентлик ва самарқандлик ёшлар ҳам таҳсил олгани уста Салимжоннинг кандакорлик мактабига борадилар.

Маҳоратда тенгсиз санъаткор уста Салим Ҳамидов асрлар оша ўтиб келган ноёб санъатга қайта жон бахш этди. Мирзо Бедил айтганидек, ўз ҳунарининг бундай заҳматкаши одамларга гўзаллик эшигини очади.

Мурод ХИДИРОВ.

Ҳайкалтарошга

Минг йиллик орзулар рўёби учун
Ҳақиқат йўлида у кўтарди бош.
Шу йўлга бахш этди умрини бутун,
Машаққат селига айлади бардош.

Ғулғула ичида айланди дунё,
Одамлар қўзғолди мисли пўртана.
Зулму дин дунёсн ўт олди, аммо —
Истиқбол, бахт тонги қилди тантана.

Буюк инқилобга Ленин бўлди бош,
Советлар юртига беролди сайқал...
Мармарни у ёққа қўй, ҳайкалтарош,
Ленинга қуёшдан ясайлик ҳайкал!

Темур НОРОВ

●

Анжела Девис
монологи

Орзули дунёда, биродар,
Толеим ёрмикан, толеим ёрми!
Тупроққа бўлдим мен баробар,
Ҳуқуқим бормикан, ҳуқуқим борми!

Тоғларнинг тошини ушатсам,
«Мана мен!» деганча чиқмасмм тортиқ!
Кўнглимни бир бора бўшатсам,
Бошқа бир юракни сиқмасми ортиқ!

Фарёдим тошларга етса ҳам,
Юраги тошларга етмаса, найлай!
Мени эрк тарк этиб кетса ҳам,
Кенгликлар кўзимдан кетмаса, найлай!

Нимага темирдек бардошим
Чидамас эрксизлик, аччиқ фироққа!
Нимага азизим, қардошим,
Ирқчилар йўл бермас йўли йироққа!

Орзули дунёда, биродар,
Толеим ёрмикан, толеим ёрми!
Тупроққа бўлдим мен баробар,
Ҳуқуқим бормикан, ҳуқуқим борми!

Билмам...

Билмам, қачон кап-катта Ер
Тушмиш Қуёш савдосига!
Чарх уради...
Бош айлангай —
Қараб унинг маъвосига.
Кўкдан менга кулиб боқар
Осмон тўла минтти юлдуз.
Макон ичра алмашади
Бирин-кетин кеча-кундуз.
Қўним билмас қор ва ёмғир;
Гоҳ кўкдадир, гоҳ ердадир.
Учди руҳим, орзуларим,
Гавдам менинг, оҳ, ердадир.
Йил кетидан йил келмаса,
Улғаймасди ёшим менинг.
Агарда Ер айланмаса,
Айланмасди бошим менинг...

Бир ўтинч...

Сени таъриф этайин,
Гапга қулоқ сол-сол.
Қаро зулфинг, дилбарим,
Эшилибди тол-тол.

Унинг ҳар толасига
Етмас дунё мол-мол.
Кел, юзингни бир кўрай,
Гажагингни ол-ол!

Қаро туним эслатди
Чаккангдаги хол-хол.
Сўз ўрнига лабингдан
Томмоқдамм бол-бол!

Ошиғингдан бир йўла
Сўра шарҳи ҳол-ҳол.
Оғишмасдан юр бирга,
Дема: «Яхши қол-қол!»

Асқар ҚОСИМОВ

БИР СПЕКТАКЛЬ ТАҚДИРИ

Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаси ўзбек совет драматургиясида алоҳида бир босқичдир. Адибнинг асарни «шекспирлаштириш» йўлидан борганлиги эътиборга лойиқдир. «Мирзо Улуғбек» республикамизнинг кўпчилик театрларида саҳналаштирилди. Унинг яқинда М. Горький номидаги Рус давлат академик драма театрида саҳнага қўйилганлиги бу шоҳ асарга қизиқиш тобора ортаётганлигининг яна бир далилидир.

Биз бу мақолада «Мирзо Улуғбек» фожиасининг Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасидаги талқини ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Маълумки, саҳна асарининг шакли унинг мазмуни билан ғоят мутаносиб ва уйғун бўлиши керак. Чунки «ҳаддан ташқари кичкина нарса гўзал бўлолмайди, негаки у жуда тез кўрилади ва ёддан кўтарилади,—дейди Аристотель,— шунингдек, ҳаддан ташқари катта нарса ҳам гўзал бўлолмайди, чунки уни осонлик билан қамраб олиш мумкин эмас. Томошабин назарида унинг бир бутунлиги, яхлитлиги йўқолади».

Шу нуқтаи назардан қарасанда, «Мирзо Улуғбек»дек улкан бир трагедияни саҳналаштириш кўп қийинчиликларни келтириб чиқариши турган гап эди. Асарда воқеаларнинг ривожига унча боғланмайдиган ўринлар, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандий, Саккокий, Бердиёр, Бек Арслон каби характер даражасига кўтарилмаган персонажлар ҳам бор эдики, уларни асарнинг умумий руҳига футур етказмасдан ихчамлаштириш катта тажриба ва маҳорат талаб қиларди...

Мақсуд Шайхзоданинг бу асаридаги воқеалар маълум бир ички тартиб ва изчиллик билан, трагедиянинг мақсадига мувофиқ салмоқ билан ривожланадики, бу тартибга саҳнада ҳам амал қилиш бирдан-бир тўғри йўл эди.

Автор бош қаҳрамонни хаёлот ва билим юксаклигидан тахтга — давлат ташвишлари орасига олиб тушади. Улуғбек расадхонада илмий ишини бошламасдан туриб жангга киришга мажбур бўлади. Шундан сўнг, тахтпараст ўғли унга қарши чиқади, севикли ёридан ажралади, автор уни тожу тахт илдизига болта кўтарган Пири Зиндонийга рўпара қилади, ночор қолганида бобоси Амир Темур қабрига бошлаб боради ва ниҳоят, тарихий фактлар изидан бориб, илму маърифат ва давлат осойишталигининг душманлари қўлига топширади... Дарҳақиқат, трагедия —«...бутун бир ҳаёт саодатининг йўқолувидир» (В. Г. Белинский).

Ҳамза театри трагедияни икки марта саҳналаштирди. Спектаклнинг биринчи варианти воқеалар тартибининг қарийб тўлиқ сақланганлиги билан диққатга сазовор эди. Шунингдек, атоқли актёр Шукур Бурхон талқинидаги Улуғбек, марҳум Обид Жалилов ижросидаги Пири Зиндоний, Наби Раҳимов ижросидаги Бобо Кайфий образлари ҳали томошабинлар хотирасидан ўчгани йўқ. Спектакль ўз вақтида Иззат Султоннинг «Тарих ва замонавийлик», Озод Шарафиддиновнинг «Мирзо Улуғбек» мақолаларида чуқур таҳлил қилинди.

Асарни қайта саҳналаштиришда кўпроқ декорацияларга аҳамият берилганлиги кўриниб турибди. Театр бу борада Озод Шарафиддиновнинг саҳнани миллий жиҳозлар ҳамда Самарқандниг ўша даврдаги кўринишлари билан бойитиш керак эди, деган фикрини эътиборга олиб, жуда тўғри иш қилган. Спектаклнинг ҳозирги вариантида трагедиянинг аввал ташлаб кетилган 1-кўриниши саҳналаштирилгани ҳам маъқул. Аммо томошабин диққатини фожианинг оқимига йўналтирадиган бу муқаддима-кўриниш асар матнидаги каби спектаклнинг ҳам 1-саҳнаси бўлиб қолиши керак эди. Асарни қайта саҳнага қўйган режиссёрлар Ш. Қаюмов ва Н. Отабоев уни Улуғбекнинг саройда элчиларни қабул қилишидан (1-парда, 3-кўриниш) бошлаб, 2-кўринишни чиқариб ташладилар. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бундай бошланиш маълум даражада театр учун одат тусига кириб қолди (Шекспирнинг «Ҳамлет» ҳамда «Қирол Лир» каби спектакларини ҳам театр худди шундай саҳналар билан бошлаганлигини эсланг).

Шундай қилиб, «Мирзо Улуғбек»ни қайта саҳналаштиришда воқеалар тартиби бошиданоқ бузилди. Бундан ташқари, ҳар икки қўйилишда ҳам асар ечимининг асосини ташкил этувчи IV парданинг 2-кўриниши саҳналаштирилмади. Улуғбекнинг хаёли орқали бериладиган бу кўринишда биринчидан, Амир Темурнинг мураккаб шахси очиб берилса, иккинчидан, шоҳ — Темурга исёнкор халқ вакили Пири Зиндоний қарши қўйиларди:

«...У қўлидаги болғани баланд кўтариб, Темур қиличига қаттиқ уради. Қилич Темур қўлидан тушиб кетади...

Пири Зиндоний

Ҳа!.. Ерўққа чидолмади, зулматшоҳ Темур,
Болғаларнинг зарби, ана, қиличингдан зўр!»

Драматург халқ ғалабасининг илдизини ўша, бундан беш аср олдинги даврлардан излайди. Шунинг учун ҳам бу кўриниш саҳналаштирилмас экан, Пири Зиндоний образидан кутилган мақсад рўёбга чиқмаётганга ўхшайди.

«Мирзо Улуғбек» юксак пафосли трагедиядир. Подшоҳ ва исёнчи диалоги саҳнаси эса асарнинг драматизмга бой, қабариқ ўринларидан бири. Мабодо, уни саҳнага қўйиш қийин дейдиган бўлсак, Ҳамза театри бу борада катта тажрибага эга эди. («Ҳамлет»да ҳам айнан шунга ўхшаш ўринларни театр маҳорат билан намойиш этганлигини эсланг).

Спектаклдаги яна бир катта камчилик Хўжа Аҳрор образининг чиқариб ташланганлигидир. Асарда Хўжа-Аҳрор жаҳолат аҳлининг жиловини қўлига олган қора куч сифатида гавдаланади. Улуғбек шоҳ бўлиш билан бирга, илм-маърифат оламининг ҳам дарғаси бўлганидек, Хўжа Аҳрор ҳам дин ва руҳонийлар етакчиси, жаҳолат оламининг султони эди.

Мақсуд Шайхзода ҳақли равишда трагедиянинг марказига икки кучни— Улуғбек билан Хўжа Аҳрорни қўяди. Зотан, академик Бартольднинг таъкидлашича, «Улуғбекнинг қирқ йиллик ҳукмронлиги нақшбандийлар мазҳабининг вакили бўлган Хўжа Аҳрорнинг яна қирқ йиллик ҳукмронлиги билан алмашди...». Трагедиянинг марказида турган тарих саҳнасидаги бу алмашинув театр саҳнасига ҳам киритилиши ҳаққоний бўлур эди. Тўғри, «Мирзо Улуғбек» спектаклида бошқа бир қора куч — Абдуллатиф бор. Аммо у тарихда Улуғбекка қарши асосий куч бўлган эмас. Академик Бартольднинг тарихий манбаларга суяниб айтишича, у отаси каби расадхонада астрономия илми, шунингдек, бошқа фанлар билан шуғулланган. Сўнгги икки йилгача эса отаси билан муносабати бузилмай келган. Абдуллатиф тахтпарастлиги натижасидагина, академик Қори Ниёзийнинг ибораси билан айтганда, «Хўжа Аҳрорнинг қўлидаги қуролга айланган». Улуғбекнинг ўлдирилишида, Хўжа Аҳрорнинг ўрнига Абдуллатифни биринчи планга олиб чиқиш тарихан тўғри эмас, деб ўйлаймиз.

Бу талабларни театрнинг олдига биз биринчи бўлиб қўяётганимиз йўқ. Бу фикрлар Озод Шарафиддинов ва Иззат Султон мақолаларида ҳам қисман бор эди.

Спектаклдан Хўжа Аҳрорнинг чиқариб ташланиши билан Бобо Кайфий образи ҳам ярим жон бўлиб қолган. Улуғбек тахтдан туширилгач, Абдуллатиф Хўжа Аҳрорнинг сўзига кириб, Бобо Кайфийни зиндонга буюради.

Бобо Кайфий

Зиндонгами? Эҳ, у бизнинг ўз хонамиз-ку...
Йўлин ўзим хўп биламан, овора бўлманг!
Улуғбек йўқ, демак бутун шаҳар зиндон-да!

Шоҳларга тик боқувчи, руҳонийларнинг башарасини очиб ташлайдиган бу ўзига хос исёнкор яна бундай дейди:

... Билганим шу: ҳақ барҳақдир, билмаганим-чи,
Ҳақ ноҳақдир, ноҳақ ҳақдир, ҳақиқат йўқдир...

Мастлик баҳонасида ўзига сўз эркинлиги имкониятини яратиб олган, норози халқнинг дилдагини тилига чиқарувчи Бобо Кайфийни биз саҳнада мукаммал кўрмаймиз. Спектаклнинг биринчи қўйилишида, зиндондан чиқаётган Бобо Кайфий, Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида андхудлик шоир Мавлоно Тарҳонийдан келтирилган қуйидаги байтни ўқир эди:

Тушгали банд ичра бўлдум ул пари девонаси,
Кўк саро фонусдур ул шамъу мен парвонаси.

Буни эшитиб турган Улуғбек: «Шу мисраларда фожиали бир насиба борга ўхшайди», дейди. Шеъриятни анча нозик тушунадиган Иброҳим Ғафуров «Жозиба» номли китобида юқоридаги байтни таҳлил қилиб, трагедиянинг руҳий оқимидан келиб чиқмаган ҳолда, «фожиали насиба» деб Улуғбекнинг ўзини тушунади ва уни «эркка интилган парвона» деб талқин қиладики, бу, бизнингча, нотўғридир. Наҳотки, Улуғбек бизнинг тушунчамиздаги эркка интилган бўлса?! Зиндонда ҳам эрк ҳақида фикрлашини тўхтатмаган Пири Зиндонийни шоҳ ва мутафаккир Улуғбек тўла тушунмайди. Бундай фикр ундан йироқ. Зеро, подшолик ва эрк бир-бирини мустасно қиладиган тушунчалардир.

Юқоридаги байтдан автор иккита мақсадни кўзда тутади. Биринчидан, ўзининг эркин хатти-ҳаракатлари учун гоҳ Сайид Обид, гоҳ Абдуллатиф томонидан зиндонга ташланиб турган Бобо Кайфий ўз тақдирини ана шу байт орқали шарҳлайди. Иккинчидан, Улуғбек: «Шу мисраларда фожиали бир насиба борга ўхшайди», дер экан, драматург бу билан Улуғбекни қамоқдаги Пири Зиндоний билан учраштириш учун руҳий тайёргарликка олиб келади. Дарҳақиқат, Мавлоно Тарҳоний ҳам бу байтни «Баъзи маҳодим Самарқандда бандға тушганда» (Навоий) айтган. Афсуски, трагедияни қайта саҳналаштиришда бир ўқ билан икки қушни урадиган ана шу байт ҳам, Улуғбекнинг Пири Зиндонийни озод қилиш ҳақидаги энг сўнгги фармони ҳам қисқартирилган. Ваҳоланки, бу фармон тахтдаги Улуғбек билан тахтдан тушаётган Улуғбек дунёқараши ўртасидаги чегара чизиғидир.

Аксинча, спектаклда Саккокийнинг элчилар олдидаги мадҳияси (1-саҳна), яна шу саҳнада Улуғбекнинг Сайид Обидга қарата айтган аёллар ҳақидаги ваъзига ўхшаш, воқеалар ривожига хизмат қилмайдиган гаплари саҳна охирида унинг: «Бироз маҳфий гапимиз бор юлдузлар билан», деганидан кейинги камтарлик доирасига сиғишмайдиган сўзлари каби яна бир қатор ўринлар қисқартирилиши мақсадга мувофиқ эди.

Дастлаб театр трагедиянинг сўнгги кўринишини аслига монанд сақлаб қолган эди. Қайта саҳналаштиришда эса бу ҳам қисқартирилди. Бунда Аббос ва унинг шериклари томонидан яраланган Улуғбек, гўё юлдузларга томон кўтарилиб боради...

Хўш, трагедия шундай кўтаринкиликка муҳтожмиди? Асарнинг аслига биноан, Улуғбекнинг ўлими олдидан меҳнаткаш халқ вакили Ота Муроднинг, тарихчи Абдурраззоқ Самарқандийнинг, шоғирди Али Қушчининг аламли сўзларидан сўнг, Пири Зиндонийнинг имон келтириб айтган нидоси авторнинг мақсадига ва трагедиянинг умумий руҳига мувофиқроқ эмасмиди?! Юлдузлар оламини забт этган Улуғбек, ўз даврида юлдузларга кўтарилди эмас, балки жаҳолатнинг қурбони бўлди. Театр Улуғбекни ўз муҳитида кўрсатиши керак эди.

«Алишер Навоий» спектаклида сарой билан алоқасини батамом узишга қарор қилган Навоий Ҳусайн Бойқарога қарата: «Мен кетдим!», «...Ижодимга. Халқимга!» дейди ва драманинг мақсадига мувофиқ халқ (томошабинлар) орасига кириб кетади... Улуғбекни эса юлдузларга йўналтириб, Ҳамза театри ўзининг ана шу усулини такрорлади, холос.

Трагедиянинг сўнгги кўринишида ёрдамга келган кучлар Аббоснинг одамлари томонидан ўғирлаб кетилаётган Ферузани ҳам қутқариб келишади. Бундан кўнгли тўқ бўлган Улуғбек ўлими олдидан осойишта ва бардам товуш билан: «Хайр сенга, оҳ, Ферузам, қалбим синглиси!»— дейди. Спектаклда эса Улуғбекни яралаб, Ферузани қон йиғлатиб олиб кетишяптию Улуғбек яна ўша осойишталик билан, ишончли қўлларга топшириб қўйгандек: «Хайр сенга, оҳ, Ферузам, қалбим синглиси!» дейдики, бу ҳар қандай мантиқдан узоқдир.

Спектаклнинг ижросига келганда шуни айтиш керакки, аксар ролларни қўлга олган ёшлар ҳали ўз қаҳрамонлари билан яқдил эмаслар. Жумладан, Улуғбек ролини ижро этаётган Турғун Азизовнинг кўпчилик ҳаракатлари ўз қаҳрамонининг ёшига номуносибдир. Чунончи, Бурокбек кўзғолонининг хабарини келтиришганда, у бутун саҳнани тўрт қадам қилиб, шиддат билан у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлайдики, қирқ йил тахтда ўтирган Улуғбекнинг бундай хабарлардан шунчалик жазавага тушиши эҳтимолдан узоқ. Шубҳасиз, Турғун Азизов қобилиятли актёр. Шунинг учун ҳам унга Улуғбекдек мураккаб образ ишониб топширилган. Улуғбек — мураккаб шахс. Олимлик ва шоҳлик унинг руҳида — маънавий

БАДИҲАГЎЙЛИК

Навоий гулшани

Алишер Навоий табиатан ҳозиржавоб, ҳазил-мутойиба, кулги, зукколикни қадрлайдиган, завқли, зариф киши бўлган. Ўзи тез-тез уюштириб турадиган мушоира ва зиёфатларга шоир, санъаткор, муқаллидлар билан бирга сўз усталари — бадиҳагўйларни ҳам таклиф қилиб, уларни рағбатлантирган. Масалан, Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» асаридаги ҳикоятларга кўра, Амир Алишер билан Мажддиддин Муҳаммаднинг Барза боғида оройиш топган мажлисида Абдулвосеъ Мунший, Мир Сарбарахна, Мавлоно Бурхони Гунг, Мавлоно Муин Шерозий, Мирак Заъфарон, Шоҳ Муҳаммад Мирак, Сарви Лаби Жўй, Шамшоди Сояпарвар, Мулло Хўжа хонанда, Юсуфи Соний, Боқи Ироқий каби хонанда ва созандалар, аскиячилар қатнашганлар. Шу мажлисда ўзини кўрсатган атоқли сўз устаси Абдулвосеъ Муншийни Навоий ўн тулпор от, йигирма чакмон ва ўн минг танга пул билан мукофотлаган.

Бундай йиғинларда Навоийнинг ўзи ҳам ҳазил-мутойиба, аския, бадиҳага аралашган, ҳозиржавобликда, ажойиб лутф, қочирим, чандишлар ишлатишда унга тенг келадиган киши кам бўлган. Муаррихлардан Хондамир ҳам, Восифий ҳам Навоий ҳақида ёзганда, унинг ҳазил-мутойибаларига, бадиҳагўйлигига алоҳида эътибор берадилар.

Улуғ шоир кулги, ҳазил, баҳс, аскиянинг мазмунли, ўринли, латиф ва ибратли бўлишини ёқтирган, бошқалардан ҳам шуни талаб қилган. Хондамирнинг қуйидаги сўзлари характерлидир: «Олий ҳазрат баъзан ширин тилни мазоҳ ва мутойибага очарди ва муносиб ўринларда латифасимон сўзларни баён ипига тортарди». Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарининг ўнинчи бобида келтирган латифа ва мутойибалар билан танишарканмиз, Навоийнинг чиндан ҳам «муносиб ўринларда» мазах ва мутойибага мурожаат қилганини, бундай пайтларда ўзининг юксак ақлзаковати, ўткир зеҳни ва идроки, нозик табиатини намойиш эта олганини кўрамиз. Фикримизни далиллаш учун «Макорим ул-ахлоқ»дан бир ҳикоят келтирайлик:

«Мусиқий фанида даврининг ягонаси мавлоно Алишоҳ бир куни давлатли Олий ҳазратга арз қилиб:

— Сизнинг олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига топширсалар, ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам,— деди.

Олий ҳазрат жавоб бериб:

— Мавлоно,— деди, — умрингиздан олти кун қолганми-йўқми, бизга маълум эмас. Сиз нима учун омонат ҳаётга бу қадар эътимод қилиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз?

Мавлоно жанoблари:

— Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар, бордию ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб кетар,— деди.

Олий ҳазрат:

— «Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало» дегани сиз экансиз-да,— деди».

Бу ўринда Навоийнинг кулгиси кескин, заҳархандали. Аммо у пайти билан беозор ҳажвни ҳам ишлатган.

Тўсатдан айтилган сўз, лутф ва шеър, яъни экспромт санъати илгари бадиҳа, бадиҳагўйлик деб аталган. Навоийнинг ёзишича, бадиҳагўйлик XV асрнинг иккинчи ярмида хийла ривожланган. «Мажолис ун-нафоис»да Муҳаммад Олим, Сулаймоний, Абдулвосеъ, Дарвеш, Шуҳудий каби забардаст бадиҳагўйлар тилга олинади. Навоий одоб доирасидан чиқмай, маъноли ва нозик баҳс қилувчи бадиҳагўйларни олқишлайди, андишасиз, бемаъни жавоблар айтувчи бадиҳагўйларни танқид қилади. Чунончи, Бобир Мирзо хизматида бўлган Сулаймонийни «бадиҳани равон айтур эрди», деб мақтаса, Муҳаммад Олим тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Аммо бағоят далер ва шўхтабъ ва хийра киши эрди Баҳсда кўп гўстоҳона сўзлар ва жавоблар айтур эрди». Муҳаммад Олим ўзининг мана шу такаллуфсизлиги туфайли Улуғбекнинг қаҳрига ҳам учраб, Самарқанддан Хиротга бадарға қилинган.

Айниқса Абдулвосеъ замонасининг энг етук бадиҳагўйи бўлган. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида унинг ҳақида қуйидаги илиқ ва самимий сўзларни айтади: «Мавлоно Абдулвосеъ — иншо фанида моҳир, бағоят сабукруҳ кишидур... Зурафо анинг яна муъжиби ҳазл бўлур. Сафоҳат қилса ҳам элдин қутулмас. Анга бу мансаб Хожа Мажддиддин Муҳаммад давлатидин етишти. Дерларки, анинг учун беш юз байтдин ортуқ ҳажви бор...». Бундан маълум бўладики, Абдулвосеъ моҳир ёзувчи, сатирик, шоир ва бадиҳагўйдир. Навоийнинг унга ихлоси зўр бўлган, хусусан, шоир унинг бадиҳагўйлигини қадрлаган. Абдулвосеъ бир ўзи бир неча киши билан бемалол беллашар ва енгиб чиқарди Бу унинг тенгсиз ҳозиржавоблиги, топқирлиги, чечанлиги, сўзга бойлиги ва журъатидан далолат беради. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Абдулвосеъ Ҳожа Мажддиддининг чорбоғида ўтказилган бир мажлисда аввало Мажддиддиннинг ўзини, сўнг Биноийни, Халил Саҳофни, Ҳожи хаттотни, шоҳ Муҳаммад Иракни ва бошқаларни мот қилади. «Ҳеч ким у билан тенглаша олмасди, мот бўларди. Ҳаммани мот қилса, йиғилиш аҳлининг кўпи кулгининг зўрлигидан ерга юмалаб қоларди», деб ёзади Восифий. Абдулвосеъ бадиҳани одоб доирасидан чиқмай, чиройли қилиб олиб борган, кўпроқ ўхшатиш ва муболаға билан, лўнда ва равон жавоблар орқали ҳарифларига зарба берган ва кучли қаҳқаҳа уйғотган. Фикримизни унинг Восифий туфайли бизгача етиб келган биргина жавоби тасдиқлаши мумкин. Ҳожа Мажддиддин Шер номли полвон бир хизматчисига Абдулвосеъни боққа киритмасдан жаҳлини чиқариш ҳақида буйруқ беради. Абдулвосеъ Шернинг қўпол муомаласидан аччиғланиб, у билан ёқалашиб қолади ва шу ҳолатда йиғинга кириб келади. Мажддиддин ўзини воқеадан бехабардай кўрсатиб, «хизматчилримиз сизнинг боғ эшигига етиб келганингиз ҳақида хабар берганларига анча бўлди. Нега бунча кечикдингиз, мавлоно? Ёки боғ эшигида бирор воқеа юз бердими?» дейди. Абдулвосеъ: «Тўғри айтасиз, кечикиб қолдик, чунки ит сифатли, айиқ табиатли ва тўнғиз мизожли шерчангиз бизга боғ эшиги олдида бўри каби иржайди. Бизнинг қоплон ғазабимиз арслон янглиғ ўз чангалини ейди. Кейин бу ишларнинг ҳаммаси сизларнинг тулкиларча бошлаган ўйинингиз эканлиги маълум бўлди»,— деб жавоб беради. Бу жавобдаги бир фазилат шуки, асосий рақибнинг оти Шер бўлгани сабабли уни ва унинг қилмишига алоқадор шахсларни масхара қилиш учун ит, айиқ, тўнғиз, бўри, қоплон, арслон, тулки каби ҳайвон номлари ишлатилади. Абдулвосеънинг маълум тартиб-қоидага ўрганганлигини, бадиҳани пайров билан, мавзудан чиқмай олиб борганлигини кўрамиз. Яна шу нарсани сезиш мумкинки, бадиҳагўй ўз жавобларини кичик бир воқеа шаклида, ҳикоя ва тавсиф билан қуради.

Бадиҳагўйлар маълум мавзуда шеър ҳақида, шунингдек, ўткир сўз, лутф, қочирим, киноя билан чандишда мусобақалашганлар. Улар бунда ўзларининг ҳозиржавоблик қобилиятлари ва нутқ имкониятларини ишга солишдан ташқари, тана ҳаракатлари ва мимикадан ҳам фойдаланганлар. Аҳли улфат уларнинг баҳсини фақат тинглаб қолмасдан, томоша ҳам қилган, завқланиб, яйраб кулган. Чунки бадиҳа томошаси ҳазил-мутойиба, мазах, масхара, чандиш характерига эга бўлган. Шунинг учун бадиҳагўйни аскиячи десак ҳам бўлади. Навоийнинг «аския», «азкиячи» мафхумларини ишлатганини учратмадик. Фикримизча, у бадиҳа деганда ҳам мушоирани, ҳам аскияни назарда тутади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий замонида бадиҳагўйлик деб аталган насрий ва назмий аския тараққий этиб, бақувват сўз усталари — бадиҳагўйлар майдонга келган. Бу борада ҳам буюк Алишернинг хизмати каттадир.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик фанлари кандидати

дунёсида ўрин талашиб, Улуғбек — инсонни фожиага олиб келади. Шукур Бурҳон ижросида Улуғбек ана шундай талқин қилинар эди. Бизнингча, Турғун Азизов ўз ҳаракатларига ортиқча кескин тус беради. Унинг ижросидаги Улуғбек кўпроқ султондир. Султон бўлганда ҳам, чеҳраси ва ҳаракатларидан Улуғбекка хос нуронийлик эмас, жоҳиллик акс этиб туради. Актёр кўпни кўрган кишилардай (Улуғбек эса шундай кишидир) сўзларни чертиб-чертиб гапириш ўрнига, кўпинча, ўз туйғуларига эрк бериб, ҳовлиқиб кетадики, оқибатда, жуда кўп сўзлар томошабинга етиб бормайди. Ваҳоланки, Ибн Сино айтганидек, сўзнинг энг ёмони, амалга ошмай зое кетганидир... Айниқса, драматик асарда тушириб қолдирилган ёки нотўғри талаффуз қилинган ҳар бир сўз ғояни ўраб олувчи булутга айланади.

Ғаламис ўғилнинг, отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган онанинг исканжасида эзилган Улуғбек — Турғун Азизов (II-парда) залга орқасини ўгириб, саҳнанинг тўрига қараб юради. Томошабин сўзларни эшитишдан, актёрнинг юз ифодасини кўришдан маҳрум бўлади. Гёте «Актёрларга қўлланма» деган асарида, томошабинга ҳеч қачон тескари туриб қолмасликни, буни, зарур бўлса, эҳтиётлик билан бажаришни уқтиради.

Сўнгги саҳнада тожу тахтни топшириб, ҳажга кетаётган Улуғбек — Турғун Азизов дастлаб ўзини шунчалик осойишта тутадики, бамисоли эркинликка чиққан қушга ўхшайди. «Тожу тахтни маърифатга пойдевор» қилмоқчи бўлган Улуғбек ана шу умид чархи синганида ўзини бундай тутиши мумкин эмас! У ўзининг қирқ йиллик шоҳлигини, расадхонасини унутолмайди. Шекспирнинг «Қирол Лир» трагедиясида, Лир ўзининг қироллигини унутолмагани учун ҳам, бошига ўтлардан чамбар кийиб юради; «Тезроқ туғинг ва туғдиринг! Солдатлар керак!» дейди. (Унга бу солдатлар қиролликни қайта эгаллаш учун керак). Улуғбекнинг ҳам:

Йўқотганим тож бўлдию топганим
эрклик!
... Хўш, Саккокий, нега яна ғамга
ғарқ бўлдинг?
Тахтдан тушган сенми, менми?
Нима ўйлайсан?—

деган сўзларида зоҳиран осойишталик бўлса-да, ботинан туганмас қайғу оҳанглари борки, буни актёр идрок этиши керак эди. Улуғбекнинг бу сўзлари атрофдагиларнинг ва ўз дилининг ғашлигига тилининг тасаллиси, холос!..

Трагедияда мураккаб образлардан яна бири Пири Зиндонийдир. Актёр Шариф Қаюмовнинг ҳаракатида ҳам, сўзларининг талаффузида ҳам салмоқдорлик етишмайди. Озод Шарафиддинов Пири Зиндонийни «символик тарзда, бир оз афсонавий тус бериб ҳал қилиш керак... Ҳолбуки, ҳозир реалистик планда ҳал қилинган», дейди. Аксинча биз ана шу «реалистик планда», «афсонавий тус» ҳам бермасдан, Пири Зиндонийнинг қуйма образини яратиш тарафдоримиз.

Иккинчи парданинг марказида Абдуллатиф образи туради. Тўлқин Тожиев талқинидаги бу образнинг жонли чиқишида, эҳтимол актёрнинг истеъдодидан ташқари, бундан аввал Мансур образи устида ишлаганлигининг ҳам таъсири бордир. Бу иккала образ баъзи бир жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетади. Аммо Мансур ўз қобиғидан ташқарига чиқолмайдиган одам. Абдуллатифнинг эса руҳий олами ҳам, ҳаракат майдони ҳам кенгроқ. У ақлли ва муғомбир валиаҳддир. Шунга кўра, Абдуллатиф — Тўлқин Тожиевда янада дадиллик, ўзига ишонч ва ҳаракатларида эркинлик етишмайди...

Трагедияни қайта саҳналаштирган театр кутилган натижаларга тўла эришолмади. Ҳозирги кунда «Мирзо Улуғбек» спектаклининг томошабинлари сийраклашиб қолаётир. Трагедия эса «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий» каби миллий драматургиямизнинг энг яхши асарлари қаторида туришга арзийди. Бунинг учун, биринчи навбатда асарнинг ҳар томонлама мукаммал саҳна нусхасини яратиш зарур. «Отелло», «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Шоҳ Эдип», «Алишер Навоий» каби спектаклларни халққа манзур эта олган театр бу масъулиятли ва шарафли ишнинг ҳам уддасидан чиқа олиши шубҳасиздир.

Саъдулла АҲМАД

ЗОЕ КЕТГАН ЗАҲМАТЛАР

Ота-боболаримиз қадим замонларда азим дарёлар сувини бўғиб, каналлар, сув омборлари, суғориш шохобчалари, тўғонлар ва бошқа иншоотларни не-не заҳмат чекиб барпо этганлар, қақраб ётган чўл-биёбонларга жон киритиб, деҳқончилик қилганлар.

Археологик ва тарихий манбалардан ўлкамизда узоқ ўтмишдаёқ сунъий суғоришнинг хилма-хил усуллари тарқалганини билиш мумкин. Тоғлик районларда қор эришидан ҳосил бўлган сой сувларидан фойдаланиб, деҳқончилик қилинган. Тоғ этакларида эса суғориш корез системаси ҳамда кичкина ҳовузлар барпо этиш йўли билан амалга оширилган. Дарё воҳаларида йирик канал ва ариқлар қазилган, дарё тармоқлари ва ўзанларига тўпланган тошқин сувлардан баҳорги ва ёзги экинларни суғоришда фойдаланилган.

Шимоли шарқда азим Мирзачўл, жанубда Моргузар тоғи, шимоли ғарбда Нурота тизмаси ва Форшш массиви билан туташиб кетган Жиззах чўлининг аҳолиси қадимдан Сангзор, Зомин, Ровот, Ардахшон, Сайхон каби сой ҳам ер ости сувларидан моҳирона фойдаланиб келганлар.

Жиззах даштида қадимдан сув манбаларининг камлиги, хонликлар ва чор ҳукумати даврида сув таъминотини яхшилаш учун кўрилган тадбирлар ночорлиги сабабли дарё, сой сувларини тақсимлаш қонун йўли билан тартибга туширилган, халқдаги баъзи бир усулларга амал қилинган.

Сув тақсимлашнинг биз тилга олмоқчи бўлган усул ва тартиблари жуда қизиқ. Сувни тақсимлашда маълум ер майдонини суғориш учун лозим бўлган миқдорни аниқловчи, тажрибада қабул қилинган ўлчов бирликлари бўлган. Бундай ўлчов бирликлари Ўзбекистоннинг турли деҳқончилик воҳаларида маҳаллий муҳитга мослаштирилган.

1903 йили сўнгги марта Сангзор дарёсининг суви маҳаллий маъмурият томонидан тақсимланган. Ана шу тартиб бўйича Сангзор дарёсининг биринчи уч неча-кундуздаги барча суви Юқори Сангдор, иккинчи уч неча-кундуздагиси Янгиқўрғон, сўнгра ўн икки неча-кундузлик оқими эса Жиззах аҳолисига берилган.

Жиззах воҳасига берилган ўн икки неча-кундузлик сувни бош ариқ оқсоқоли ва кичик ариқ оқсоқоллари Сангзор дарёси суви оз ёки кўп бўлишидан қатъи назар, «қўш» (48—50 таноб) ҳисобида 13,75 «сув» (бир сув — бир неча-кундуз) деб белгилаб, Жиззахнинг ариғига тақсимлаганлар. Ариқ суви ҳар бир ариқ оқсоқоли бошчилигида аҳолининг ҳиссасига кўра ҳар хил «сув-соати» асосида улашилган.

Воҳанинг Хайробод, Қалиямулкан, Кангли каби қишлоқлар аҳолиси сув соати сифатида «кўза»дан фойдаланганлар. Кўзанинг сиғими беш-олти литр бўлиб, сув соати ясаш учун унинг туби ёнламасига тешилган ва ингичка қамиш найча ўрнатилган. Сувни тақсимлаётганда кўза сувга тўлгазилиб найчадан оқизиб қўйилган. Кўзадаги сувнинг найча орқали батамом оқиб чиқиши учун кетган вақт «бир кўза» деб ҳисобланган. «Бир кўза»— 15 минутга тенг. Демак, бир ариқ-ға берилган «бир сув» 96 кўзага, 12 неча-кундузлик сув тақсимотида 1152 кўзага тенг келган.

Сув тақсимотини бошқарган ариқ оқсоқоли, яъни миров кимнинг навбати келса, бир кўза сувни ер бошига тўлдириб қўйган. То кўзадаги сув найчадан оқиб тамом бўлгунча, деҳқоннинг ери сувга тўйган ёки тўймаганлигидан қатъи назар, унинг ҳақи тамом бўлган.

Воҳанинг Чулмулкантлик, Тошкентлик, Саройлик ва бошқа қишлоқлар аҳолиси сув тақсимлашда «пой» усулидан фойдаланганлар, яъни вақтни мачит ёки дарахт сояларининг қисқариши ёки узайишига қараб белгилаганлар.

Қишлоқ оқсоқоллари ва миробларнинг экин майдонини «қўш» ҳисобида ҳар бир шохобнинг ҳиссасини — пойини белгилаб чиққанлар ҳамда навбати билан пой ҳисобида ҳар бир деҳқон ерига сув берганлар. Жиззах районидаги Навоий номли колхозда яшовчи Неъматжон ота Бўроновнинг берган маълумотига кўра, уларнинг бир ярим «қўш» арпа ва бир «қўш» бугдой экадиган ери бўлган. Тақсимот пайтида унга эрталаб бир ярим пой, кечқурун бир пой сув берилган. Демак, бир «қўш» ерга бир пой сув берилган.

Жиззах воҳасининг Ровотлик ва Токчилик қишлоқ аҳолилари сув тақсимоти даврида қўёш соати — «чивак» усулидан фойдаланганлар. Бу ҳақда атоқли ёзувчимиз Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асарида шундай дейилади: Бекариқ сув оқсоқоли Қоравой Аминнинг вақт ўлчайдиган бошқа «соат»и қуёш чиқиб турганда иш берса, иккинчи «соат»и қуёшсиз, ҳаво булут кунларда ёки тунда иш берар эди.

Қуёш соати — текис ерга доира чизарди. Доиранинг ўртасига қаламдек чўпни тикка қилиб қоқарди. Қуёш кўтарилганда, чўпнинг сояси ғарб томонда, вақт қиёмдан оққандан сўнг соя шарқ томонга ўрмалайди. Қоравой Амин қуёшнинг ана шу ҳаракатидан ҳосил бўладиган сояни чизиқларга бўлиб «соат» қилиб олган... Биз бир гала болалар тўпланиб эшикма-эшик «Суз хотин» айтиб, худодан ёмғир тилардик:

Ёмғирлар ёғсин,
Ўралар тўлсин,
Суз, хотин, суз, хотин.
Деҳқонларнинг уйи тўлсин,
Хоннотларнинг уйи куйсин,
Суз, хотин, суз. хотин.

Хонадонлардан ота-оналар чиқиб ёғоч «одам» устидан сув қуйишар ва «Худо, обло, денглар, болаларим, ёмғир ёғдир, бандаларингнинг раҳмини егин, деб худога роз айтинглар, зора сиз норасидаларнинг оҳи даргоҳи илоҳийга етса, оби раҳмат қуйиб, экин-тикин кўкарса», деб мунчоқ-мунчоқ кўз ёшларини тўкишарди...

Матрнархат даври қолдиқларини эслатувчи «Суз хотин» маросими ўрта осиёликларнинг зардўштлик (оташпарастлик) динидаги ҳосил маъбудаси Ноҳид — Анахитага сиғинишнинг шу кунларгача сақланиб қолган ақидаси эди. Бундан ташқари, ёмғир ёғдирш учун уйнинча тошбақаларни тўнтарар ёки оёғидан дарахт шохигами, ёғочгами осиб қўяр эди.

Табиат кучлари олдида ожизликни кўрсатувчи бундай маросим ва урф-одатлар халқ ўртасида

БОБО ДЕҲҚОН НИМА ДЕБ КЕТГАН?

Эҳтимол, баъзиларни ҳайвонлар ҳаёти, Ой ва Қуёш ҳолатига қараб, об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан билиш қизиқтирар.

Шундай қизиқишларингиз бўлса, келинг, мана бу китобларни биргаликда варақлайлик.

Бу икки китоб 1783 йилда Шофрикон туманининг Каттақишлоқ маҳалласида яшовчи Раҳматулло Абдураҳмон ўғли томонидан кўчирилган.

«Иршод уз-зироа»ни («Деҳқончиликка йўлланма») 1515 йили Ниёзий деган киши ёзган. Унинг айтишича, Ниёзий китобда бобо-деҳқонларнинг асрлаб тўпланган тажрибасини ўз даврининг мириқшкор деҳқонлари билан маслаҳатлашиб ёзган. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бобокалонларимиз деҳқончилик соҳасида зўр мутахассис, ишнинг кўзини биладиган бўлсалар-да, ўз билимларини, тажрибаларини жамлаб, бирорта китоб ёзиб қолдира олмаганлар. Шуни эътиборга олсак, Ниёзийнинг бу асари деҳқончилик тарихини ўрганиш соҳасида ҳам қўл келиши мумкин.

«Иршод уз-зироа»да нималар баён қилинган? Китобда бобокалонларимизнинг тупроқ хилларини қандай усуллар билан аниқлагани, ўғитдан қандай фойдаланишгани ҳақида кўпгина фикрлар бор. Уруғ танлаш ва экишга тайёрлаш, уруғ сепиладиган кун ва соатлар ҳақидаги маълумотлар диққатимизни ўзига тортади. Китобдан богдорчилик, гулчилик, пахтачилик, полизчилик ҳақида ота-боболаримизнинг қимматли маслаҳатларини билиб оламиз.

Иккинчи китоб шартли ном билан «Фан, нашф ва зироат» (Деҳқончилик ҳақида рисола) деб аталади. Китобнинг муаллифи номаълум. Ёзилган йили ҳам аниқ эмас. Котиб Раҳматулло Абдураҳмон ўғли бу китобнинг ёзилган йилини ва муаллифини билдириб турувчи охирги варағини негадир, кўчирмай қолдирган. Китоб шундай бошланади.

«Бу (китоб) деҳқон аҳли учун баъзи ишларни билишда лозим бўладиган қисқача қўлланмадир, у ўн икки бобдан иборат». Сўнгра китобнинг мундарижаси берилади. Китоб мундарижасининг ўзиёқ Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги тўғрисида бобо-деҳқонларимиз айтиб кетган қимматли фикрлар хазинаси эканини кўрсатиб туради.

Китобда ўсимликлар ва улардан фойдаланиш, ғаллани ўриш ва йиғиш, дарахт ўтқазиш, ток ўстириш, пайвандлаш, мева териш ва уни қуритиш, дарахтларни зараркунанда ҳашарот ва қуртлардан сақлашнинг ота-боболаримиз қўллаган (баъзилари ҳозир ҳам қўлланаётган) усуллари баён қилинади.

Бу асарлар форс тилида ёзилган. Бобо-деҳқонларимиз минг йиллар давомида тўплаган ва бизга ҳавола қилиб кетган тажрибалар маҳсули бўлмиш бу икки китобни шарқшуносларимиз таржима қилиб, ўқувчиларга тақдим қилсалар, фойдадан холи бўлмас эди.

Маҳмуд ҲАСАНОВ

Ҳар биримиз деҳқончилик билан озми-кўпми шуғулланамиз. Ҳеч бўлмаса, ҳовлимизнинг бир бурчагига гул экамиз, сабзи ёки редиска ўстирамиз. Балки, биров пайванд қилишга қизиқар. Олма дарахти танасидан ўсиб чиққан токнинг шиғил ҳосил қилганини кўрганмисиз? Дарахтни бир жойдан иккинчи жойга зарарсиз кўчириб ўтқазиш қоидалари сизни қизиқтирадими? Балки, уйингиздаги мевали дарахтларни зарарли ҳашаротдан сақлашга қийналаётгандирсиз?

кейинги вақтларгача сақланиб келса-да уларнинг меҳнаткаш халқ мушкулини осон қилиш учун ҳеч қандай нафи бўлмаган.

Жиззах воҳасини суғориш ва уни бошқариш ишларини қадимдан то асримиз бошларигача бош ариқ оқсоқоли, кичик ариқ оқсоқоли ва бандбон бошқариб келган. Сангзор системаси бўйича бош ариқ оқсоқолини ўрта асрларда беклар тайинлаган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан уезд бошлиғи тавсиясига кўра, вилоят ҳарбий губернатори тасдиқлаган. Бош ариқ оқсоқолининг вазифаси ерни сув билан таъминлаш, бузилган ва таъмир талаб этадиган тармоқларни ўз вақтида тузатиш, сув тақсимлаш ва кичик ариқ оқсоқоллари устидан назорат қилиб туриш бўлган. Бош ариқ оқсоқоллари ўрта асрларда бекликлар хазинасидан, Россия ҳукмронлиги даврида эса Жиззах уезди маъмуриятидан маош олган.

Кичик ариқ оқсоқоли ҳар бир ариқ сувидан фойдаланувчи аҳоли томонидан сайланган. У бош ариқдан ўзига қарашли ариққа сув бўғлаб олиш ва уни аҳоли ўртасида тақсимлаш ишини юритган. Бундан ташқари ўз қарамоғидаги ариқларни баҳор ва куз мавсумида лойқадан тозалашни, таъмир қилишни ташкил этган, суғориладиган ерларни «кўш» ҳисобида аниқлаб чиққан.

Бандбон — ҳар бир ариқ бошидаги тўғонларнинг назоратчиси бўлиб, ариқ сувларидан фойдаланувчи аҳоли томонидан сайланган.

Кичик ариқ оқсоқоллари ва бандбонлар ўз вазифасини сунистеъмол қилса, жамоа йиғилишида ишдан олиб ташланган. Уларга муайян маош тайин этилмас ва ўз хизматлари эвазига йилнинг охирида аҳолидан «капсан» олар эдилар. (Капсаннинг миқдори аниқ эмас эди, деҳқоннинг ғалвир тўла дон ва қучоқда сиққанича пахта берган вақтлари ҳам бўлар эди).

Хуллас, Жиззах воҳасининг аҳолиси сув тақсимлаш ва ундан фойдаланиш ишларини ўз ихтиёрига олган, сув-вақт ҳисобида тақсимлаган. Вақтни белгилашда оддий «сув соат»и — кўза, пой ва чивак усулини қўллаганлар. Бу юмушларни бошқариш ва ташкил қилиш бош ариқ оқсоқоли, кичик ариқ оқсоқоли ва бандбонлар гарданида бўлган. Техника жиҳатидан қолоқ, ҳукмрон синфлар томонидан асрлар бўйи эзилиб келган воҳа деҳқонларининг сув ҳақидаги эзгу орзу-умидлари фақат Октябрь инқилоби ғалабасидан сўнггина рўёбга чиқди.

Саид АНОРБОЕВ,
тарих фанлари кандидати

Фактлар, воқеалар

«ХАНДОН ЛОЛАЛАР»НИ ЎҚИГАНМИСИЗ?

Бу савол аслида Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида туғилди. Самарқанд университетининг бир гуруҳ талабалари эски қўлёзмалар, адабиёт тарихига оид бошқа материаллар билан танишмоқда эдилар. Группа раҳбари, филология фанлари кандидати Жўра Аҳмаджонов бирдан «Хандон лолалар» ҳақида гапириб қолди.

— Олиб ўқинглар, яхши китоб.

— Албатта, ўқиймиз, автори ким, домла?

— Абдулҳамид Мажидий... Эшитганмисизлар?.. Ҳажвий шеърларида «Абутанбал» тахаллусини ишлатган. «Машраб» журналига редакторлик қилган, «Муштум»да ишлаган. Унинг шеърларини ёд билмаган китобхон кам эди бир вақтлар. Мен ҳам бир ҳажвий ғазалини биламан. Мана эшитинглар:

Пусиб кунжакда ғингшишни эшон, муллодан
ўргандим,
Қусиб извошда инжишни «Харес» винодан
ўргандим...

Бурут шопдай, ўғиз қопдай, дағал-дўққи
гапирмоқни
Мулойимлик раҳини билмаган аъмодан ўргандим...
Ажалдан беш кун аввал нечтанинг жонини
олмоқни
Қасам Азроила берган табиб хумсодан ўргандим...

Эртасига студентлар «Хандон лолалар»ни топиб келишди. Китоб куни бўйи қўлдан-қўлга ўтиб юрди. Студентларга қайси бир шеър маъқул бўлса, ўша заҳоти бир ўртоғи ёнига келиб: «Мана бунисини қара» деб, шеърни ўқиб берарди. Айниқса, хотин-қизлар озодлигига қарши чиққан шахсларнинг характерларини кутилмаган деталлар ёрдамида фош этган «Суҳбат» шеъри студентларда катта қизиқиш уйғотди.

Шеърда хотин-қизларнинг паранжи ташлашини ҳаёсизлик деб тушунган мулла Нурхон исмли шахс масхара қилинади. Шеърий суҳбат давом этган сари мулла Нурхоннинг худбин, бачкана, калтафаҳм шахс эканлиги тасдиқланаверади. Шоир персонажнинг характеридан келиб чиқиб, уни «Шўр гузарлик шохи йўқ катта ҳўкиз» деб тасвирлайди. Чунки у икки қизини сандиққа солиб, қишлоққа олиб кетиш билан «Ҳужум» «машмаша»сидан қутқазиб қолмоқчи бўлади.

«Хандон лолалар»даги шеърлар юморга бой, содда тилда ёзилган. Китобдаги «Суҳбат», «Очамиз», «Фол офтобоси» каби шеърлар саҳна учун мўлжалланган бўлса керак, кескин диалоглар билан сайқал топган, маълум воқеа, мукаммал композицион қурилиш ва сюжет чизиғига эга.

Персонажларнинг кўпи реал шахслардир. Масалан, қори Мамат, мулла Нурхон, Ҳоди тоғо, Ғулом пашша, Тешавой ака, Кўр Ашур, Ургут эшон, Сано Ҳожи, Шер мирза, Саидқул, Арман ғоға, Ҳожи Азиз, Шукруллабой, Розиқбой, Қамар сассиқ, Мулла Хайри, Ражаббой, Бойбўлат, Жавдат Раҳмонов каби маҳаллий буржуазия вакиллари, бой ва муллаларнинг деярли барчаси Каттақўрғонда совет тузуми, социал ўзгаришлар ривожига монелик кўрсатганликлари учун шоирнинг сатирик қаламига дуч келган шахслардир.

Абдулҳамид Мажидийнинг «Хандон лолалар» ҳажвий шеърлар тўплами 30-йиллар китобхонларини ғоят мамнун этган эди. У биринчи ўзбек сатирик шеърлар тўплами бўлганлиги учун эмас, балки ундаги шеърлар замонанинг муҳим масалаларини юксак бадиият билан ифода этганлиги, китобхоннинг маънавий эҳтиёжини қондира олганлиги, оммани қайта тарбиялашда зарур ва керакли асарлар бўлганлиги туфайли ўз даврида катта шуҳрат қозонган.

Самариддин СИРОЖИДДИНОВ

Қуйида «Фан, кашф ва зироат» китобидан парчаларнинг таржимасини келтирамиз.

Китобдаги фикрларнинг ҳаммаси ҳам илм ва тажрибага тўғри келавермаслиги мумкин. Лекин бизни ўша вақтларда ҳам зироат фанининг бошланғичи — бу ҳақда ёзма адабиёт пайдо бўлганлиги қизиқтиради.

ҲАВО ВА ЁМҒИР

Ой учинчи ёки тўртинчи тунда ёрқин ва соз бўлса, ўша тунда, кейинги тун ва кундузи ҳаво очиқ келади. Агар қизғиш кўринса, давомли ёмғирдан далолатдир. Мабодо, хира кўринса, у ёғингарчилик аломатидир. Агар ой учинчи ёки тўртинчи тунда кенгроқ кўринса ва ҳаво ғуборли бўлса, бу ёмғирдан дарак беради. Ёмғирнинг бошқа аломатлари ҳам кўп, овқат пишгандан кейин, қозон остида учқун кўп бўлса, товуқ ўзини титкилайверса, хўроз кўп қичқирса, эшак оғирлигини бир оёғига ташлаб турса, бўрилар қишлоққа оралаб қолса, сичқон иннига йиққан нарсаларини ташқарига чиқариб ташласа, буларнинг ҳаммаси ёғингарчилик аломатидир.

Ойнинг аввалги кунларида ой сиртида қизғишлик зоҳир бўлса, қаттиқ совуқ бўлади. Ҳашаротларнинг ўз уясида кўп чириллаши, қўйларнинг ўтлоқда осмонга сакраши, чироқ ёқилган бўлса ҳам, уйнинг қоронғига ўхшаб кетаверириши ёғингарчилик аломатидир.

ДАРАХТ ЎТҚАЗИШ ВАҚТИ

Дарахт ўтқазиш вақти мезон (сентябрь)нинг ярмидан то апрел (октябрь) ойи охиригачадир. Агар бу вақтда ўтқазишга муяссар бўлинмаса, ҳут (март) ойи бошидан то ҳамал (апрель) ойигача ўтқазиш мумкин.

Кузда ўтқазилган дарахт сертомир бўлади. Дарахт ўтқазилаётганда ой маҳокда (эски ой тугаб, янги ой чиқмаган пайтдаги қоронғуликда) бўлиши керак. Бу пайтда ўтқазилган дарахт кўп мева қилади ва жуда баланд ўсади. Дарахт ойдин кечада экилса ҳам баланд ўсади, аммо оз мева қилади.

УРУҒМИ ЁКИ КЎЧАТДАН!

Писта, бодом, олхўри, ёнғоқ, шафтоли, ўрик ва хурмо уруғдан кўпайтириладиган дарахтлардир. Уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазиш мумкин. Олма дарахтини шохчасидан кўпайтириш мумкин. Аммо, шохни қўл билан шундай синдириб олиш керакки, шохда қовзоқлар осилиб турсин. Ана шу ҳолда экилса, кўклайди. Сўнг уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин. Бодом, олхўри, олма, беҳи дарахтларини ниҳолдан ҳам кўпайтириш мумкин. Баъзи дарахтларнинг шохи синдириб олинмай, кесиб олиниб экилса ҳам кўклайверади. Бундай дарахтлар тут, зайтун, анжир, анор, беҳидир. Писта ва хурмо уруғи ва ниҳолдан ҳам кўкаради.

НИҲОЛЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Ниҳол кузда ўтқазилса, йигирма кун ўз ҳолига қўйилади. Сўнг ости юмшатилади. Ёзда суғоришни унутмаслик керак. Ер қуриши билан суғоринг. Ниҳолнинг қуйи қисмидан танасидан шохчалар ўсиб чиқса, қўл билан юлиб олинади. Унга тиғ тегизмаслик керак. Ниҳол икки ёшли бўлмагунча тиғ тегизмаслик зарур. Акс ҳолда, у заиф бўлиб қолади. Лозим бўлса, ниҳол ўзини тутиб олгунча, унга тиргович қўйилади.

УРУҒ ОЛИШ

Мева териб олингач, сояда, хашак остида қуритилади. Сўнг дони олинади. Уни истаган ерга экиш мумкин. Кўкариб чиққунча сув қуйиб турилади. Ниҳол икки ёшли бўлмагунча, бошқа жойга кўчириш мумкин эмас. Баъзи дарахтлар уруғидан ана шу тариқа кўпайтирилади. Аммо зайтунни бу йўл билан кўпайтириб бўлмайди.

ДАРАХТНИ КЎЧИРИШ

Аввал дарахт ўтқазиладиган жой ковланади. Сўнг кўчатнинг ортиқча шохлари ва томирлари кесиб ташланади. Кўчатни чуқурга ўрнатганда томир ёки шохлар бир-бирига ўралиб қолмаслиги керак. Кейин бироз гўнг солинади. Чуқурдан чиққан тупроқ билан кўмилади. Шамолда қимирламаслиги учун дарахт танасига уч томондан тиргович қўйилади. Сув тўлдирилган иккита катта кўзани томирга яқин жойга ўрнатиб, остидан жуда кичик тешик очилади. Ундан сув сизиб чиқиб туради. Икки ойгача, сув камайиши билан тўлдириб турилади. Икки ойдан сўнг одатдагича суғорилади.

ДАРАХТЛАРНИ ПАЙВАНД ҚИЛИШ

Олма шохини олхўрига пайванд қилинса, олмаси қизил бўлади. Ёнғоқ шохини бошқа дарахтларга пайванд қилиб бўлмайди. Лекин ёнғоқ дарахтига бошқа дарахт шохларини пайванд қилиш мумкин. Шафтоли шохини олхўрига, ўрикка, олмага ва беҳига пайванд қилиш мумкин. Ҳамма дарахтларнинг беҳига майиллиги бор. Баъзиларнинг айтишича, зайтун дарахти токка мойилдир.

САБЗАВОТЛАР ҲАҚИДА

Салоқ, уни чўғиндар (лавлаги) дейдилар. Агар сочни лавлаги баргининг шираси билан ювилса, сирка ва қичишишни йўқотади. Агар лавлаги баргининг ширасини куйдирилган мумга аралаштириб бодга суртилса, бодни бартараф қилади. Бу малҳам песга ҳам шифо бўлади. Яна бу малҳамни соч тўкилган ерга суртилса соч чиқаради.

Форсчадан **Маҳмуд ҲАСАНОВ**
таржимаси

Юсуф ШОМАНСУР

Ранглар нинг уруғи

Баллада

Қани, ўйлаб қаранглар,
Қайдан келмиш бу ранглар!
Оқ рангнинг оқлиги
Қандай туғилган!
Барглар яшил рангга
Қандай йўғрилган!
Камалакнинг етти рангини,
Етти рангнинг етмиш хил
Беовоз жарангини
Мумкин қандай изоҳлаш!
Мумкинмикан хаёлни,
Қўлсиз,
Оёқсиз,
Бўйинсиз,
Шўх хаёлни тузоқлаш!
Ҳар ким ўз хаёлин мевасини
Яратур
Рангларнинг уруғидан.
Мен эса, боргумдир шаксиз
(Ўйлайманки, ярашур!)
Шеъримнинг йўрғидан:
Йигит бўлган бир вақтлар
Ва ёнида қиз бўлган.
Олам эса, ҳозиргидай алвонмас,
Рангсиз бўлган, бўз бўлган.
Кўкда эса, етти рангли камалак эмас,
Ярим гардиш из бўлган.
Йигит қизнинг кўзларига тикилган,
Оҳ тортиб кечалари.
Қиз бўлса, на қиё боққан,
На бир эътибор қилган,
На қимир этган осойишта мижжалари.
Йигит келиб охири дилбарининг ёнига,
Бир сўз айтган шаънига.
Шунда пайдо бўлган ширин жимирлаш
Нозанининг томир-томирларида.
Шунда йигит юрагини ўртагану бир оташ,
Туролмаган ортиқ нарида.
Шартта келиб қизнинг ёноқларидан
Ўпиб олган олов лаб билан.
Қизнинг юзи муҳаббатдан, ҳаёдан
Лов этгану қизарган.
Шундай қилиб, дунё ўзгарган.
Йигит дарров
Кўкка қўл чўзиб,
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга
Қўйган қизил ранг чизиб.
Уйлаганки, қайтарилмас бу ҳолат:
Шунинг учун шакл топсин,
Ранг топсин
Муҳаббатдан туғилган бу ҳарорат.
Камалакнинг шу илк рангига қараб
Қамашган қизнинг кўзи.
Бу ҳодиса рўй берди қай вақтда!
Шу савол сабаб
Иккисининг хаёли тўзди.
Етаклашиб ўтдилар.
Тошма-тош,
Қояма-қоя.
Муҳаббатнинг фаслига ранг излаб
Бош —
Қотирдилар бениҳоя.
— Мана!— деди охири қиз.
Тупроқни қоқ ёриб,
Бош кўтариб турарди ялпиз,
Узиб олди йигит сувнинг бўйига бориб.
— Оҳ!— деди қиз,—
Нима қилиб қўйдинг!!
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга
Яшил рангни чизиб қўйди тез.
— Мана,— деди,— севги фаслининг ранги.
Энди
Учмайдиган бўлди умрбод.
Йигит кулди шод.

Шундан кейин ялпиз рангини
Бошқа кўкатларга таратди.
Бошладию меҳнат, муҳаббат жангини
Кўпайтирди бу дунёда яшил дарахтни.
Севги фасли шундай абадийлашди;
Ранги яшил бўлиб, давом этди гуллашда!
Вақт ўтди.
Вақт ўтди.
Ҳар дақиқа нақд ўтди.
Йигит қизни, қиз йигитни
Мана шундай
Сева берди, сева берди.
Севгилари оқибатда
Мева берди:
Типирчилаб дунёга келди иссиққина жон.
Ошиқларда ҳаяжон:
Хўш, бунинг сабабини, рангини
Қандай этмоқ мумкин ифода!
Бузганича сукутнинг тинч оҳангини
Аллақандай шивир билан ўтди шаббода.
Типирчилар мурғак жон,
Ошиқларда ҳаяжон...
Сўнг она гўдакни ялангоч ҳолда
Ўтқазди-да кафтига,
Узоқ замон тикилиб қолди
Фарзандининг афтига.
Кейин битта қўлин кўкка чўзиб,
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга
Оқ рангни қўйди чизиб,
Отаси ҳам рози бўлди бу ишга...
Вақт ўтди.
Вақт ўтди.
Ҳар дақиқа нақд ўтди.
Эмаклаган дўмбоққина бола бечора
Кулмай қўйди.
Сўлиб борди тобора.
Хоҳ кундузи, хоҳ туни
Парвонадир ота-она боласининг бошида.
Бошларини, сочларини силар эди хотини,
Эри эса этдан тушди
Боласининг ҳар инграшида.
Киртайди-да кўзлари,
Оппоқ гўдак ўзгарди.
Бу нимадир, бу нима!
Юраклар қийма-қийма...
Қани гўдак оқлиги,
Оқлиги ва поклиги!
Ҳолсиз гўдак рангига қараб-қараб
Эру хотин ботди ташвишга.
Заъфарон ранг чизиб қўйдилар, ё раб,
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга.
Мана шундай рангларнинг уруғи,
Маънаси,
Ташвиши,
Йўриғи
Пайдо бўлди илк марта
Юракда.
Сўнг камалакда.
Сўнг капалакда,
Қизлар тиккан палакда
Етиб келди бизнинг замонга қадар.
Гулга қадар, чаманга қадар,
Шундай, рангларнинг маънаси инсондан
Бошланди.
Инсондаги қирмизи қондан
Бошланди.
Қизнинг қонидаги қизил ранг кўчиб
Ўтмасайди ҳув ўша вақт ёноқларига,
Муҳаббати бенишон ўчиб,
Сабабчи бўлмасди йигит ҳам
Дунёнинг шодлик ва қайғу
Аралашган бўёқларига.

«Сирдарё ГРЭСи — азим дарё қувватн ва инсон қудратидан яралган муҳташам нурхона. Тарих бундай йирик сув иншоотини кўрмаган. Ана шундай улкан қурилишда қатнашган кишининг армони бўлмаса керак. Мен ҳам шу нурхона қурувчилари сафида бўлишни орзу қиламан. Бу йил ўрта мактабни тугатгач, ҳунар-техника билим юртига кириб, монтажчилик касбини ўрганаман. Кейин Сирдарё ГРЭСига... Одил Лутфуллаев. (10-синф)».

«Мен таржимон бўлмоқчиман. Бу касбни танлаганимнинг сабаби бор. Маълумки, сўнгги йилларда Тошкентда кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Республикамиз пойтахтига кўпгина чет мамлакатлардан меҳмонлар келиб туради. Мен чет эллик дўстлар билан уларнинг она тилида суҳбатлашишни истайман. Шунинг учун ҳам мактабни тугатгач, чет тиллар институтининг немис тили факультетига ўқишга кирмоқчиман. Мавлуда Комилова. (9-синф)».

«Бувайдалик коммунист аёл, Фарғона область Советининг депутати Ўлмасой Деҳқоновага ҳавасим келади. У онаси Зулайҳо аянинг изидан бориб, пахтакорлик касбига меҳр қўйган. Кунига 400 килограммга етказиб пахта тераркан. Бир мавсумда 20 тонналик хирмон кўтарибди. Сўнгра бригадага бошчилик қилиб, 94 гектар қўриқ очибди, ундан 1370 центнер дур ундирибди. Ўлмасой Деҳқонова СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин ва кумуш медаллари билан тақдирланган. Ўлмасой Деҳқоновадай Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени олишга муяссар бўлган пахтакор бўлишни орзу қиламан. Дорилфунунним — Қишлоқ хўжалиги институти, меҳнат майдоним эса колхоз даласи бўлсин! Зуҳра Мираҳмедова (8-синф)».



5-синф ўқувчиси Неъмат Охунжонов дурадгорлик касбини эгалламоқда.

Ушбу мақоламизни ўрта мактаб ўқувчиларининг иншоларидан парчалар келтириб бошлаганимизнинг боиси бор. Шу парчаларда катта ҳаёт йўлига қадам қўяётган умидли ёшларимизнинг юрак сўзлари жаранглаб турибди. Ёшларимизнинг меҳнатга, касб-ҳунарга меҳри нақадар кучли эканлигидан чексиз фахланамиз.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг «Республикамизда ёшларнинг касб танлаш ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида» чиқарган қарорида ёшларнинг келажагига, ҳаётда муносиб ўрин топиш орзусига катта эътибор берилган. Ёшларнинг келажакда ким бўлиб етишиши, қандай касбни эгаллаши аввало уларнинг тарбиясига боғлиқ. Бу ишда умумий ўрта таълим политехника мактаблари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Пухта ўйлаб, севиб танланган касб — коммунизм моддий-техника базасини бунёд этиш ишига ёшларимизнинг қўшган ҳиссасини ўлчайдиган туб мезондир. Касб танлашда тасодифий хатоларга йўл қўймаслик керак. Ёшларнинг касб танлашга интилишини тарбиялашда ҳам болаларнинг ўз майлларини, орзу-истакларини ҳам жамият манфаатларини назарга олиш керак. Ҳар бир боланинг касб танлашида ота-оналарининг шахсий намунаси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ота-оналар

Истиқбол эгалари

СЕВИБ ТАНЛАНГАН КАСБ

Пойтахтимиздаги 154-мактабда ишлаб чиқариш таълими яхши йўлга қўйилган. Мактаб слесарлик устахонасида кекса муаллим, собиқ темир йўл машинисти Георгий Саутов машғулот олиб боради. Суратда: Георгий Никанорович шогирди, 6-синф ўқувчиси Собит Қиргизбоев ясаган буюмни текшириб кўрмоқда.

аввало ўз фарзандларида ёшлигидан бошлаб бирор касбга ҳавас уйғотишлари, фарзандлар эса танлаган касбларидан маънавий қониқишлари керак. Ер юзидаги барча ноз-неъматлар инсон меҳнатининг самараси эканини ҳар бир бола ёшлигиданоқ англаши ва улғайгани сайин бу ишга онгли равишда улуш қўшишга интилиши зарур. Шундагина у меҳнат маҳсулини ҳам, меҳнаткашни ҳам қадрлайдиган бўлади. Зўраки танланган, болага маъқул тушмаган касб умрнинг эгови бўлади. Бу шахсга ҳам, жамиятга ҳам бирон наф келтирмайди.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтмоқчимиз. Тошкентдаги бир ўрта мактаб ўқувчиси Мирзачўлга бориб механизаторлик қилмоқчи эканлигини ўқитувчисига айтади.

Уша пайтда Мирзачўлни ўзлаштириш масаласи жиддий аҳамият касб этган, партия ва ҳукуматимиз унга доир бир неча қарор қабул қилган эди. Устоз унинг ниятини маъқуллайди. Лекин ҳозирги замон қишлоқ хўжалик техникасини мукаммал билмай туриб, яхши мутахассис бўлиш мушкул эканлигини уқтиради.

Орадан бир қанча йил ўтгач, ўқитувчи ўша шогирдини учратиб қолади.

— Ишлар қалай? Мирзачўл ёққанга ўхшайди!— дейди у.

— Ойим розилик бермадилар. «Ёлғиз фарзандимни иссиқ бағримдан узоқ Мирзачўлга қандай юбораман», деб оёқ тираб туриб олдилар,— дейди хижолатдан ер чизиб йигит.— Дадам қўярда-қўймай политехника институтига киритиб қўйдилар. Бу ўқиш менга ёқмади. Институтни ташлаб кетдим. Кейин уйлантиришди. Ҳозир тўрт фарзандим бор.

— Нима иш қиляпсан?

— Дуч келган ишни...— дейди йигит хўрсиниб.— Олдин қурилишда ишладим. Қассоблик қилдим. Магазинда сотувчи, кабобпазлик... Хуллас, ўн бештача идоранинг эшигини қоқдим.

Бундай кўнгилсиз воқеалар, гарчанд онда-сонда бўлса-да учраб туради. Баъзи ота-оналар фарзандларининг ўзлари севган касблари бўйича ишлаб, жамият учун наф келтиришларига тўсқинлик қиладилар.

Ота-оналар ўз фарзандларини қанчалик севсалар, улар танлаган касбни ҳам шундай ҳурмат қилишлари керак. Шундагина фарзандининг ўз касбига муҳаббати ортади ва бу касбни пухтароқ ўрганишга астойдил киришади.

Тошкент шаҳридаги 154-ўрта умумий таълим мактабининг коллективи ўқувчиларнинг келажакда қандай кишилар бўлиб етишишлари тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилмоқда. Ўқитувчилар ўқувчиларга фан асосларини чуқур ўргатиш, коммунистик ахлоқ нормаларини сингдириш билан бирга ўқувчиларнинг интилиши, қобилиятига қараб касб танлашга ўргатмоқдалар. Бултур мактабни тамомлаб чиққан ўқувчилардан ўттиз беш киши Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртларида таълим олмоқдалар. Улардан тўрт киши автослесарлик, тўрт киши санитария-техника асбоб-ускуналарини монтажловчи, икки киши машинистлик касбларини эгаллашмоқда. 10-синфни битирган қирқ беш ўқувчи электротехника, электролампа заводларида, «Қизил тонг» фирмасида, савдо шохобчаларида меҳнат қилмоқда. Улардан яна бир қисми шофёрлик касбини эгаллаган.

Мактаб маъмурияти ва педагоглар коллективи Ленин районининг 3-автокомбинати, 3-темир-бетон маҳсулотлари заводи, «Қизил тонг» тикув фирмаси ҳамда электролампа ва электротехника заводи коллективлари билан яқиндан алоқа боғлаган. Шу корхоналарга бир неча марта экскурсиялар ташкил этилди. Завод, комбинат ва фирма коллективларининг вакиллари тез-тез ўқувчилар меҳмони бўлиб турадилар. Мактабда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади. 6-темир-бетон маҳсулотлари заводининг бош инженери Суннат Ғайбуллаев ўқувчиларга заводда «Темир-бетонлардан фойдаланиб тез, сифатли қуриш ва Тошкент метроси қурилишининг буюртмалари» деган мавзуда кўргазмали суҳбат ўтказди. Бу суҳбат ўқувчиларда яхши таассурот қолдирди. 1972 йил арафасида мактаб коллективи «Ишчи номини улуғлаймиз» деган мавзуда кеча ташкил этди. Кечага 22, 31, 34, 89-ҳунар-техника билим юртлари ва Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги билим юртидан меҳмонлар таклиф этилди. Меҳмонлар орасида мазкур мактабнинг собиқ талабаларидан Ленин район Советининг депутати, маиший электр асбоблари заводининг йиғувчиси Муҳаббат Мирзаева, «Қизил тонг» фирмасининг тўқувчиларидан Жамила Ортиқова ва Маҳсума Тожибоева бор эдилар. Улар завод ва фирмадаги меҳнат шароитлари, ёшларга берилган имтиёзлар тўғрисида сўзладилар. Бошланғич комсомол комитетининг секретари А. Азимов мактабни битиргач, 34-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кириб, электрпайвандчилик касбини эгаламоқчилигини айтди. Одил Лутфуллаев монтажчи бўлиш, Эътибор Эшматова электролампа заводига ишга кириш истагини билдирдилар. Абдуғани Норқўзиев — шофёр, Маҳмуд Охунжонов — домна печи инженери, Илҳом Пўлатов — агроном, Рустам Олимов эса киномеханик бўлиш ниятида эканликларини изҳор этдилар.

Мазкур ўқув йилининг биринчи ярмида мактабнинг 4—10-синфларида таҳсил кўрган 812 ўқувчидан «Мен келажакда ким бўлмоқчиман?» ва «Меҳнат кишини улуғлайди» мавзуида иншо ўтказилди. Савол-жавоб анкетаси йўли билан олинган маълумотлар қуйидагича: бўлғуси ишчилар — 348, фазокорлар 51, ҳарбий мутахассислар — 26, рассомлар — 23, актёрлар — 28, врачлар — 99, ўқитувчилар — 100, журналистлар — 2, юристлар — 4, кон инженерлари — 15, археологлар — 9, мураббиялар — 22 ва бошқа касб эгалари — 85 ўқувчи. Анкетадан маълум бўлишича, ўқувчиларнинг 43 проценти ишчи касбини танлаган. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг республикамизда миллий ишчи кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлигига муносиб жавобдир. Яқин келажакда миллий ишчи кадрларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқажак.

Ғ. АЗИМОВ,
А. МУСЛИМБЕКОВ

Мактабдаги ишлаб чиқариш таълими ишларига 6-темир-бетон конструкциялар заводи оталиқ қилади. Суратда: мактаб муаллими Вера Григорьевна Яушева завод бўйлаб экскурсия вақтида 7-синф ўқувчилари билан касб танлаш юзасидан суҳбат ўтказмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

ПЛАСТИК ТАСВИР САНЪАТИ

Хайкалтарошлик санъатига мансуб пластиклик термини кўпинча бадиий адабиётга ҳам нисбат берилади, адабиётшуносликда асарларида «пластик тасвир», «прозанинг пластиклиги» ибораларини тез-тез учратиб турамиз, ҳатто, «адабиёт — сўз санъати воситасида пластик тасвирлаш санъатидир» деган таъриф ҳам бор.

Дарҳақиқат, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, рассомлик санъати билан сўз санъати, хусусан, реалистик адабиёт орасида муайян яқинлик, муштараклик бор. Реализм, реалистик ижод типи бошдан-охир кўрсатишга, «нарса ва ҳодисалар тили билан гапириш»га асосланади. Атоқли рус ёзувчиси М. Пришвин бу ҳақда шундай деган эди: «Реализм — моддийликдир, агар у сўзга татбиқ этиладиган бўлса, реалист ёзувчининг сўзи шунчаки пуч гап эмас, балки моддийлашган ҳаёт ҳақиқати демакдир». Қисқаси, тасвир учун олинган ҳаёт ҳақиқатини — персонажлар қиёфаси руҳиятини, уларнинг фаолияти намоён бўладиган фон — муҳитни худди ҳайкалтарошлик, рассомлик асарларидаги каби яққол кўрсатиш, гавдалантириш реалистик ижод типининг энг муҳим хусусияти ва шартни саналади.

М. Горький реалистик ижоднинг бу хусусиятини юксак қадрлар, классикларнинг бу борадаги маҳоратига тан берар, совет ёзувчиларини улардан ибрат олишга, ўрганишга ундар эди. «Улар пластик тарзда ёзар эдилар,— дейди адиб,— уларнинг ихтиёрида сўз бамисоли лойнинг ўзи — улар худога ўхшаб лойдан кишиларнинг қад-қомати ва сиймоларини ақл бовар қилмайдиган даражада ҳаётий қилиб яратар эдилар. Уларнинг китобларини ўқиганингда сўз сеҳри билан жон ато этилган қаҳрамонлар гўё ёнгинангда тургандай, сени қуршаб олгандай бўлади, сен уларнинг изтиробларини бутун вужудинг билан ҳис этасан, уларга қўшилиб куласан, йиғлайсан, уларни севиб қоласан, ё аксинча улардан нафратланасан, уларнинг овозлари сенга эшитилиб туради, кўзларидаги шодлик жилваси ёки мусибат ёшини кўриб турасан, сен улар билан ҳамнафас бўлиб жонажон дўст тутинасан ё ёқтирмай ўзингдан узоқлаштирасан, буларнинг барчаси ҳаётнинг ўзи каби машаққатли, бироқ ҳаётга нисбатан тушунарли ва гўзалроқдир».

Рус реалистларининг мана шу сеҳрли санъати ўзбек реалистик прозаси усталарининг эътиборини ҳам ўзига тортди. Чунончи, Абдулла Қодирий А. Чеховнинг «Хамелеон» ҳикоясини таҳлил қилиб, унинг кўрсатиш санъатига қойил қолган эди. Абдулла Қаҳҳор «Биринчи домлам» мақоласида Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович билан қандай уришиб қолганлиги ҳақида қисса» асари билан танишиш «...мени янги бир оламга, китобга эмас, ҳаёт, одамларнинг товуши эшитилиб, қиёфаси яққол кўриниб турган, уларнинг ички дунёсини ойнадай акс эттирган адабиёт оламига етаклади», деган эди. Адиб Гоголнинг пластик тарзда тасвирлаш санъати ўзи учун мактаб бўлганлиги ҳақида тўхталиб, шундай дейди: «Гоголнинг зеҳнимда умрбод қолиб кетган образларидан бири Тарас Бульба бўлди: барваста, бақувват, иродаси темир, ўртоқларига меҳрибон, душманга беомон бўлган бу чол кўз олдимдан сира кетмайди, ҳамма вақт худди яқиндагина нўрганга ўхшаб турраман. 1941 йилда немис босқинчилари Украина тупроғига бостириб кирган куни, назаримда, Тарас Бульба бақириб, сўкиниб, хиёнаткор ўғлини ўз қўли билан ўлдириб, икки ёндан ниятигача осилиб тушган мўйлови хиёл титраган ҳолда, қўлига қурол олиб душманга қарши чиқиб кетаётгандай бўлди.

Ватан уруши йилларида битилган «Асрорбобо» ҳикоясини ёзишда мен «шу ерда туриб Берлинга ўт қўяётган» Асрорбобо Тарас Бульбанинг Узбекистондаги ўртоғи бўлиши керак, деб қўлимга қалам олган эдим».

Рус ва жаҳон реалистларининг бой тажрибалари адабиётимизда тезликда ўз самарасини кўрсатди. Ўзбек реалистик прозасининг нодир намуналари бўлиб қолган «Ўтган кунлар», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Навоий» каби романлар, Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг қисса ва ҳикоялари энг аввало бениҳоя ҳаётийлиги, тасвирнинг пластиклиги билан ажралиб туради. Бу асарларни ўқиганда Отабек билан Кумуш, Саидий билан Мунисхон, Йўлчи билан Гулнор, Навоий билан Бойқароларни ҳаётнинг ўзида кўргандек бўламиз. «Ёдгор»даги ёзнинг иссиқ кунида торгина, тупроқли боғ кўчада хиргойи қилиб кетаётган чуст дўппилик, белига шоҳи қийиқ боғлаб, хром этик билан сурп яктак кийган кўнси очиқ, соддадил, бироз чапани йигитнинг қиёфаси бир умр хотирда қолади. Кўчада унга дуч келган шўх-шаддод аёлнинг жамоли, лабларидаги ним табассумнинг ёввойи ишлари, нур иссиғидан буғриқиқан анор юзи, бурун учлари, шабнамдай тоза тер томчилари шундайгина кўз ўнгимизда туради, рўмолчасидан таралган қалампир мунчоқ ҳиди димоғимизга урилгандай, хилватгоҳдаги ҳақиқаҳаси қулоғимиз остида янграб кетгандек туюлади... «Ўғри»даги персонажлар қиёфаси, ҳолати нақадар аниқ. Бошга тушган кулфатдан ўзини йўқотиб оғил эшиги ёнида ялангбош, ялангоёқ, яктакчан даг-даг титраб, тиззалари букилиб-букилиб, кўзлари жавдираб турган Қобил бобо, унга ёлғондан далда бераётган бурунсиз элликбоши, уни калака қилаётган, қаттиқ кекириб, сўнг баҳбақасини осилтириб кулаётган танқабур амин — барчаси бор бўйича кўз олдимизда намоён бўлади...

50-йиллар охири ва 60-йиллар ўзбек прозасида биз хилма-хил изланишларнинг гувоҳи бўлдик. Шу йиллари жонланиб кетган лирик ва лирик-романтик услубий тенденция инсон қиёфаси тасвирида муайян ўзига хослигини келтириб чиқарди. Очиғи, шартли, бироз кўтаринки романтик услуб айрим ҳолларда одамларнинг реал қиёфаларини аниқ тасаввур этишга монелик қила бошлади: «лирик проза»нинг ўша йилларда майдонга келган талай намуналарида эса зўр илҳом ва эҳтирос билан тасвирланган қаҳрамонлар кўринишсиз бироз мавҳум, биз уларнинг ҳаёти, ишлари билан танишамизу лекин қад-қомати, қиёфасини аниқ кўз олдимизга келтиролмаймиз. Ҳодисаларни «холис», ўз ҳолича беришга асосланган изчил реализмга мансуб асарларда ҳам бирёқламаликлар содир бўлди. Чунончи, баъзи авторлар воқеликни кўрсатиш йўлидан бораман деб пластик тасвирнинг дастлабки босқичидан нарига ўтолмадилар, яъни фақат кўрсатиш билангина чекланиб қолдилар. Ҳолбуки, пластик тасвир санъати кўрсатиш билан баробар ҳодисалар МОҲИЯТИНИ, ҚАҲРАМОНЛАР ҚАЛБИНИ чуқур таҳлил этиб беришни, катта БАДИИЙ УМУМЛАШМАЛАР яратишни ҳам тақозо қилади.

60-йиллар ўзбек прозасида шу талабларга жавоб берадиган асарлар анча. Бу ўринда фақат шулардан бирига — яна Абдулла Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртаклар» қиссасига эътиборни жалб этмоқчиман.

«Ўтмишдан эртаклар»да бир қанча мукаммал характерлар яратилган. Автор сўз сеҳри билан уларнинг ҳар бирига жон ато этган; мана, бир томонда тинниб-тинчимас, билимдонтадбиркор, янгиликка иштиёқманд, бироз қув ҳамда даҳрий Абдуқаҳҳор ака, иккинчи томонда дарбадар ҳаёт, ёвуз қайнона дастидан, фарзандлар доғидан ранги сомон бўлиб «аравак» тусига кирган она; бир ёнда шафқатсиз замон инсоний туйғулардан маҳрум этган, «кўршапалак» қиёфасидаги бемурувват кампир, иккинчи ёнда жаҳолат тўзонида шамдек сўниб «ҳур қиз»лар қаторига кетган Сарвинисо; бир тарафда худди икки-уч жойидан букилиб, синиб кетишдан хавфсирагандай эҳтиётлик билан қадам босиб келаётган, оғзи ярим очиқ, ўлиқнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейишга тайёр аждаҳо Тўрақул вофуруш; иккинчи таққолган бир кампир ҳануз азиз-авлиёларни чангитиб сўкаётган дадамни босмоқчи бўлди.

— Ҳай-ҳай, болам, ҳар иш худодан-а, кофир бўлади киши!..

Дадам телба бир аҳволда ҳамла қилиб тонгача турган қуръони олдию қулочлаш қилиб ерга урди.

— Мана, кофир!— деди ва бунга қаноат қилмай, ерда ётган қуръонни тепиб юборди.— Мана кофир!..

Қуръоннинг чипор муқоваси бир томонга, ўзи бошқа томонга учиб кетди. Кампир додлаб ўзини қуръоннинг устига ташлади.

Дадам айвонниинг устунига санчиб қўйилган пичоқни олиб, югурганича оғилга кирди, бузоқни етаклаб чиқди-да, икки оёғидан кўтариб ерга урди ва бўйнига пичоқ тортиб юборди.

— Мана, кофир! Мана, кофир!.. Гўштини итларга бераман!

Сўйилган бузоқ жон ҳолатда ўрнидан турди, боши бир томонга қийшайганича бориб деворга урилди ва йиқилиб типирлай бошлади. Ер, девор, дадамнинг усти-бошн қонга беланди.

Бирпасда ҳовли эркак-аёл, болачақага тўлди. Эркаклар ҳамон қуръонни, худони чангитиб сўкаётган ва бузоқни тилка-пора қилиб итга ташламоқчи бўлган дадамни ушлаб бир чеккага ўтқазишди. Аёллар ҳушдан кетиб қолган аямнинг бағридан мурдани олиб уйга киришди. Кимдир менга сув ичирди...»

Кўриб турибмизки, шу кичкинагина парчада бир эмас, бир неча одамнинг хилма-хил вазиятдаги драматик ҳолати, хатти-ҳаракати, жуда ёрқин портрети, ғоят нескин, шиддатли руҳий фожиаси, ададсиз қалб изтироби ва исёни... Уста рассом шу лавҳага қараб бир эмас, бир неча драматик портрет чизиши мумкин: одам боласи оламдан ўтяпти; оила аъзолари даҳшат ичида; ёш Абдулла дастлаб даҳшатни англаб етмайди, гўдакнинг жим бўлиб қолганидан севинади, лекин шу заҳоти унга ҳамма нарса аён бўлади: онанинг фарёди уни ларзага солади... Ёш Абдулланинг ўша дамдаги драматик ҳолати ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин, аммо адиб шу оғир ҳолатни бир жумладагина беради. Ёш Абдулла: «Мен айвоннинг устунини қучоқлаганимча қотиб қолдим», дейди. Ўша топдаги боланинг ҳолатини бундан аниқроқ, лўндароқ, таъсирчанроқ ифода этиш мумкин бўлмаса керак. Онанинг ҳолатига эътибор беринг, у ҳам аввалига довдирайди, бироқ, она эмасми, хавфни сезиши билан фарзандига ташланади ва дод солади, сўнг ҳушдан кетади. Бундай пайтда мусибат ва нулфатнинг асосий юки ота зиммасига тушади. У Абдуллага ўхшаб қотиб қолмайди, онага ўхшаб дод солмайди, ҳушдан кетмайди: отанинг қалбида жуда оғир ва шиддатли туйғулар кечади, бир неча дақиқага чўзилган бу руҳий жараённи биз аниқ кузатиб турамиз, ғоят ихчам ибораларда ифода этилганига қарамай бутун тафсилоти, нозик нуқталарига

СЦЕНАРИЙ МУАММОСИ

қадар илғаб оламиз. Автор бу руҳий жараённи ҳам персонаж қиёфасидаги ўзгаришлар, унинг хатти-ҳаракатлари орқали беради: аввал отанинг елкалари силкинади, кейин пешанасига шаппалаб ҳўнграйди, товуш чиқармай тўлғонади, сўнгра қалбидаги чексиз изтироб бирдан портлаб кетади, ота аламлари, барбод бўлган ишончи ва эътиқодлари ҳаққи; азиз-авлиёларни, худони ҳақорат қилишга тушади: бундай дақиқаларда одамни тўхтатиш, унга далда бериш мумкин бўлмай қолади, шунда кампирнинг таскинну надоматлари қизиб турган мойга сув сепгандай бўлади, оғир кунига ярамаган қуръонни ерга уриб топтайди, азизларга атаган жондорни чавақлаб ташлайди...

Ўзи бир томонга, чипор муқоваси бир томонга учиб кетган қуръон, додлаб ўзини қуръоннинг устига ташлаётган кекса кампир, бўйнига пичоқ тортилгач, жон ҳолатида ўрнидан туриб, боши бир томонга қайрилганича бориб деворга урилган бузоқ, ер, девор, отанинг усти-бошига сачраган қон — ҳаммаси кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Бу ерда ҳар бир персонажнинг хатти-ҳаракати, ҳолати рўй бераётган вазиятга, характерларнинг ички мантиқига ниҳоятда мувофиқ. Таъвидор кампирнинг ҳам, олдиндан бироз даҳрийлиги, сержаҳллиги билан танилган, фарзанд дағини кўравериб юраги тўлиб кетган, аламзада отанинг ҳам ўша вазиятдаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари жуда табиий.

Ёзувчининг маҳорати фақат ҳаёт манзарасини аниқ-лўнда, характерлар ҳолати ва хатти-ҳаракатини жонли, табиий ифода этиб бергани билангина чекланмайди. Адиб тасвирида шу кичкина драматик лавҳа катта бадиий умумлашма даражасига кўтарилган; бир томондан, биз унда ўтмиш ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини бутун қалбимиз билан ҳис этамиз, шу билан баробар, ана шу шафқатсизликка, жаҳолатга қарши инсон қалбида қўзғолган зўр исён туйғусини аён туйиб турамиз. Уша замонага хос жаҳолат ҳам, жаҳолатга қарши исён ҳам, мислсиз даҳшат ҳам, шу даҳшатни енгишга қодир куч ҳам — барчаси шу кичик лавҳада мужассам. Бу драматик тасвирда ўзига хос юмор зуҳур этиб туради. Улкан санъаткор Абдулла Қаҳҳор ўшандай даҳшатли манзарада ҳам кулги учун йўл топади: отанинг алам устидаги исёнини, хусусан, бегуноҳ бузоққа ҳамласини кўрганда ҳам ларзага тушасан, ҳам ноилож куласан. Бу манзара тасвирида фожиа кучини қайиришга қодир яна бир муҳим деталь бор. Ана шу оғир дақиқаларда қўни-қўшнилар мусибатда қолган оила жонига ора киради, одамларнинг аралашуви, меҳр тафти билан олов селни қайтгандек бўлади. Ота бироз тафтидан тушади, ҳушини йўқотган она билан бола ўзига келади. Бу ҳол оғир таассуротлар таъсирида қолган китобхон кўнглига ҳам таскин беради. «Ўтмишдан эртаклар»ни ўқиб биз жуда кўп танишлар орттирамиз, уларни яқиндан кўриб турамиз, уларнинг чеҳраси, қалб изтироблари бир умр хотирамизда қолади. Константин Симонов Абдулла Қаҳҳорга йўллаган мактубларидан бирида қиссанинг шу фазилатини алоҳида таъкидлаган, унда «одамларнинг гоҳ батафсил битилган ва қарама-қаршиликларга тўла, гоҳ бир қўл уришда чизилган ҳайратомуз портретлари»ни кўриб қувонганини айтган эди.

«Гоҳ батафсил, гоҳ бир қўл уришда чизилган» мана шу ҳайратомуз портретлар катта умумлаштирувчи кучга эга эканки, маълум бир тарихий шароитнинг моҳсули бўлмиш хилма-хил табақалар, ижтимоий кучлар моҳиятининг ниҳоятда аниқ ва бетакрор ифода этгани учун «адабий аҳоли» сафидан мустаҳкам жой олди.

Умарали НОРМАТОВ

Кино санъати коллектив ижод бўлгани учун унинг кўпгина ўзига хос мураккабликлари бор. Тўғри, ҳар қандай кино асари дастлаб ёзув столи устида туғилади. Аммо у томошабинга етиб боргунича, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ижодий изланиш ва ишлаб чиқариш жараёнларидан иборат узоқ, сермашаққат йўлни босиб ўтади. Унда бир неча ижодий шахсларнинг нуқтаи назарлари, индивидуалликлари тўқнашади. Шунинг учун сценарий — адабиётнинг энг мураккаб жанрларидан биридир, деймиз. Шунга кўра, ҳар бир ёзувчи кинодраматург бўлмаса ҳам, ҳар бир кинодраматург ёзувчи бўлиши шарт. Кинодраматург бу соҳанинг ўзига хосликларини билиш билан бирга, сўз устаси, асар драматик қурилишининг устаси, қаҳрамон руҳий ҳолатини ва муҳитни кўрсата билиш санъатини эгаллаган ижодкор, бадиий маъноdор деталларни танлай оладиган, шунингдек, диалог устаси ҳам бўлиши зарур.

Сценарий яратиш бизда ҳамон энг муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Зотан, сценарийнинг адабий жанр сифатида шаклланиш жараёни ҳали ўз ниҳоясига етгани йўқ. Мукаммал адабий сценарийлар яратишнинг қийинчилиги шунда. Ҳалигача бирорта сценарий биринчи нусхасиданоқ ишлаб чиқаришга топширилмаганининг, қарийб ҳар бир сценарий экранлаштирувчи режиссёр билан ҳамкорликда яратилаётганининг сабаби ҳам шунда.

Шуҳрат Аббосов «Сен етим эмассан» фильми билан ўзининг моҳир режиссёр эканлигини яна бир бор кўрсатди.

— Раҳмат Файзийнинг бу сценарийси анча пухта ёзилган бўлса-да, лекин кино кўзи билан қараганда, бир оз камчилиги бор эди,—дейди режиссёр.— Натижада, автор билан сценарийни қайта кўриб чиқишга, баъзи бир ўзгартишлар киритишга тўғри келди.

Бу, адабиётнинг мураккаб жанрларидан бири — сценаристнинг ўзига хос қонуниятларини пухта эгаллаш зарурлигини яна бир марта таъкидлайди.

Кекса режиссёр Йўлдош Аъзамов сценарийчи Собир Муҳамедов билан биргаликда Абдулла Қодирийнинг машҳур романини экранга олиб чиқдилар. «Утган кунлар» фильми яхши баҳоланди. Дарҳақиқат, фильм турмушни реалистик тасвирлаши, рангдорлиги билан диққатга сазовордир. Шунга қарамасдан, бу фильм совет кино санъатининг ўтмиш мавзудаги энг яхши асарлари билан бир қаторда туролмайди. Чунки унда ўша давр жамиятининг ўткир ижтимоий проблемалари (хонликнинг таназзули сабаблари, маҳаллий низолар) етарли кўрсатилмаган. Маълумки, романда Отабек билан уста Олимнинг тақдири бир-бирини нурлантириб турган ёритгичларга ўхшайди. Фильмда эса уста Олим образи кичик бир персонажга айлантирилган. Шунингдек фильмнинг лавҳалар йиғиндисига ўхшаб қолганлиги романдаги воқеалар учун бир серияли фильм торлик қилишини кўрсатиб турибди. Фильм ижодкорлари, айниқса, сценарийчи романнинг бу жиҳатларини эътиборга олиши керак эди.

Яқин вақтларгача «Узбекфильм» йилига бир ёки иккитагина сценарийни экранлаштириб келар эди. Йил сайин ўз мавзулари ва услубларига эга бўлган ижодкор ёшлар санъатга кириб келаётган ҳозирги пайтда фильмлар нисбатан кўп ишлаб чиқарилмоқда. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам етук эмас. Лекин бу фильмларда ёш кинематографчиларимизнинг характерли томони—уларнинг бугунги кунимизни бутун мураккабликлари билан ёритишга интилишлари яққол кўринади.

Изланувчан ёш режиссёр Элёр Эшмуҳамедов яратган бир неча фильм, уни маънавий муаммолар, ёшлар ўртасидаги муносабатлар кўпроқ қизиктираётганини кўрсатиб турибди. Студентлик давридаги «Қайроқчалар» деб аталган курс ишидаёқ Элёрнинг келгусидаги изланишларига ишора бор эди. Диплом иши — «Висол» эса қишлоқ табиатини тасвирловчи фусункор парчалари билан ажралиб туради. Хуллас, Элёр Эшмуҳамедовнинг дастлабки, ҳали кўп жиҳатдан номукаммал фильмлари ҳам, айниқса, «Нафосат» ва «Севишганлар» лирик ҳиссиёт билан суғорилган.

Элёр Эшмуҳамедов режиссёрлик қилган юқоридаги икки фильмнинг сценарийси студиянинг ёш кинодраматургларидан Одилшо Агишев қаламига мансубдир. Ўзбек кино санъатида ўз ўрнига эга бўлган «Фавқулодда комиссар» фильмининг сценарийсини ҳам Одилшо Агишев режиссёр Али Ҳамроев билан ҳамкорликда яратди. Бу фильмнинг яратилишида сценарийчи билан режиссёрдан ташқари, истеъдодли оператор Ҳ. Файзиев, таниқли актёрлар С. Чўкморов, А. Жигарханян, рассом Я. Қалантаров ва бошқаларнинг ҳам хизматлари катта. Атоқли ўзбек инқилобчиси, Тошкентда Коммунистик партия ташкилотини тузганлардан бири Низомиддин Хўжаев ҳақидаги бу фильмнинг яратувчилари, кино санъатининг ўзига хос томонлари ҳисобга олиниб, пухта ёзилган сценарий туфайли, «Ўзбекфильм»нинг тарихий фильмлар яратиш борасидаги эскиб қолган анъаналари қобиғини ёриб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Мабодо, ҳозиргача бирорта яхши фильм экранга чиққан экан, режиссёр, оператор, актёр ва бошқа мутахассисларнинг ҳам хизматларини камситмаган ҳолда, айтиш керакки, бу—асарга ҳозирги замон кино санъати талабларига биноан ёзилган пишиқ адабий сценарий замин бўлганлиги туфайлидир. Жумладан, «Тошкент — нон шаҳри» фильми фақат режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг ўз услубига эга, истеъдодли санъаткор бўлганлиги учунгина эмас, балки А. Неверовнинг шу номли повести асосида ишланган А. Михалков-Кончаловскийнинг сценарийси аввалдан кинонинг барча талаблари эътиборга олиниб ёзилганлиги туфайли ҳам сўнгги йилларда яратилган энг яхши фильмлардан бири сифатида эътироф этилди...

Э. ЗОКИРОВА

Бурчмулладаги Кўксув бўйида.

А. ВАНШТЕЙН фотоси

Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви



Маълумки, баҳс-мунозара, мусоҳаба руҳи, тафаккур «жанги» — қадимий адабиётимизнинг доимо барҳаёт анъаналаридан. Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви» ҳам ана шу анъана намунасидир. Бу ҳажвда икки шоир бир-бирини чандиш, ўзларидаги жисмоний қусурларни кулги қилиш орқали замоналаридан аччиқ куладилар. Асарни ўқир экансиз, асримиз бошларидаги меҳнаткаш омманинг ночор аҳволини, ҳуқуқсизлигини аниқ ҳис этасиз, шу билан бирга, халқимизнинг ҳар қандай қийинчиликни ҳам ҳазил-мутойиба билан енгиб келганига тан берасиз.

Мен бу ҳажв муаллифларидан бири — шоир Мажруҳни шахсан билар эдим. Ҳали мактабга ҳам бормаган ёш болалик вақтимда — 1897—98 йиллар бўлса керак — ҳовлимиз Қўқон шаҳрининг Марғилон даҳаси, ҳозирги Дегрезлик маҳалласида бўлиб, ўша замонда Мулла Носир маҳалла деб аталар эди. Ҳовлимиз олдидан катта кўча ўтар, кўчанинг ғарбида Дегрезлик сойи оқарди. Дарвозамиз рўпарасида эса кўприк бўлиб, ундан бозорга пиёда йўли кетар эди. Мана шу кўприкнинг нун ботиш тарафида Усмон баққол деганнинг ҳовлиси бор эди. Бир вақт шу ҳовлининг ёнидаги, кичкина, пастак ва зах дўнгчага ўрта бўйли, ранги заҳил, бурни пучуқроқ киши келиб истиқомат қила бошлади. Кўйлак-иштони, яктаги белбоғи ва бошидаги салласи — ҳаммаси кўк бўздан, оёғидаги этиги сағри эди. У киши супурги боғлаб сотарди. Ишлаб ўтирса ҳам, юрса ҳам лаби ҳамиша пичирлаб турарди. Мен аканимдан сўраганимда: «Бу одам шоир Мажруҳ, оти Умаршоҳ, дуруст одамнинг фарзандию ўзи шунақа бўлиб қолган», деган эди. Шоир Мажруҳ, у жойда кўп эмас, чамамда, бир йилча яшади, холос. Кейин кўринмай қолди.

Бу ҳажвнинг 1905 йилдан сўнг ёзилганлиги тахмин қилинади. Ҳажвдаги сўзлардан, юқорида айтганимиздек, Мажруҳнинг оти Умар, асли қўқонлик эканлиги, қашшоқлик билан мадраса ҳужрасида ҳаёт кечирганлиги маълум бўлади. Шоир Салоҳиддин савдо иши билан шуғулланган эса-да, дўконидаги моллар пулдорга тегишли бўлиб, қарздор яшаган. Туғилган жойи Тўрақўрғон, бир нўзи ғилай экан.

Муҳтарам журналхонларнинг ёдларида бўлса керак, «Гулистон»нинг ўтган йил март ойи сонида буюк демократ шоир Зокиржон Фурқатнинг янги топилган ғазаллари эълон қилинган эди. Фурқат ғазалларини ҳам, «Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви»ни ҳам биз марғилонлик олим, фозил ва табъи назми бор, марҳум Аҳмаджон ака Мадбобоевнинг шахсий архивидан олдик.

А. ЖУВОНМАРДИЕВ

Мажруҳ

Номини сўрса ҳар ким Мажруҳи бенавони[нг]
Маснаднишини дуввум, жаннат макони соний[1].

Салоҳий

Маснаднишин ҳам эрмас, жаннат макон қаёнда,
Умрида кўрганн йўқ бир эски бўрёни.

Мажруҳ

Аҳли замон демишлар: «Яхши нафас — ярим мол»,
Беақл, пасти фитрат[2] фаҳмига етмас они[нг]...

Салоҳий

Маснад деган бўлур тахт, ўлтургай анда шоҳлар,
Маснадга номуносиб иддиоси гадони[нг].

Мажруҳ

...Ҳажв айласанг мени сен беважҳ, бежарима,
Ҳажвингга тўлдуройин дунёйи бевафони.

Салоҳий

Ҳажв айлаган эмасдим, эрди сенга насиҳат,
Бефаҳм сендурурсан, ҳажвни билибсан они.

Мажруҳ

Айтай, Салоҳий, сенга бу арз муддаони,
Ҳажв айласа сени ким, ҳажв айлагил сен они.
Текканга тегу отма кесакни тегмаганга,
Кўп ҳам ҳаддингдан ошма, бошлаб бу можарони.
Ҳар ерда бўлса аҳвал[3] ул бирни икки кўргай,
Лекин кўриб бу аҳвал якбора «тўрт» дер они.
Хуфтонга чиқиб аҳвал, масжидни ул тополмай,
Ҳар бир қадамда тўхтаб, йўқлаб қолур асони...

Салоҳий

Мажҳул[4] сен насабда, мен фавқман ҳасабда,[5]
Мендин бўлак кишига қилғил бу иддаони.

Мажруҳ

Мажҳул дерсан, алҳол, зотимни хўб билурсан.
Мавлон шаҳри Хўқанд устозим Марғилоний.
Фахр айлагай ўзига: «Дастурхончи зотим»,
Ким дастурхонни пойлар: «Борму, деб устихони!»
Нодонлиғингга шоҳид бўлдур, сени[нг], ҳамоқат,
Доим насабни дерсан, бўлгай тамом фоний....
Омийи харшдурсан рафти суханни билмай,
Бошингга ёғдурурсан, сўзлаб, неча балони.

Салоҳий

Кўкнорихоналарда кўп ястаниб, биродар,
Бўлғон экан вужудинг махзи пичингни[нг] кони.

Унутилмас сиймолар

ЎЛКАШУНОС ОЛИМ

«...Агар магазинга бирор бир нарса олиш учун кириб қолгудай бўлсам, рус савдогарлари мени зарбоф тўнимни ва ундаги медалларни кўриб, менга самимий ва ҳурмат билан муомала қилишар эдилар. Мен билан бирга самарқандлик рус приказчиги В. Жуков ҳам бор эди. У миллий тилни жуда яхши билар эди. Дўконда савдо қилаётганимизда фақат ўзбек тилида гаплашар эдик. Ҳатто дўкондагилар бизни гаплашаётганимизни кўриб, ҳайрон қолар эдилар. Биз бозорни ҳам айланиб чиқдик. Бу ерда мен полковник Шпицбергни учратиб қолдим, у бундан бир неча йил олдин Самарқанд уездининг бошлиғи бўлиб хизмат қилар эди.

У мени жуда самимий кутиб олди ва дўстона меҳмон қилди. Туркистонликлар паловни яхши кўришини билиб, ҳар куни мени олдимга палов юбортириб турди». Мирзо Бухорий 1887 йили Харьков кўргазмасида қатнашганини ана шундай таърифлайди. Асли бухоролик бўлган Мирзо Бухорий Самарқандда яшаган, бу қадимий шаҳарнинг маданияти, тарихи билан қизиққан, Афросиёбга доир осори атиқаларни ўрганган фозил киши эди.

Машҳур шарқшунос олим, профессор Н. Веселовский 1883 йилда Мирзо Бухорийдан Петербург илмий ташкилотлари учун 1200 дан зиёдроқ кўҳна танга ва бошқа ноёб материалларни сотиб олди. Худди шу йили Мирзо Бухорий Тошкент музейига ҳам ўзи тўплаган кўпгина нодир ашёларни топширди. Россия Археология жамияти Шарқ бўлимининг 1887 йили ўтказилган кенгашида Мирзо Бухорий ҳам қатнашди.

Мирзо Бухорий ўша кенгашдан олган таассуротларини бундай баён қилади: «Декабрнинг биринчи кунида бурунги замондаги Шарқия аҳлини аҳволларини билмоқ учун барпо бўлинган жойга жам этилган мажлисда мусулмон халқларини тилларини биладургон, чунончи, хитой, ҳинд ва ҳар хил халқларни бурунги аҳволини билмоқ тараддудида юрган кўп уламоларни кўрдим. Мени ҳузуримда турк ва уйғур тилини яхши биладургон жаноб Радлов Тўхтамишхон ва Қутлуғ Темурнинг икки ёрлиғини маъносини баён қилди... Алар мандин баъзи сўзларнинг маъносини сўрадилар, мен билгонимча аларға баён қилдим».

Мирзо Бухорий 1887 йили Москва ва Петербург шаҳарларида сафарда бўлиб, Кремлни, ундаги қурол-аслаҳа палатасини, Политехника ва Румянцев музейларини, Успенский жомесини томоша қилди.

Петербургда Исо жомесида бўлди. Профессорлардан Н. Веселовский ва И. Толстой ҳамроҳлигида санъат хазинаси — Эрмитажни зўр қизиқиш билан кўрди.

Тўқсонни[нг] чилласи ҳам сендан ситораий гарм,[7]
Кўрганда: «Алҳазар!» дер саҳрони[нг] ҳам ёлғони.

Мажруҳ

Мавлуди Тўрақўрғон ҳам тобеъи Наманган,
Гар бўйла ҳақ демасди лаклакни: «Кўр, худони».

Салоҳий

Сўрдим жувозкашдин: «Тумшуғи нега йўқ!» деб
Айдики: «От босибон, синдирди ёғчавони».

Мажруҳ

Сўрмоқ жувозкашдин ҳожат эрмас, биродар,
Кўр отни қўшмагунча мазмуни йўқ чавони[нг].

Салоҳий

«Бек» ҳарфи нуқтасини бир ерга айласанг жам,
Тасвири «сак» кўрунгай, гар айласам баёни.

Мажруҳ

Тажниси[6]«бек»ни, сиз «сак» дебсизки, анда йўқ шак,
Пешана нени кўрсун, кўз бўлса кўргай они!

Салоҳий

Тажниси «бек» «банг» дур, тажниси «беги» «банги»,
Банггим демай, бегим дер, келганда бир замони.

Мажруҳ

Бек бирла сакни[нг] фарқи — кўк бирла ерча бордир,
Айтган билан бўлурму, йўқ сопи ушлагони.

Салоҳий

Қайроқни[нг] вақти бўлди, бўғдойга ҳам ғазал қўй,
Бўғдойни бермаса ҳам, эшакка бас сомони.
Ҳар кимни[нг] мадҳин айлаб қилғунча сен ғадолиғ,
Йўл узра тур, талаб қил, бўйнунгга сол ридони...

Мажруҳ

Ҳар кимни мақтамоқлик йўқ эрди хотиримда,
Қўйган эмас замони хужрамда ухлагони,
Кал Қўзи номли миршаб, ўлгунча бизни истаб,
«Тез юр», дебон у қистаб, қўйган эмас замони.
Юз шўру можарони, бир маҳзи рўдапони,
Бошлаб келиб бошимға ҳам Умари Қаронн.
Номинг Салоҳиддиндур, суллоҳ ҳажв бўлма,
Ҳар кун китоб ўқурсан, кўрмас кўзинг хатони.

Салоҳий

Ярманка кўчасида бир неча бор кўрдум,
Сўрсам: «На ишда!» айтур: «Ҳокимни[нг] ҳукбони»

Мажруҳ

Тўртинчи — Хожа букри, қилған ғизоси чукри,[9]
Қилсун худога шукри, то танда бор жони.

Салоҳий

Тунгони кашф янглиғ оғзи лаби баробар,
Кийгони ор айлар, том узра ташлагони.

Мажруҳ

Эски кафшни артиб, маҳтаб нодонга сотиб,
Бўйи уриб қолибдур қир, эски пайтавони[нг].

Салоҳий

Қайси қўпол ясабдир бу хуштаки пачақни,
Дам берганда бергай «пинғ-пинғ» қилиб садони,

Мажруҳ

«Қайси кулолн аҳмақ, билмам, ясабди», дебдур,
Азрўй шаръ бўлғой оғзига урса они[нг].

Салоҳий

Тупроқ ялаб ётгунча мадрасада ўлгундек,
Мендек келиб бозорда касб айлағил ҳавони.[10]
Жумла ёмон ёмони — бекасб, беҳунарлик,
Бекор юрганнча ўлғони хўб гадони[нг].

Мажруҳ

Кўрдик, хунарни[нг] фарзин, қилғонни[нг] қанча қарзин,
Ҳар кимга айтиб арзин, қолғон очиқ жавони.
Қилғин тараққий ҳоли, бой айлаган хаёли,
Дўкон — бировни[нг] моли, беҳуда пойлагони.
Душанба кун — дўкондор, олдиға келса пулдор,
Аҳволидин хабардор, ҳолиға йиғлар они[нг],
Елғонни сўзламакдин икки тарафга боқиб,
Ҳалқум қуриб ичолмай, қолғай у чоғ нони.
Беқарзлик, биродар, монанд подшоҳлик,
Албатта хотири жам ҳар ерга борса они[нг].
Қарздордин, биродар, қашшоқлик анча яхши,
Пулдор қўймагай ҳеч ўтнигни олмагони.
Аввал ўзингга бир боқ, сенким бировга кулмоқ,
Ҳеч борму сенча, ўртоқ, аҳмоқни[нг] каттакони!

Салоҳий

...Бир неча ҳажв бирлан тек турмасанг, пучуқ сен,
Бордур мунингдин ортиқ, бил, ҳажвни[нг] йўғони.
Эй, банги, хўб топибсан сингган, пачоқ чилимни,
Латта ўраб тузатган бу эски сархононн.
Сингган пачақ кураксан, отхонага керакдур,
Отхона тоза айлаб, ахлатни тошгони.
Сопқон отарни билмай, беҳуда сен қўруққи,
Тегиб ўзингга, қолди бурнинг пачақ бўлгони.

Мажруҳ

Сопқон отарни[нг] ҳарчанд олғон билан ҳавосин,
Эй аҳмақ повилғоний[11], кўз қайда кўзлагони!
Кўб муддаилик айлаб, ҳар ким билан уришма,
Монанди созмвори[12], товуқни[нг] мокиёни!
Мажруҳ бир мусофир, қўйғил бу ерда юрсун,
Баднусхаликда танҳо, одамни[нг] сен ёмони!

---

1 Маснаднишин — халифа Умар; жаннатмакон амир Умархон. Шоир ўзининг шундай машҳур зотларга номдош эканини киноя билан писанда қилади. 2 Пасти фитрат — зоти паст. 3 Аҳвал — ғилай. 4 Мажҳул — номаълум. 5 Фавқман ҳасабда — мартабам баланд, деган маънода. 6 Рафти сухани — сўзнинг йўналиши. 7 Ситораий гарм — юлдузи иссиқ. 8 Тажнис — шаклдош. 9 Чукри — ейиладиган илдиз. 10 Касби ҳаво — очиқ ҳавода сайр этмоқ. 11 Повилғон — соддадил. 12 Созивор — ҳўрознинг бир тури, жуссаси кичик, урушқоқ ҳўроз.

Третьяков галереясидаги рассом В. Верешчагиннинг Туркистон ҳаётига доир расмлари Мирзо Бухорийда айниқса катта таассурот қолдирди. «Ўз ўлкамга, уйимга қайтсам, албатта мендан таассуротларимни сўзлаб беришимни сўрайдилар. Мен эса уларга қандай нодир ва қимматбаҳо нарсаларни кўрганимни айтиб бераман», деб ёзган эди Мирзо Бухорий. У саёҳатномасида: «Диққатга сазовор барча рус ёдгорликлари қадим замонлардан буён авайлаб сақлаб келинар экан, бизда эса хонликлар давридан бунга ўхшаш ёдгорликлар авлодлар учун сақланиб қолмаган. Хонлар вафот этганлари ҳамоно уларга қарашли барча нарсалар талон-тарож бўлиб кетган, бундай бўлмаслиги учун сақлаб қолишга ҳеч ким жон куйдирмайди», деб шикоят қилади.

Мирзо Бухорий рус илм-фани ва маданиятига чуқур ихлос билан қаради. Истеъдодли рус меъморлари томонидан бунёд этилган муҳташам обидалар, санъат хазиналари унинг диққатини ўзига тортди. У Москва ва Петербургга қилган сафарлари вақтида олган таассуротларини ўз халқи билан баҳам кўришга интилиб, «Эсдаликлар» деган китобча ҳам ёзди. Асар «Туркистон вилоятининг газети»да 1888 йил, 4, 7-сонларида эълон этилди. Мирзо Бухорий «Эсдаликлар»ида Петербург кутубхонаси (ҳозирги Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград халқ кутубхонаси) ҳақида ҳам завқ-шавқ билан сўзлайди. У ерда кўп нодир қўлёзма китоблар билан танишгани, жумладан, Низомий, Фирдавсий, Ҳофиз, Шарафиддин Али Яздий, Жомий, Навоий асарларининг ажойиб нусхаларини кўрганлигини ҳикоя қилади.

Мирзо Бухорий бу саёҳатларидан кейин осори атиқаларни ўлкашунос олим сифатида синчиклаб ўрганишга киришади.

У нодир буюмларнинг қаердан қандай топилганига ҳам алоҳида эътибор беради. Фикри-зикри излаш, кузатиш ва ўрганиш билан банд бўлган олим ўзи тўғрисида ёзаркан: «Ҳар ҳолда мен кўпчиликнинг манфаати учун, Россия фани ва бошқа халқларга ёдгорлик қолсин учун айни Туркистон ўлкаси ўтмишига доир осори атиқаларни тўплаш ва ўрганишга уриндим», дейди.

Мирзо Бухорийнинг машҳур ўзбек демократ шоири ва мутафаккири Зокиржон Фурқат билан танишиши айниқса диққатга сазовордир. Фурқат 1891 йили Самарқандга келганида ўлкашунос олимнинг уйида меҳмон бўлади ва дўстлашади.

Фурқат: «Тарихшунос Мирзо Бухорий билан бўлган суҳбатимдан мамнунман», деб ёзган эди. Шоир Мирзо Бухорий 1891 йилнинг май ойида Самарқанддан қадимий олтин ва кумуш тангалар топганлигини билгач, олим номидан «Туркистон вилоятининг газети»да (1891 йил, 24-сон) ўша ноёб топилмалар ҳақида қизиқарли хабар бостирди.

Фурқат Мирзо Бухорийнинг донишмандлиги, тарихий ёдгорликларни ва воқеаларни ўрганиш соҳасида катта ишлар қилганини таъкидлаб ўтади: «Донишписанд суҳбатларидан кўнгилга тоза сурурлар ҳосил ўлди. Таворихдон ва хирадманд киши экан. Тавсани зеҳнини, хусусан, жузъиёт китобларига чобукхиром мушоҳада қилдим».

Мирзо Бухорий машҳур ипакчи ҳам эди. У 1887 йилнинг октябрида Харьков шаҳрида очилган ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кўргазмасида аъло навли ипак ва шойи матолари билан қатнашди.

«Туркестанская туземная газета»да (1888 йил, 4-сон) хабар берилишича, «Харковские ведомости» газетасида бу ҳақда шундай ёзилган экан: «Кўргазманинг ҳунармандчилик бўлимида жуда қизиқарли экспонат — миллий кийим кийган туркистонлик шахс бор. Самарқандлик Мирзо Бухорий ўзи билан бирга ипак матолар ҳам олиб келган. У келтирган ипак матолар кўргазма томошабинлари диққатини жалб этди ва бу матолар жуда тез сотилиб кетди. У бу матолари учун иккинчи мукофот — медаль билан тақдирланди». Яна шу «Туркестанская туземная газета»да хабар берилишича, Мирзо Бухорийнинг ипакшойи газламалари 1889 йилда Париждаги кўргазмада ҳам юксак баҳога сазовор бўлган ва иккита кумуш медаль олган.

Илғор рус маданияти намояндалари билан танишиб, ҳамсуҳбат бўлган Мирзо Бухорий илм-фан ютуқларини эгаллаган ва уни ўз халқи ўртасида тарғиб этган пешқадам ўлкашунос олим, толмас сайёҳлардан бири эди. У Ўрта Осиёни бошданоёқ қайта кезиб чиқишни, Туркистон халқлари тарихи ва маданиятига оид кўп маълумотлар тўплашни орзу қилар эди. Бироқ 1893 йили тарқалган вабо касали туфайли Мирзо Бухорий бу эзгу ниятига етолмади. Лекин халқимиз ўз фарзандининг хизматларини унутмайди.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Ниота ТУН,
немис адабиётшуноси

«ТОШКЕНТЛИК ОШИҚЛАР»НИНГ НЕМИСЧА НАШРИГА ДОИР

Сўнгги вақтларда Совет Урта Осиёси адабиётига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Аммо чет мамлакатларда бу адабиёт ҳали етарли ўрганилмаган. М. Авезов, С. Айний, Ч. Айтматов, А. Қаҳҳор, Б. Кербобоев сингари адибларнинг немис тилига таржима қилинган кўпгина китоблари иккинчи жаҳон урушидан кейин яратилган асарлар бўлиб, урушдан олдинги социалистик адабиёт биз учун етарли даражада маълум эмас.

Янги социалистик ҳаётнинг дастлабки йиллари Урта Осиёда анча кескин, баъзи ҳолларда ҳатто қонли тўқнашувлар билан ўтган: феодал қолоқликдан, шариат қоидаларидан қутулиш, одамни таҳқирловчи, озодликни бўғувчи кўҳна шарт-шароитлардан воз кечиш, ўрта аср феодал муносабатларига, ривожланаётган капиталистик эксплуатация кўринишларига қарши чиқиш, хотин-қизлар озодлиги учун курашиш, қашшоқлик ва очликка, нодонлик ва саводсизликка қарши курашиш керак эди. Ана шундай бир вазиятда жамиятда қарама-қаршиликлар авж олди. Кескин синфий кураш кетаётган бир пайтда, янги ташкил топган Урта Осиё Совет республикаларида янги адабиёт бунёдга келди. Бу адабиёт намояндаларидан бири Абдулла Қодирий (1894—1939) эди. Абдулла Қодирийнинг ижоди ўз Ватанидан ташқарида ҳали ҳам кўпчиликка таниш эмас. Лекин ўз Ватанидаги адабий муҳитда унга анча катта ўрин берилган.

Узбек шеърияти асрлар давомида Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида ўқитилган. Араб ва форс классик шеърияти намуналари, ўзбек классик шоири Навоий (1441—1501) ва бошқа сўз санъаткорларининг асарлари ҳам ўрганилган. Октябрь революциясига қадар асосан бир жанрли адабиёт сифатида ривожланган. Драматургия ва новелла жанри эса асосан 1917 йилдан кейин ривожланди. Абдулла Қодирийнинг «Тошкентлик ошиқлар»и[1] ўзбек тилидаги биринчи роман эди.

Абдулла Қодирий бадиий камолотга етгунча анча қийин шароитни, оғир даврни бошдан кечирди: унинг отаси Тошкент чеккасида яшовчи кичик бир савдогар эди. Лекин савдоси юришмай дўконини ёпишга мажбур бўлади, натижада кўп жонли оила боғдан кун кўра бошлайди.

Абдулла дастлаб мадрасада, кейинчалик рус мактабида билим олди. Аммо унинг ўқиши ниҳоясига етмади, тирикчилик машаққатлари туфайли ўқишини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

Қодирийнинг мадрасада араб ва форс классик шеъриятидан, рус мактабида эса рус адабиётидан олган билими уни кейинчалик адабиётга рағбатлантирди. Аммо унинг ижодий фаолияти дастлаб анча чегараланган эди: 1915 йилда ёзган насрий машқ маҳсулотлари ҳатто жиддий адабий аҳамиятга эга бўлолмади.

Абдулла Қодирий дастлаб сотувчи, кейинчалик бир тошкентлик бой ҳузурида мирза бўлиб ишлади. Шу пайтларидаёқ у ўз халқининг прогрессив кучларига яқинлашиш йўлини қидирди...

Абдулла Қодирий Октябрь революциясидан кейин ўз она диёрида бўлаётган ўзгаришларнинг дадил ҳимоячисига айланади. «Мен,— деган эди у,— Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариати саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишиға ишонган бир кишиман».

Гражданлар уруши даврида у ҳар хил ташкилотларда — халқ милициясида, тайёрлов комитетида, социалтаъминот идораларида ишлади. Аммо кўп ўтмай ўзини бутунлай ёзувчилик ишига бағишлади. С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари» ҳикояси ўзбек тилида чиққан вақтдан (1922 йилдан) бошлаб, А. Қодирий ҳам ўзининг тарихий романи «Тошкентлик ошиқлар» («Утган кунлар»)ни нашр қилдира бошлади. Асар 1925 йилда ниҳоясига етказилди.

...Бу йилларда адибнинг янги тожик адабиёти асосчиси Садриддин Айний билан ижодий ҳамкорлиги ва дўстлиги мустаҳкамланди. Қодирий билан Айний Самарқандда чиқадиган бир адабий журнал ходимлари сифатида Узбекистон ва Тожикистоннинг ёш социалистик миллий адабиёти учун катта хизмат қилдилар.

Абдулла Қодирий ўзининг ҳикоялари ва мақолаларида Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини тарғиб қилди. Унинг сатирик жанрда ёзилган «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва «Ширвон хола нима дейди?» каби асарлари ўша пайтда катта аҳамиятга эга бўлди. Узбек халқ оғзаки ижодига хос сатира анъанаси асосида ёзилган бу ҳажвларнинг истиқболи катта эди. Улар Қодирий ижодидаги муваффақиятларнинг негизи бўлди. Бу асарлар қизиқиб ўқилибгина қолмай, ҳаётда ҳам узоқ хизмат қилади. Уларда «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» шахслар, ярамас ҳодисалар аччиқ кулги остига олинган. Абдулла Қодирий бойлар ва судхўрларнигина эмас, балки майда ғийбатчиларни, хотин-қизларнинг «очилиши»га тўсқинлик қилувчиларни ҳам кулги объекти қилиб олган.

Бу йиллар ўзбек адабиётида янги бадиий ижод йўлларини излаш, реалистик проза учун кураш йиллари эди.

1924—1925 йилларда А. Қодирий Москвада ўқийди, бу ерда ўша вақтда қизғин мунозара объекти бўлган ёш рус совет адабиётидаги турли масалалар билан яқиндан танишади. Москвада олган билими ва тажрибаси унинг она диёри Узбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мафкуравий ва эстетик масалаларни қайта ўйлаб кўришга, шу билан боғлиқ саволларга жавоб қидиришга ёрдам беради. Абдулла Қодирий адабиётнинг миллий анъаналарини сақлагани ҳолда, уни янги ижтимоий проблемаларни очиб беришга хизмат қилдирди. Шаклланиб улгурмаган янги адабий тилни ривожлантиришга катта эътибор берди, янги тасвирий воситалар қидирди, фикрнинг аниқлиги ва сўзларнинг ихчамлиги, соддалигини бундай воситалар учун асосий мезон деб билди. «Асли ёзувчилик,— деган эди адиб,— айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир». А. Қодирий халқ реалистик адабиёти принципларини ўзининг бадиий ижодида кенг қўллашга ҳаракат қилди. Унинг ҳар икки тарихий романи —«Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» — омма орасида кенг танилган, шу билан бирга, ёш ўзбек прозасининг реализмга ўтишига сезиларли таъсир кўрсатган эди.

Кейинги йилларда Абдулла Қодирий кўпроқ замонавий мавзуларга мурожаат этди. Унинг охирги йирик асари — «Обид кетмон» (1934) коллективлаштириш давридаги бир ўрта ҳол деҳқон ҳақида ҳикоя қилади.

Абдулла Қодирий 45 ёшида вафот этди. У бугунги кунда ўз мамлакатида ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиш уйғотаётган совет Урта Осиёси адабиётининг ўша йиллардаги тўлқинли тараққиёти бошида турган эди.

«Тошкентлик ошиқлар», («Утган кунлар») тарихий романининг немисча нашри авторнинг адабий хизматларига кўрсатилган эҳтиромгина эмас, албатта. Роман, 1926 йилги нашрига автор томонидан ёзилган сўз бошида айтилганидек, яқин ўтган кунлардан, тарихнинг қора кунлари бўлган кейинги хон замонларидан ҳикоя қилади. Ана шу ўтган кунлар ҳақидаги ҳикоя, ўйлаймизки, ҳозирги китобхон учун ҳам ўз жозибасини йўқотмаган.

Тарихий романлар одатда кенг китобхонлар оммасига эга бўлади. Кўҳна Шарқ ҳақидаги материалларга қизиқиш эса айниқса катта. Бундай ҳикояларда кескин воқеалар, экзотик ранг-баранглик ва турли ажойиботлар моҳирона қўшилиб кетади...

Вальтер Скоттдан буён тарихий романларнинг марказий масаласи бўлиб келаётган вақт колоритини А. Қодирий тарихий манбалардан эмас, балки ўз ёшлигининг таассуротларидан, турмуш манзараларидан олган. Романда тарихий деталлар узилиб қолмай, тасвирланаётган даврга хос урф-одат лавҳалари билан бирга бадиий восита сифатида ишлатилади. Китобхон кўз олдида вақт-вақти билан экзотик бўёқлар жилоланиб қолса ҳам, Қодирийнинг муҳитни тасвирлашида бундай ташқи эффект ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Унинг учун турмуш воқеаларини танлаш, тарихий муҳитнинг реалистик тасвирини бериш ҳал қилувчи принципдир. Қодирийнинг фабула тузилиши билан Скоттнинг композицион схемаси ўртасидаги ўхшашлик тажрибали китобхонга тезда аён бўлиб қолади. Унда муҳаббат тугуни воқеанинг маркази қилиб олинган ва унинг ривожи ҳар хил саргузашт, можаро ва ҳодисалар воситасида давом этади. Тарихий воқеалар асосий қаҳрамонларнинг тақдирини бериш учун зарур. Шу туфайли Худоёрхон, Азизбек, Утаббой каби тарихий шахслар ҳам асарда фақат эпизодик образлар сифатидагина берилган. Скотт мактабининг таъсирини романнинг бошқа хусусиятларида ҳам кўриш мумкин. А. Қодирийга шубҳасиз, бошқа адабий намуналарнинг ҳам таъсири бўлган. Хусусан, у янги араб адабиётида тарихий романчиликка асос солган Зайдон (1861—1914) асарларини жуда яхши кўрган. Вальтер Скоттнинг А. Қодирийга кўрсатган таъсири бевосита бўлганми ёки Зайдон орқали ўтганми — ҳозирча буни аниқ айтиш учун асос йўқ... Шуниси аниқки, авторнинг романчиликка хос реалистик услубини Вальтер Скоттга ҳам, араб ва ўзбек адабиёти анъаналарига ҳам боғлаш мумкин. Бунда, хусусан, кейингиларининг таъсири, шубҳасиз катта. Ёзувчи асарда қатнашувчи шахсларнинг муносабатларини психологик ишоралар билан асослайди. Кўпинча қарама-қарши туйғуларга (севги ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, шафқат ва қасос, одамгарчилик ва золимлик кабиларга) бўлган реакцияни умуминсоний асослардан қидиради...

Асарни ўқиётганда кўзга ташланадиган барча адабий параллелларга қарамасдан, биринчи ўзбек романини яратган А. Қодирийнинг мустақил бадиий ютуқларини тан олмаслик мумкин эмас. Буни ўзбек адабиётидаги янги бадиий воситаларнинг ривожида, реалистик услубда кўриш мумкин. Бу бадиий муваффақиятнинг янгилиги ва ўзига хослиги аввало А. Қодирийга тарихий материални янгича ўзлаштиришга имкон берган янги тарихий шароит туфайлидир.

Генрих Гейне «Романтик мактаб» асарида Ахим фон Арнимнинг тарихий новеллаларини танқид қилган эди. Чунки у новеллаларда автор ўзининг замонавий ҳақиқатга бўлган қарашини билдирмаган. «Бу ёзувчи ижодида бир нарса етишмайди, у ҳам бўлса халқ китоблардан қидирадиган нарса — ҳаётдир. Китобхон ёзувчилардан халқнинг кундалик аҳволини билишни, қалбларда ёқимли ҳис-туйғу ёки ғазаб уйғотишни талаб қилади...»

А. Қодирий ўзининг романини Октябрь революцияси тажрибаларидан келиб чиқиб ёзди... У эзилганлар тарафида, бутун эътибори феодализм шароитида эрининг хоҳиши билан ҳуқуқсизликка ва хўрликка маҳкум этилган хотин-қизлар тарафида эди. У ўз халқининг асрлар бўйи эзилишида айбдор бўлган ижтимоий кучлардан нафратланади. Отабек ва унинг рафиқаси Кумушнинг тақдири фожиали тугайди. Тасвирланган тарихий шароитда масаланинг бошқача ҳал этилиши мумкин эмас эди. Аммо А. Қодирий тасвирлаган тарихий материал асосида алоҳида эстетик баҳо, эски урф-одатларни, эски жамият тартибларини тубдан ўзгартиришнинг тарихий зарурати китобхон онгига изчиллик билан сингдириб юборилади. Роман ҳозирги китобхонга эмоционал таъсир кўрсатиш билангина чекланмайди. Асарни автор «биринчи тажриба» деб атаса ҳам, аслида, у адибга ўзбек совет адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин олиш ҳуқуқини беради.

Берлин

Немисчадан **Ш. РУЗИЕВ**
таржимаси

[1] Абдулла Қодирийнинг Утган кунлар» романи ГДРда «Тошкентлик ошиқлар» номи билан нашр этилган.— Ред.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ ЎҒЛИНИНГ ЙЎЛ ХОТИРАЛАРИ

«1899 йилда ҳукмрон доиралар ўртасида Урта Осиёдаги ерларимизни Марказий Россиянинг темир йўллари билан бевосита туташтириш зарурлиги ҳақидаги масала қўзғалди. Иккита йўл қуриш мўлжалланди: бири — Оренбургдан Тошкентгача, иккинчиси — Александров Гай станциясидан Чоржўй-Закаспий темир йўлигача... Мен молия министрлиги томонидан вакил қилиб тайинланган эдим. Темир йўл қуриш бўйича қидирув ишлари олиб бораётган инженерлар билан биргаликда Александров Гайдан Чоржўйгача бўлган йўлни босиб ўтдим».

Картон папкадаги бир даста қоғознинг илк варағига шу сатрлар ёзилган. Уша сўзларнинг остига йирик ҳарфлар билан «Усть-Юрт орқали Урта Осиёга» деб ёзилган бўлиб, ундан сал пастроққа «М. Чернишевский» деган имзо чекилган.

Улуғ революцион-демократнинг ўғли М. Чернишевский ёзган, 145 варақдан иборат, ҳалигача эълон қилинмаган бу йўл хотиралари Ленинграддаги архивлардан бирида сақланади. Михаил Николаевич улуғ отага муносиб ўғил эди. Н. Г. Чернишевскийнинг ёзишмалари, адабий мероси бизгача унинг ўғли туфайли етиб келди, Михаил Николаевич умрининг охиригача отаси ҳақидаги хотираларни, отасининг адабий ва революцион фаолиятига оид ҳужжатларни тўплади. Чернишевскийнинг номини тилга олиш тақиқланган даврларда ҳам кичик ўғли улуғ ватанпарвар асарларининг бир томликларини авторининг номини кўрсатмаган ҳолда нашр этди. Биринчи рус революцияси йилларида эса Н. Г. Чернишевский танланган асарларининг дастлабки тўла мажмуасини нашр қилишга киришди. Михаил Николаевич Октябрь революциясидан кейин 1924 йилгача — умрининг охиригача отасининг адабий меросини янада жўшқин ғайрат билан тарғиб этди. Унинг ташаббуси билан Саратовда Чернишевский уй-музейи очилди.

Эндиликда демократ революционер ўғлининг мероси ҳам тадқиқотчилар диққатини ўзига тортмоқда. Михаил Николаевич ўзидан олдин ўтган рус тадқиқотчилари камдан-кам борган ерларда бўлди. Қозоғистон ва Урта Осиё тарихини ўрганувчилар унинг «Қисқача таассуротлар конспекти»дан турний халқларнинг этнографиясига оид қизиқарли маълумотларни ўқийдилар, ўлканинг экономикасига доир маълумотлар оладилар.

Экспедиция аслаҳа-анжомлари ортилган туялар карвони айдоқ чўлда йўл босарди. Экспедиция қатнашчилари тарантасларда борар эдилар. 1899 йилнинг кузи жуда оғир келди. Совуқ эрта тушди, қор ёғиб, ёмғир қуйди. Чернишевский кундалик хотираларини баъзан совуқда увишиб қолган қўли билан ёзарди. «Тунда уйгонсам,—деб ёзган эди у,— даҳшатли шамол эсмоқда, довул чодиримизни тилка-пора қилмоқда... Ёмғир ва шамолга қарамай қизғин иш бошладик — чодирларни маҳкамлашга киришдик — болталарнинг тақ-туқи, жаранг-журунги янгради. Бу ишларнинг барчасини қоронғулида бажардик, шамол эса ҳамон шовқин солади.... Даҳшатли тун!»

Бироқ Михаил Николаевич Чернишевский Қозоғистон ва Урта Осиёда кўрган-кечирганларини ёзиб қўйиш билан кифояланиб қолмади. Фотография ишларининг зўр мутахассиси, Петербургдаги Рус фотография жамиятининг аъзоси бўлган М. Н. Чернишевский йўлда кўп расмлар ҳам олган эди. Уларнинг бир қисми архивда сақланаётган альбомга киритилган. Кундалик ҳам, фотоальбом ҳам улуғ рус революционерининг ўғли томонидан авлодларга қолдирилган қимматли тарихий ҳужжатлардир.

А. ВЛАДИМИРОВ

Йил—ўн икки ой

ИЮЛЬ

Бу ой — саратоннинг иккинчи палласи. 21 июлда асад киради. «Асад, экинингни ясат» деган матал бежиз айтилмаган. Чунки июлда кунлар ниҳоятда исиб кетади. Саратонга иккинчи астрономик воқеа тўғри келади: энг узун кундуз (21 июль) ва Ернинг Қуёшдан энг узоқлашган пайти — апогей (5 июль). Сайёрамизнинг Қуёшга яқинлашган пайти — перигей 3 январда кечган эди. Бинобарин, ҳарорат Ернинг Қуёшга яқинлашиши ёки узоқлашишида эмас, балки Қуёш нурининг Ер сиртига қай тарзда тушишига боғлиқ. Саратонда нур тикроқ тушади.

Абу Райҳон Беруний Қуёш билан Ер орасидаги алоқадорликни текширган ва Қуёш ўз ҳаракатида Саратон юлдузлар тўпидан Асад юлдузлар тўпига ўтиши июль ойига тўғри келишини астрономик-математик усуллар ёрдамида аниқлаган. Олимнинг эътироф этишича, «июль» сўзи тарихда турлича айтилган. Чунончи румоликлар «юлиус», қибтийлар «юлия» деб юритганлар. Аҳмад ал-Фаргоний «йўлйус» шаклида ёзган. 1 июлга — қамария ҳисоби бўйича 1392 йил жумодил аввал ойининг 18 куни, 31 июлга — жумодилохир ойининг 19 куни тўғри келади. Сайёраларнинг кўриниши: Меркурий, Уран (оқшомда), Венера, Сатурн (тонг отмасдан), Юпитер (тун бўйи), Нептун (дурбин орқали).

Бу ойда Қуёшнинг тўла тутилиши (10 июль) ва Ойнинг қисман тутилиши (26 июль) рўй беради, лекин Урта Осиё территориясида уларни кўриб бўлмайди.

Ой бошн — 11 июль, тўлиной — 26 июль.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Бундан бир неча йил аввал москвалик сайёҳлар Қизилқумни кечиб ўтишга қасд қилдилар. Саҳронинг қоқ ўртасидаги Бўкантов деган кичкина овулга етганларида, бу ернинг одамлари сайёҳларга бир ғорни кўрсатишди. Ғордаги қояларга қадимий ҳайвонларнинг расмлари ўйиб нақш этилган эди.

Кўп ўтмай бу петроглифларнинг фотосуратлари СССР Фанлар академияси Этнография институтининг Хоразм археология экспедициясида пайдо бўлди. Бу Урта Осиёдаги энг катта петроглиф тоғларининг кашф этилиши эди.

Қизилқумдаги ғорларда қояга ўйилган ўн мингтагача сурат борлиги аниқланди. Улар кўп асрлар давомида ўйилган бўлса керак. Олимларнинг айтишича, бу асарлар эрамиздан аввалги VIII—VI асрларга тааллуқлидир. Петроглифларда тасвирланган кўп ҳайвонлар ҳозир Қизилқумда йўқ. Аммо ер қатламларида топилган суяклар бу ҳайвонларнинг ўша замонларда шу ерда яшаганлигини исботлайди. Улар қай вақтларда ва нега қирилиб кетди экан?

Урта Осиё зоология комбинатининг серпантарийсида ҳозир 600 дан ортиқ заҳарли илон боқилмоқда. Улар сунъий шароитда урчитилган бўлса ҳам, қишни чидам билан кечиришди.

Утган йили комбинат 500 грамм шифоли заҳар тайёрлади. Бунинг ярми ташқи савдо бирлашмаси «Продинторг» орқали чет элларга жўнатилди. Ҳозир Урта Осиёдаги энг ўткир заҳарли илонлар «соғилмоқда». Олтойлик профессор З. Бартаган «Лебентонс» деган янги доривор тайёрлаш учун шу ўткир заҳардан сўрабди. Бу дори қон нетишни 15 секундда тўхтатар экан.

Қайроққум сув омборида балиқчи И. Михайлов 43 килограммлик лаққа балиқ тутди. Ленин қизиғи балиқнинг катталигида эмас, балки унинг қорнидан чиққан амойнботда. Лаққа қаердандир қадимий нумуш тангаларни топиб ютибди. Ленинободлик нумизматларнинг фикрича, бу тангалар VII асрда зарб этилган экан.

Узбекистон тоғларида ўсадиган ёнғоқ дарахтларининг бўйи гоҳо тўққиз қаватли бино баландлигича келади. Бундай дарахтлардан ҳосилни йиғиб олиш қийин. Лекин эндилнкда ёнғоқ териш учун дарахтнинг учига чиқишнинг ҳожати қолмади. Урта Осиё ўрмончилик институтида ихтиро қилинган махсус машина 6—8 секунд ичида ўнлаб одамнинг ишини бажариб қўяди. Унинг механик тарзда ишлайдиган «қўли» энг баланд дарахтлардаги ёнғоқларни ҳам бирпасда силкиб туширади.

Франция ери даги Альп тоғларига Помирдан ёдгорлик қоя тош келтирилди. Узбекистон альпинистлари бу тошни Федченко музликларидан олиб келишди, бу ерда уни Шамони шаҳарчаси ёнидаги буюк рус олими Федченко қабрига ўрнатишди. Маълумки, бу жасоратли машҳур география ва сайёҳ Монблан чўққиларини эгаллашда ҳалок бўлган.

Мақбарага ёдгорлик тошини ўрнатиш маросимида собиқ альпинист, Шамони шаҳрининг Мэри М. Эрцог нутқ сўзлади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг олимлари Б. Геллер ва А. Ҳамроев сувда осонгина эриб кетадиган тўқима — ўзбелон ихтиро қилдилар. Тўқима асосан медицинада қўлланилади, айниқса, травматология ва ортопедия соҳаларида унинг аҳамияти каттадир. Узбелон ғоят нозик матоларни ювишда тўқимачиларнинг ўзларига ҳам асқотади.

Серможаро, саргузашт сюжетлар устаси, инглиз адибаси Агата Кристининг кейинги романларидан бири «Қопқон» деб аталади. Лондондаги қопқонлар ишлаб чиқарадиган бир фирма корчалонлари, азбаройи адабиётга «меҳр»лари жўш уриб кетганидан, ёзувчининг шуҳратидан фойдаланиб, кўпроқ пул ишламоқчи бўлдилар. Улар бундан кейин чиқарадиган қопқонларини, адиба розилиги билан, «Агата Кристи» деб аташга қарор қилдилар.

«МАНОФИЪ АЛ-ИНСОН»

Хивада жамоатчилик йўли билан ташкил бўлган Шарқ медицинаси тарихи музейи йил сайин янги қўлёзмалар билан бойиб бормоқда. Яқинда ЎзФА Шарқшунослик илмий-текшириш институти нодир қўлёзмалар фондидан музей учун Абулғозихоннинг «Манофиъ ал-инсон» («Инсонларга хизмат») китобини сўраб олдик. Китоб ахтариш экспедициямиз худди шу асарнинг бир неча хил қўлёзма кўчирмаларини ҳам топди. Улар асл нусхадан қисман фарқ қилади, яъни қўлёзманинг кўчирмаларида баъзи бир нуқсонларга йўл қўйилган.

Бу асар хусусида ўша давр Хоразм тарихчилари ўз асарларида қайд этиб ўтганлар. Машҳур тарихчи Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразм-шоҳий» асарида шундай дейди: «Абулғозихон бир тарих битиб, унга «Шажараи турк» деб ном қўйди, бу киши тиб илмида ҳам моҳир экан. Мен у кишининг «Манофиъ ал-инсон» деган тибга оид бир форсча таснифларини кўрдим».

Демак, Абулғозихон тиббий рисоласини қайси тилда ёзгани маълум бўлмаса-да, лекин асарнинг ўзбек ва форс тилларига кўчирилгани аниқ.

Муаллиф «Манофиъ ал-инсон»да илмий медицинага асосланган. У Гиппократ, Гален, Ибн Сино, Исмоил Журжоний каби машҳур табибларнинг меросидан фойдаланганини очиқ ёзади. Китобда худога тавалло, жин, пари, дев-албасти, қадамжоларга мурожаат қилиш хусусида сўз юритилмайди. Муқаддима шундай бошланади: «Биз бадан иллатларидан холи эрмас эдик, бу дардга даво ахтариб, улуғ табибларнинг асарларига мурожаат қилган эдик. Гоҳо кўнгилга мувофиқ дармон топилмас эди... Шунинг учун дардга иложи топмоқ чорасида ўтган ҳаким-ҳукамолар китобларидан жамғариб ёзиб, «Манофиъ ал-инсон» атадим, шояд инсонларга нафи тегсин деб».

Ҳақиқатан ҳам, асарда тиббиётга доир қимматли маълумотлар берилган. Унда касалликларнинг юздан зиёд хили, даволаш усуллари ҳақида гап боради. Абулғозихон Хоразмда биринчи бўлиб симоб дудини таносил касалликларини даволашда қўллаган. Аслида бу хил касалликни даволаш учун Ибн Сино ҳам симобдан фойдаланган, лекин Абулғозихон симобнинг дуди, яъни тутуни тўғрисида гапиради.

Муаллиф ҳар бир касалликни турларга ажратиб, улар тўғрисида кенг тўхталади.

Табибнинг таъкидлашича, кишининг дарддан қутулишида табиат эҳсонлари, яъни иссиқ қум, шўр балчиқ, шўр кўллар суви, қуёш нури ёрдам беради. Кўл ва дарёларда сайр қилиб, хушҳаводан баҳраманд бўлиш ҳам жуда фойдалидир.

Тарихдан маълумки, XVII асрнинг охирида яшаб, ижод қилган Абулғозихон «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари орқали у тарихчи сифатида танилган. Абулғозихоннинг «Манофиъ ал-инсон» китоби ҳозирги медицинамиз нуқтаи назаридан қараганда ҳам ҳали ўз қимматини йўқотмаган муҳим тиббий дастурдир.

О. АБДУЛЛАЕВ,
медицина фанлари кандидати

МАҒРУР ҚЎШНИ

Ўтган йили маҳалламизга Каримжон деган йигит кўчиб келди. У дастлабки кунларданоқ қўни-қўшниларда яхши таассурот уйғотди. Узи ҳам келишган йигит. Кулиб туради. Кулганида оғзининг чап тарафидаги тилла тиши йилт-йилт қилади. Мен Каримжонни аввал шахсан танимас эдиму, аммо у ер-бу ерда кўриб юрардим. Исмини ҳам билмасдим. Бироқ айрим тантанали кечалар очилиши пайтида президиум столига гулдаста олиб чиққанини, микрофонни қўли билан чертиб кўрганларини эслайман. Ҳарқалай, қачон кўрсам Каримжон залдан юқоригоқ жойларда юрарди. Ҳатто таниқли санъаткорлардан бири олтмиш ёшга кирган куни юбилярнинг ёнгинасида ўтирганини ҳам кўрганман. Яқинимда ўтирганлардан баъзилари «Юбилярнинг ёнидаги йигит ким бўлди экан?» деб бир-бирларидан сўраганларини ҳам эшитган эдим.

Каримжонни бironта институтнинг илмий ходими бўлса керак, деб ўйлардим. Чунки у доимо илмий ходимларда бўладиган каттакон портфель кўтариб юрарди. Лекин кейинроқ билсам, илмий ходим эмас, аллақайси истироҳат боғида директор ўринбосари экан.

Дастлабки ойларда Каримжон билан камроқ учрашардик, бир-биримиз билан илиққина сўрашардик-да, ўз йўлимизга кетаверардик. Лекин кейинги ойларда қўшним билан бот-бот учрашадиган бўлиб қолдим.

Бир куни тантанали йиғилишга борадиган бўлдим. Автобус бекатига етганда Каримжонга дуч келдим. Мен билан кўришатуриб:

— Йўл бўлсин, қўшни?— деб сўради у.

— Йиғилиш бор экан.

— «Юбилей» саройидаги йиғилишга эмасми?

— Ҳа, ўша ерга.

— Буни қаранг-а, йўлимиз бир экан. Мен ҳам ўша йиғилишга кетяпман... Анчадан бери турибман таксилар тўхтамай ўтиб кетяпти.

— Автобус келмаяптими?

— Иккитаси ўтиб кетди.

— Тиқилинч эканми?

— Йўқ, унча тиқилинч эмас. Кейингисида ўнтача одам бор эди.

— Чиқолмабсиз-да?

Каримжон менга бошдан-оёқ тикилиб кулди:

— Шундай тантанали мажлисга автобусда борамизми?..

Узоқдан автобус кўринди.

— Ҳў, Каримжон, ана келяпти. Юринг, кетақолайлик,— дедим унга.

— Э, қўйсангиз-чи... Сиз ҳам чиқманг, таксида ўзим олиб кетаман,— деди у.

— Раҳмат, шунда кета қолай,— дедиму автобусга чиқдим.

Ўша куни Каримжон мажлисга мендан аввал бордими, кейин бордими — билолмадим.

Яна бир куни — хотиним иккаламиз театрга борган эдик — Каримжонни касса олдида учратдим. Улар ҳам икки киши эди. Аммо хотини иккаласи кассанинг туйнуги томондан хомуш қайтаётган эди. Сўрашдик. Каримжон касса тарафга нохуш қараб қўйди:

— Яхши спектакль деб эшитиб, театрга кирмоқчи эдик. Билет қолмабди.

Аслида биз ҳам спектакль кўрмоқчи эдик. Каримжоннинг гапини эшитиб, хотиним иккаламизнинг тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди. Хотиним менга, мен хотинимга қарадим. Шу орада Каримжонлар қаёққадир кетишди. Мен уни, кассири тушмагурга қўполроқ муомала қилиб қўймаганмикан, деб ўйладим-да, бахтимизни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Кассир қизга рўпара бўлиб, сертаккаллуфлик билан:

— Яхши қизим, биз ҳам янги спектаклни кўрмоқчи эдик,— дедим.— Агар мумкин бўлса.

— Нечта билет керак?— деб сўради кўзлари чақнаб турган кассир қиз.

— Иккита.

— Марҳамат!..

Яхши муомала билан иш битирганимдан мен ҳам, хотиним ҳам хурсанд эдик. Иккинчи кўнгироқдан сўнг залга кирдик. Кирдигу ҳайрон бўлиб қолдик. Залдаги ўринларнинг деярли ярми бўш эди. Каримжонга билет сотмаган кассир қиздан нафратландик. Билетда кўрсатилган номерга ҳам қарамадик-да, залнинг ўртароғидаги бўш жойларга бориб ўтирдик.

Эртасига Каримжонга шу воқеани айтиб, спектаклдан олган таассуротларимни сўзлаб бердим.

— Қанақа жойда ўтирдиларинг?— сўради Каримжон.

— Қанақа жой бўларди? Залнинг қоқ ўртасида — жуда яхши жойда ўтирдик.

Каримжон менинг ҳолимга ачингандек лабини бурди:

— Залда ўтириб томоша кўриш ҳам иш бўлдими, қўшни? Озиб-ёзиб театрга кирганга яраша ложада ўтириш керак-да!..

Мен кассир қиздан ноўрин нафратланганимизни сездим. Бир куни Каримжонни ҳаммом эшиги олдида учратдим. Пешонасидаги тер томчиларини кўриб сўрадим:

— Ювиниб чиқдингизми ё энди кирмоқчимисиз?

— Энди кирмоқчиман. Навбат жуда катта,— деди у.— Бир соатдан бери кутяпман.

— Қайтиб кетаверсак ҳам бўлар экан-да?— дея ўз-ўзимга сўзлагандек кассирга яқинлашдим.— Ҳаммомга тушиш ҳам қийин бўлиб кетяптими дейман?

Кассир йигит сўзимизни эшитиб турган экан:

— Нега бундай дейсиз, одам кўп эмас,— деди.

Мен ҳайрон бўлиб Каримжонга қарадим.

— Умумий зал бўш бўлса керак, қўшни,— деди Каримжон.— Мен алоҳида номерга кирмоқчиман. Кўпчиликнинг ичида нима қиламан?

— Майли, бизга умумийси ҳам бўлаверади,— дедиму кассирга пул узатдим.

Яқинда ишдан қайтатуриб озиқ-овқат магазинига кирдим. Ичкаридан бир буханка нон кўтариб чиқаётиб, яна Каримжонни кўриб қолдим. У илжайган кўйи мен билан кўришатуриб сўради:

— Нималар кўтариб юрибсиз, қўшни?

— Мен кўзим билан қўлимдаги нонга ишора қилдим:

— Кўриб турибсиз-ку, нон...

— Вой-бу, ҳали ҳам қора нон ейсизларми? Патир ёки обинон йўқ эканми?! Батонни, булочками?..

Каримжоннинг қўшним эканлигини андиша қилиб:

— Биз нон танламаймиз,— дедим.— Нонниг оқи ҳам нон, қораси ҳам нон!..

Каримжонга ҳам нимадир керак экан шекилли, озиқ-овқат магазинига кириб кетди. Мен унинг қайтиб чиқишини кутмай йўлга тушдим.

Оқилжон ҲУСАНОВ

Аноийлар

Яқинда Ўзбекистонга келган колумбиялик меҳмон — фольклорчи Энрике Буэнавентура журналхонларимизга қуйидаги латифаларини тақдим этди.

* * *

Пойтахтга тушган бир аноийни таништирлар ипподромда бўлаётган катта томошага таклиф этишибди. Пойга бўлаётган экан. Меҳмонга бунинг нималигини тушунтиришибди:

— Ҳозир пойгага тушган отлар мана бу майдонни икки марта айланишади. Улардан бири — маррага ҳаммадан олдин етиб келгани соврун олади.

Аноий ўйлаб туриб, сўрабди:

— Соврунни биттаси олар экан, бошқалари нега чопади, бўлмаса?

* * *

Иккита аноий далада ишдан кейин дам олмоқчи бўлишибди. Бири чалқанчасига, бири эса мукка тушиб ётибди.

Бирпасдан кейин осмондан самолёт ўтиб қолибди.

— Самолёт учаяпти!— дебди чалқанча ётгани.

— Зап омадинг келган йигитсанда,— дебди ерга қараб ётгани,— мен ҳеч нарса кўрмаяпман.

«Бедана»

Бедазорда бедана
Бўлиб-бўлиб сайрайди.
Қўрни қўзғаркан она,
Тинглаб уни, яйрайди:
«Сайроқидир бунча ҳам —
Чолимнинг туллагидек.
Кошки бўлса чолгинам,
Тонгда қуриб у тузоқ,
Қурмагурни ушларди.
Мен берардим дон, ушоқ,
Сайраб кўнглим хушларди...»

Бедазорда бедана
Бўлиб-бўлиб сайрайди.
Кампир қизи — жонона
Ошхона туйнугидан
Бедазорга қарайди:
«Тезроқ пишса ҳолвайтар
Ойим кирарди уйга.
Чиқардим ёнингга, ёр,
Пичан солай деб қўйга!..»

Тилак ЖЎРА

Наъматак

— Қайси институтга киримоқчисан?
— Дадам қайсиниисига жойлаштирса, ўшанисига.

Олағон қўл.

Ўз-ўзига ҳазил.

Танишингиз

Александр ВЕНЕДИКТОВ

Республикамизнинг кўзга кўринган рассомларидан бири Александр Павлович Венедиктов ўз ижодий фаолиятини 1935 йили матбуот саҳифаларида бошлади. Шундан буён у яратган график асарлар ўзининг ғоявий ва бадиий кучи билан санъат шинавандаларига ғоят манзур бўлиб келмоқда. Рассом даврimизнинг актуал темаларида кўплаб жанговар плакатлар яратди, ўзбек адабиётининг етук асарларини маҳорат билан безади. У вақтли матбуот, айниқса, «Муштум» журнали саҳифаларида самарали ижод қилиб келмоқда.

Биз Александр Павловичга янги муваффақиятлар тилаймиз.

Изоҳнинг ҳожати йўқ.





— Бизнинг институтга киринг.
— Йўқ, бизнинг институтга.

Қуш уясида кўрганини қилади.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Боланинг ўйини «бежо»

Маррага яқинлашганда ғалаба йўлида спортчилар ҳеч нарсани аямайдилар. Бунинг учун эса пухта тайёргарлик кўришлари, юксак савияда малака ҳосил қилишлари шарт. Республика чемпионлиги учун кейинги йилларда ўтказилган мусобақаларда бу борада олға силжиш давом этаётир. Чунончи, ўттиз еттинчи марта ўтказилган ана шундай мусобақанинг охирги кунигача ҳам иштирокчилар ўртасидаги кураш кескинлиги ошса ошдики, лекин сира ҳам пасаймади. Охирги давра учрашувлари олдидан чемпионлик учун тўрт шахматчи чинакам рақобат қилганлиги, Иттифоқ миқёсидаги шахмат баҳсларида ҳам муваффақият билан қатнаша оладиган усталар етишиб чиқаётганидан далолат беради.

Биз ана шу истеъдод эгаларининг 64 катакда яратган ижодидан намуна келтирмоқчимиз.

Г. БОРИСЕНКО — Д. ҚАЮМОВ

1. d4 Кf6 2. c4g6 3. Кc3 Сg7 4. e4 d6 5. Се2 0—0 6. Сg5 h6 7. Се3 c5 8. d5 e6 9. Фd2 Крh7 10. h3 ed 11. ed Лe8 12. Сd3 b5!? (Ташаббусга эришиш учун қоралар бир пиёда қурбон қилмоқда. Бу янгилик эмас, албатта. Лекин уни ҳар ким ўзича талқин қилади. Ҳиндча деб аталувчи бу



ҳимоя усули ҳамиша қизиқ тўқнашувларга олиб келади.) 13. cb a6 14. Кge2 ab 15. С:b5 Ке4 16. Фc2 Сf5 17. Сd3 Фh4 18. О—О Кd7 Кf4 Кdf6 20. Кce2 Кh5 21. К: h5 Ф: h5 22. Кf4 Фh4 23. a4 Лab8 24. Ла2 Лb4 25. a5 Се5 26. Фc1 Кg5. (Агар қоралар рақиб шоҳига айтарли таҳликалар сола олмаса, бой бериши муқаррар). 27. Сf5 gf 28. g3 (28. Кd3? бўлса ҳам 28... К: h3+! ва ҳоказо). 28... К: h3+ 29. Крg2 (29 Крh2 бўлса, 29... К: f4+! 30 gh Кd3+ ва ҳоказо. (Диаграммага қаранг).

29... Лg8! 30. Ке2 (30. К: h3? бўлса, 30... Л: g3 +!) 30... f4! 31. Фc2+ Крh8 32. Лh1 Фh5 33. Л: h3 f3+ 34. Кр h2 Лh4! 35. Кg1 Фg4!! 36. Ла1 (36. Л: h4 бўлса, 36... Ф: h4+ 37. Кh3 С: g3+ 38. fg Ф: d3+ 39. Кр h1 2!! ва ҳоказо.) 36... С:g3+ 37. fg Ф:g3+ 38. Крh1 f2 39. Ф: f2? (Цейтнотда оқлар. 39. Фc3+ йўли билан киштни қойил қилиб бўлмаслигини пайқаб қолди).

39... Л: h3+ 40. Кh3 Ф: h3 41. Фh2 Фf3+ ва кейинги юришда мот!

Г. Борисенко — жаҳонга анча танилиб қолган шахмат устаси. У М. Ботвинник, В. Смислов, П. Керес, М. Тайманов, С. Фурман каби забардаст шахматчилар билан ҳам кўп марта беллашган. Д. Қаюмов-чи? У ҳали ёш. Унинг шахматчилар даврасига киришига бир воқеа сабаб бўлган эди. Бир куни «Совет Ўзбекистони» газетасида мен «Раҳмат, азизлар» деган лавҳани ўқиб қолдим. Унда болалигидан шол бўлиб қолган Раҳмат деган ёш йигитнинг узоқ йиллар давомидаги мардлиги ҳикоя қилинган эди. Беморнинг уйига борганимда, у ўзи раҳбарлик қилиб радиоприёмник тузаттираётган экан. Иш жуда осонликча кўчарди. Раҳматжон тушунтириб турар, эпчилгина бир йигитча чирмашиб кетган симларни ковлаштирарди. Приёмник гапира бошлагач, Раҳматжон билан шахмат сурдик. Юришларни у айтар, мен эса доналарни сурар эдим. Рақибимнинг ёддан ҳам шахмат ўйнай олиши сезилиб турарди. Суҳбат вақтида маълум бўлдики, Раҳматжоннинг шахматчи шогирдлари ҳам бор экан. У бир неча кундан кейин ўз шогирдларидан бири, ўн тўрт яшар Д. Қаюмовни менинг олдимга юборди.

Болакай анча қобилиятли чиқиб қолди: ишчан, хотираси кучли экан! У бошқа шогирдларимдан тезроқ ўса бошлади, уч йил деганда у СССР спорт мастерлигига номзод бўлди. Ҳозир Д. Қаюмов 22 ёшда. Мамлакат миқёсидаги катта турнирларга қатнашишга ҳали улгуролганича йўқ. Аммо унинг ўйинларини кўрган киши албатта маҳоратли шахматчи бўлиб етишишига ишонади.

Юқорида келтирилган комбинация нақадар мураккаб ва чиройли. Бундай ижод намунаси билан ҳатто ҳакамлар ҳам фахрланиши турган гап. Чемпионатда олдинги ўринлардан бирининг истеъдодли ёш шахматчи Д. Қаюмовга насиб қилгани бежиз эмас.

Шахматчиларимиз ҳали ҳам республикамиз мавқеига яраша ўринга кўтарила олмаётирлар. Ўша кўзлаган мақсадимизга етиш учун Қаюмовга ўхшаган қобилиятли шахматчилар сафини кўпайтиришимиз даркор. Ҳаракатимиз ҳам шу.



ГЕОГРАФИК ЧАЙНВОРД

1. Саккиз юз ёшдан ошган шаҳар. 2. Пахтакор область. 3. Автоном республика. 4. Гуллар шаҳри. 5.Республика маркази. 6. Н. Чернишевский туғилган жой. 7. Марказий Россиядаги шаҳар. 8. Авлиёотанинг бугунги номи. 9. Шимол Пальмираси. 10. Пойтахт. 11. Порт. 12. Қадимий шаҳар. 13. Ўлка маркази. 14. Зиғиркор область. 15. Илек бўйидаги станция. 16. Сибирдаги ўлка. 17. Пойтахт. 18. Шимолдаги шаҳар. 19. Ставрополь ўлкасидаги шаҳар. 20. Закавказьеда классик шоир ватани. 21. Мамлакатимиз Шарқидаги область. 22. Ғарбий Сибирда саноат маркази. 23. Владикавказнинг ҳозирги номи. 24. Матенадаран жойлашган шаҳар. 25. Адмирал С. Макаров туғилган жой. 26. Қаҳрамон шаҳар. 27. Кўмир пойтахти. 28. Иирик магнит аномалияси бор область. 29. Денгиз порти. 30. Болтиқ бўйидаги шаҳар. 31. Сибирдаги кичик шаҳар. 32. Ковноннинг ҳозирги номи. 33. Абайнинг ватани. 34. Ўлка. 35. Волга ирмоғидаги шаҳар. 36. Пойтахт. 37. Обь бўйидаги станция. 38. Пойтахт. 39. Пойтахт. 40. Иртишдаги станция. 41. «Гилам» шеърида тилга олинган шаҳар.

Тузувчи Б. САРКОРОВ

Қува

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Бўйига: 1. Чоршанба. 2. Эман. 3. Шарқ. 4. Марғилон. 6. Норин. 8. Атлас. 9. Ханжар. 13. Саратон. 14. Гагарин. 18. Туя. 19. Қиш. 22. «Синчалак». 23. «Челкаш». 24. Қўрғошин. 28. Артём. 29. Танҳо. 33. Чанг. 34. Олим.

Энига: 5. «Шоҳнома». 7. Ҳаракат. 10. Тариқ. 11. Она. 12. «Малик». 15. Куба. 16. Капалак. 17. Қора. 20. Кураш 21. Тарих. 25. Этик. 26. Комедия. 27. «Сўна». 30. Очерк. 31. Ока. 32. Қарға. 35. Кармана. 36. Никотин.

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: Ўзбекистон халқ рассоми Салимжон Ҳамидов. (16-бетдаги «Кандакор» очеркига қаранг).

Г. ГРАФКИН фотоси

Иккинчи бет: «Янги ҳосил етилмоқда».

С. БЕЗНОСОВ этюди

Учинчи бет: Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат театрининг актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рихси Иброҳимова.

Б. МИЗРОХИН фотоси

Тўртинчи бет: Литва чеварлари яратган янги либос намуналари.

Т. ЛУЦКЕНЕ фотолари

Бош редактор — Асқад МУХТОР.
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон»—общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: 700000. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор—33-35-20; бош редактор ўринбосари—33-35-90; масъул секретарь—33-35-19; ижтимоий-сиёсий бўлим—33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими—33-36-02; фан ва маданият бўлими—33-35-19; рассомлар бўлими—33-36-59.

Босмахонага туширилди 9/VI-72 й. Босишга рухсат этилди 13/VII-72 й. Қоғоз 70×108¹/₈. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 607. Тиражи 167363. Нашр. Б-3465. Р-09530.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

ЛИТВА

либослари

Индекс 75233.

Баҳоси 30 тийин.